

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING ҚАРОРИ

133 Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 6 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2773

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси, «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 31 декабрдаги 376-сон «Товарларни божхонада электрон шаклда декларациялаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор 2016 йил 21 апрелдан кучга киради.

Раис

З. ДУСАНОВ

Тошкент ш.,
2016 йил 29 февраль,
01-02/15-07-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил
29 февралдаги 01-02/15-07-сон қарорига
ИЛОВА

Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги ЙЎРИҚНОМА

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси, «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги ПФ-4455-сон «Ишбилармонлик мухитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республика-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й.

си Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 31 декабрдаги 376-сон «Товарларни божхонада электрон шаклда декларациялаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ божхона юк декларациясини (бундан буён матнда БЮД деб юритилади) тўлдириш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Йўриқномада қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

жўнатувчи — ўзаро тузилган битимга мувофиқ товарларни ўз номидан ташиш учун ташувчига тақдим этувчи ва у ҳақидаги маълумотлар транспорт хужжатларида кўрсатилган шахс;

молиявий тартибга солиш учун жавобгар шахс — ташқи савдо контрактини (шартномаси, келишувини) тузган ва у бўйича ҳисоб-китобларни амалга оширишга масъул шахс;

божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис (бундан буён матнда мутахассис деб юритилади) — декларант ёки божхона брокери номидан БЮДни тўлдириш, имзолаш ва божхона органларига тақдим этиш учун ваколатли шахс;

электрон БЮД — мутахассиснинг электрон рақамли имзоси (бундан буён матнда ЭРИ деб юритилади) билан тасдиқланган, «Товарларни электрон декларациялаш» автоматлаштирилган ахборот тизими (бундан буён матнда ТЭДААТ деб юритилади) воситасида тақдим этилган электрон шаклдаги БЮД ёки қоғоз шаклдаги БЮДнинг электрон ташувчида тақдим этилган электрон нусхаси;

қабул қилувчи — у билан тузилган битимга мувофиқ юк ташишни амалга ошираётган ташувчи тақдим этиши лозим бўлган, товарларни ўз номидан қабул қилиб олувчи ва у ҳақидаги маълумотлар транспорт хужжатларида кўрсатилган шахс, товарларнинг божхона режими ўзгарган ҳолларда эса — БЮД тақдим қилинаётган вақтда божхона расмийлаштирувидан сўнг декларацияланаётган товарларни божхона органларидан ўз тасарруфига олиш ваколатига эга бўлган шахс.

2. БЮДни қўллаган ҳолда товарларни декларациялаш божхона мақсадлари учун зарур бўлган маълумотларни электрон шаклда ТЭДААТга киритиш орқали ёки қонун хужжатларида белгиланган ҳолатларда А4 форматдаги варақларда қоғоз шаклдаги БЮДни қўллаган ҳолда амалга оширилади.

БЮД қоғоз шаклда тақдим этилганда мутахассис божхона органларига ўзининг ЭРИси билан тасдиқланган БЮДнинг электрон нусхасини ҳам тақдим этади.

3. Электрон БЮД божхона органларига белгиланган формат ва тузилишга мувофиқ тақдим этилиши лозим.

4. Битта БЮДда битта товар туркумига оид бўлган, битта битимга мувофиқ олиб ўтилаётган ва бир хил божхона режимига жойлаштирилаётган товарлар декларацияланиши мумкин.

Агар битта товар туркумига оид бўлган товарлар турли божхона режим-

ларига жойлаштириладиган бўлса, у ҳолда тўлдириладиган БЮДлар сони божхона режимлари сонига мувофиқ бўлиши лозим.

5. Декларант битта божхона органига такдим этиладиган бир товар туркумига оид товарларни бир нечта БЮД билан декларациялаши мумкин, Интерпретациялашнинг 2а асосий қондасига мувофиқ йиғилмаган ёки ажратилган товарнинг таркибий қисмлари деб ҳисобланадиган ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатурасининг (бундан бўён матнда ТИФ ТН деб юритилади) йиғилган ёки тугалланган товарга мос келувчи позициясида таснифланадиган товарлар бундан мустасно.

6. Битта БЮДда кўпи билан 100 та номдаги товарлар тўғрисидаги маълумотлар баён этилиши мумкин.

7. Бир ном, тур, маркази, ТИФ ТНга асосан битта ўн рақамли код билан таснифланувчи, бир мамлакатдан ёки бир иқтисодий иттифоқ ҳудудидан (агар товарнинг аниқ келиб чиқиш мамлакатини аниқлаш имкони бўлмаса) келиб чиққан ёхуд келиб чиқиш мамлакати номаълум бўлган, божтарифларини тартибга солиш, тақиқ ва чекловларнинг бир хил шартлари қўлланиладиган товарлар битта товар сифатида декларацияланади.

8. Олиб кирилиб, эркин муомалага чиқариш (импорт) божхона режимига жойлаштириладиган ҳамда бир хил ТИФ ТН кодлари билан таснифланаётган, лекин турли ном, товар белгилари, марка, модел, техник тавсифга эга бўлган, ўз эҳтиёжи учун мўлжалланмаган истеъмол товарлари (ТИФ ТНнинг 4901, 4902, 4908 — 4911 товар позициялари билан таснифланувчи, шунингдек «Навоий» эркин иқтисодий индустриал зонаси ҳудудидан олиб кириладиган товарлар бундан мустасно) турли товарлар сифатида алоҳида декларацияланади.

9. БЮД ўзбек ёки рус тилида тушунарли тўлдирилган бўлиши лозим.

БЮДда ўчиришлар ва бўяшлар бўлмаслиги керак. Тушунарсиз тўлдирилган БЮДлар божхона органлари томонидан расмийлаштириш учун қабул қилинмайди.

10. БЮДга мазкур Йўриқномада кўзда тутилмаган маълумотни киритишига йўл қўйилмайди.

11. Товарнинг кузатув ҳужжатларида шахслар, товарлар, транспорт воситалари номланишлари ва бошқа маълумотларнинг лотин ёки бошқа (араб, хитой ва ҳ. к.) алифболар ҳарфларида ёзилганлиги ҳолатлари учраса, у ҳолда бундай маълумотлар БЮДда лотин алифбоси ҳарфлари билан, кирилл алифбосидаги номланишлар кирилл алифбоси ҳарфлари билан ёзилади.

Масалан:

шахснинг номи — «Central global cargo Gmbh», «Xinjiang zhongtai chemical Co., LTD», «Магнитогорский металлургический комбинат», Курьянов Игорь Михайлович;

автотранспорт воситаси номи — техник восита паспорти ёки расмий справочникларга мувофиқ — «Toyota land cruiser», «BMW 523i», «MAN», «КАМАЗ», «МАЗ»;

товар номи — «Mars», «Adidas», «Алёнка», «Русское поле».

12. БЮД тақдим этилгандан сўнг божхона органи мансабдор шахси БЮДнинг тўғри тўлдирилганлигини, божхона расмийлаштируви учун зарур ҳужжатлар мавжудлигининг дастлабки текширувини амалга оширади.

Дастлабки текширув натижасида камчиликлар аниқланса ушбу камчиликларни бартараф этиш мақсадида божхона органи мансабдор шахси бу ҳақида мутахассисни хабардор қилади.

Декларацияланаётган товарларга нисбатан қонун ҳужжатларида мавжуд божхона тўловларини тўлаш бўйича имтиёзлар ва преференциялардан фойдаланилмаганлиги ҳамда ушбу имтиёзлар ва преференциялар тўғрисидаги маълумотларнинг БЮДни тегишли графаларида акс эттирилмаганлиги ҳам камчилик ҳисобланади.

БЮДнинг дастлабки текшируви натижасида камчиликлар аниқланмаса, божхона органи мансабдор шахси БЮДни расмийлаштириш учун қабул қилади.

Божхона органи томонидан БЮДнинг қабул қилинганлигини расмийлаштириш у топширилган кунда, рўйхатдан ўтказиш орқали амалга оширилади. Божхона органи БЮДни мазкур Йўриқноманинг 90-бандига мувофиқ тартибда унинг 7-графасини тўлдириш орқали рўйхатга олади.

13. БЮДнинг расмийлаштирилиши мазкур Йўриқноманинг 90-бандида белгиланган тартибда БЮДнинг «D» графасини тўлдирилиши билан яқунланади.

14. Божхона расмийлаштируви ва божхона назорати яқунлангандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 184-моддаси учинчи қисмида кўрсатилган муддат давомида қуйида кўрсатилган ҳужжатларнинг сақланиши таъминланади:

декларант томонидан — БЮД ҳамда БЮДни расмийлаштириш учун асос бўлган ҳужжатлар;

божхона брокери томонидан — электрон БЮД ҳамда БЮДни расмийлаштириш учун асос бўлган электрон ҳужжатлар, БЮД қоғоз шаклда расмийлаштирилган ҳолатларда эса қоғоз шаклдаги БЮДнинг иккинчи нусхаси ва БЮДни расмийлаштириш учун асос бўлган ҳужжатларнинг нусхалари;

божхона органлари томонидан — электрон БЮД ҳамда БЮДни расмийлаштириш учун асос бўлган электрон ҳужжатлар, БЮД қоғоз шаклда расмийлаштирилган ҳолатларда эса қоғоз шаклдаги БЮДнинг биринчи нусхаси ва БЮДни расмийлаштириш учун асос бўлган ҳужжатларнинг нусхалари.

2-боб. Электрон шаклда декларациялашнинг ўзига хос хусусиятлари

15. Электрон шаклда декларациялашда барча маълумотлар электрон БЮДнинг тегишли графаларида ёки ушбу графа учун ажратилган деталлаштирилган жадвалларда тўлиқ кўрсатилади ва БЮДнинг бошқа графаларига, қўшимча илова қилинадиган варақларга ёки бошқа шу каби ҳаволалар қилинишига йўл қўйилмайди.

16. Электрон шаклда декларациялашда божхона органлари БЮДни қоғозга чоп этмайдилар ва қоғоздаги БЮД нусхаларини имзо ва муҳр билан тасдиқлаб бермайдилар, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ БЮД қоғозга чоп этилганда божхона органининг ваколатли мансабдор шахси электрон БЮДдаги маълумотлар акс этирилган ҳар бир вараққа тегишли штамп қўяди, уни ўз имзоси ва шахсий рақамли муҳри (агар божхона органи мансабдор шахсига шахсий рақамли муҳр бириктирилмаган бўлса, божхона органининг муҳри) билан тасдиқлайди, қоғознинг юқори ўнг бурчагини эса «Нусха» ёзуви билан белгилайди.

3-боб. Қоғоз шаклда декларациялашнинг ўзига хос хусусиятлари

17. Қоғоз шаклда декларациялашда БЮД мазкур Йўриқноманинг 1-иловасига мувофиқ БЮДнинг асосий варағи, бир нечта товарларни декларациялашда эса мазкур Йўриқноманинг 2-иловасига мувофиқ БЮДнинг қўшимча варағидан иборат бўлади.

БЮДнинг асосий варағида битта товар тўғрисида, битта қўшимча варағида эса учта товар тўғрисида маълумотлар кўрсатилиши мумкин (бир вақтнинг ўзиде асосий вараққа 33 тадан кўп бўлмаган қўшимча варақлар илова қилиниши мумкин).

Агар мазкур Йўриқномада қўшимча варақларнинг алоҳида графалари учун тўлдиришнинг ўзига хос хусусиятлари белгиланмаган бўлса, БЮД қўшимча варақларидаги графаларни тўлдириш тартиби БЮД асосий варағидаги мос графаларни тўлдириш тартибига мувофиқ амалга оширилади.

Агар БЮДнинг қўшимча варағида битта ёки иккита товар декларацияланаётган бўлса, қўшимча варақнинг тўлдирилмаган қисмидаги 31-графага диагональ чизиқ тортилади.

18. БЮД қоғоз шаклда тақдим этилганда, БЮДнинг бирор бир графасида баён этилаётган маълумотларни (корхона номи, вагон, контейнер рақамлари ва ҳ. к.) кўрсатиш учун жой етарли бўлмаса, ушбу маълумотлар БЮДнинг орқа томонида ёки қўшимча илова қилинадиган, БЮДнинг ажралмас қисми бўлган А4 форматдаги варақларда кўрсатилиши мумкин. Бундай ёзув мутахассиснинг имзоси ва мутахассис штатида бўлган ташкилотнинг муҳри (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланади, тегишли графада эса «БЮДнинг орқа томонига қаранг» ёки «қўшимча вараққа қаранг» ёзуви қайд этилади.

Бунда БЮДнинг асосий ва қўшимча варақларининг орқа қисмида ёки қўшимча илова қилинадиган варақларда графа рақами ва декларацияланаётган товарнинг тартиб рақами (агар маълумотлар аниқ бир товарга тааллуқли бўлса) кўрсатилади ва мазкур Йўриқноманинг 4 — 19-бобларида белгиланган тартибда ушбу графада баён этиладиган маълумотлар кўрсатилади.

Ҳар бир илова қилинадиган қўшимча варақнинг юқори ўнг бурчагида «_____сонли БЮДга ____ варақда қўшимча», декларацияланаётган товарнинг тартиб рақами «____сонли товар» тарзида ҳамда ҳар бир товар бўйича графа рақами кўрсатилади.

19. Қоғоз шаклда декларациялашда БЮД божхона органларига тўрт нусхада тақдим этилади. Ушбу нусхалар қуйидагича тақсимланади:

биринчи нусха — божхона органлари иш йиғма жилдларида қолади;

иккинчи нусха — штатида мутахассис бўлган божхона брокери ёки декларант учун;

учинчи ва тўртинчи нусхалар — декларант учун.

4-боб. Экспорт божхона режимига жойлаштирилаётган товарларга БЮДни тўлдириш

20. Экспорт божхона режимига жойлаштиришда товарлар божхона органларига мазкур Йўриқноманинг 21 ва 22-бандларига мувофиқ тўлдирилган БЮДни тақдим этиш орқали декларацияланади.

21. Мутахассис томонидан БЮДнинг қуйидаги графалари тўлдирилади: 1, 2, 3, 5, 7 (пост коди), 8, 9, 11, 12, 13, 14, 17, 17а, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 39, 40, 41, 42, 43, 44, 45, 46, 47, 48, 49, 50, 54, «В» ва «С».

22. Мутахассис томонидан графаларнинг тўлдирилиши:

1) 1-графа. «Декларация тури».

Графанинг биринчи бўлмасида товарларни олиб ўтиш йўналиши кўрсатилади — «ЭК».

Графанинг иккинчи бўлмасида мазкур Йўриқноманинг 3-иловасида келтирилган Божхона режимлари таснифлагичига мувофиқ божхона режимининг икки рақамли коди кўрсатилади.

Товарлар электрон шаклда декларацияланганда графанинг учинчи бўлмасида «ЭД» ёзуви кўрсатилади. Товарлар қоғоз шаклда декларацияланганда ушбу бўлма тўлдирилмайди;

2) 2-графа. «Экспортчи/юкни жўнатувчи».

Графада товарларни экспортчиси ва жўнатувчиси ҳақидаги маълумотлар кўрсатилади.

Агар товарларни экспортчиси ҳам, жўнатувчиси ҳам бир шахс бўлса: жисмоний шахс учун — унинг фамилияси, исми, отасининг исми ва доимий яшаш манзили, телефон рақами ҳамда шахсини тасдиқловчи хужжат ҳақидаги маълумотлар кўрсатилади.

Масалан:

«Кабиров Абдукарим Солиевич

Самарқанд вилояти, Самарқанд шах., Шердор кўч., 6-уй, 8-хонадон, телефон: 8-366-999-99-99

паспорт АА9999999, 31.12.2013 йилда Самарқанд вилояти ИИБ Самарқанд шах. ИИБ томонидан берилган»;

юридик шахс учун — унинг қисқача номи ва жойлашган ери (юридик манзили), телефон рақами ҳамда электрон почта манзили (мавжуд бўлса) кўрсатилади.

Масалан:

«Trans group» МЧЖ

Тошкент шах., Юнусобод тумани, Уч терак кўч., 3-уй, 19-хонадон, телефон: +99871-999-99-99, электрон почта: rochta@rochta.uz.

Агар экспортчи ва юкни жўнатувчи номидан юридик шахснинг таркибий тузилмаси қатнашаётган бўлса, таркибий тузилманинг қисқача номи, жойлашган ери (юридик манзили), телефон рақами ва электрон почта манзили (мавжуд бўлса), шунингдек юридик шахс тўғрисида юқорида қайд этилган маълумотлар кўрсатилади.

Масалан:

«Vodiy-Farg'ona» МЧЖ

Фарғона вилояти, Фарғона шах., Саноат кўч., 2-уй, телефон: 8-373-999-99-99, электрон почта: rochta@rochta.uz

«Vodiy» МЧЖнинг филиали

Андижон вилояти, Андижон шах., Бобур кўчаси, 597-уй, телефон: 8-374-999-99-99, электрон почта: rochta@rochta.uz.

Агар экспортчи ва юкни жўнатувчи турли шахслар бўлса, яъни жўнатувчи товарни экспортчи ёки бошқа шахснинг топшириғига асосан жўнатаётган бўлса, ёхуд шунга ўхшаш бошқа ҳолатларда графада аввал экспортчининг (товарни етказиб бериш тўғрисида топшириқ берган шахснинг) қисқача номи, сўнгра жўнатувчининг қисқача номи, жойлашган ери (юридик манзили), телефон рақами ва электрон почта манзили (мавжуд бўлса) кўрсатилади.

Масалан:

«O'zmarkazimpeks» ДАТСК топшириғига асосан

«G'uncha» МЧЖ

Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Самарқанд кўч., 305, телефон: +99890-999-99-99, электрон почта: rochta@rochta.uz.

Графанинг юқори ўнг бурчагида «№» белгисидан сўнг экспортчининг КТУТ коди, сўнгра «/» белгисидан сўнг юкни жўнатувчининг КТУТ коди кўрсатилади. Юкни жўнатувчи номидан унинг таркибий тузилмаси иштирок этаётган ҳолатларда таркибий тузилманинг КТУТ коди кўрсатилади.

КТУТ коди мавжуд бўлмаган ташкилотларга (дипломатик ваколатхоналар ва консуллик муассасалари, халқаро ҳукуматлараро ташкилотларнинг ваколатхоналари, хорижий давлатлар ҳукумат ташкилотларининг иқтисодий, техник ҳамкорлик, гуманитар ёрдам кўрсатиш бўйича ваколатхоналари, доимий муассасалар, шунингдек КТУТ кодига эга бўлмаган бошқа юридик шахслар) тегишли товарларни декларациялашда «99999999» коди кўрсатилади.

Агар экспортчи ва юкни жўнатувчи жисмоний шахс бўлса юқори ўнг бурчақда «№» белгисидан сўнг «00000001» рақамлари қўйилади.

Графанинг пастки қисмида «№» белгисидан сўнг экспортчининг СТИРи, сўнгра «/» белгисидан сўнг юкни жўнатувчининг СТИРи кўрсатилади. СТИРга эга бўлмаган шахслар томонидан олиб ўтилатган товарларни декларациялашда «99999999» коди кўрсатилади.

Товарларни қоғоз шаклда декларациялашда қўшимча варақларда ушбу графа тўлдирилмайди;

3) 3-графа. «Қўшимча варақлар».

Графанинг биринчи бўлмасида варақнинг тартиб рақами, иккинчи бўлмасида тақдим этилатган БЮД варақларининг умумий сони (асосий ва қўшимча варақлари йиғиндиси) кўрсатилади.

Масалан, агар БЮД иккита қўшимча варақларга эга бўлса БЮДнинг асосий варағида «1/3»; биринчи қўшимча варағида «2/3»; иккинчи қўшимча варағида «3/3» кўрсатилади. Агар БЮД қўшимча варақларга эга бўлмаса «1/1» кўрсатилади.

Товарлар электрон шаклда декларацияланганда графада, электрон БЮД қоғозга чоп этилгандаги каби варақнинг тартиб рақами ва БЮД варақларининг умумий сони мазкур кичик бандда белгиланган тартибда кўрсатилади;

4) 5-графа. «Товарлар номларининг умумий сони».

Графада БЮДнинг 31-графаларида кўрсатилган товарлар номларининг умумий сони ёзилади. Бу сон БЮДнинг тўлдирилган 31-графалари сонига мувофиқ бўлиши лозим;

5) 7-графа. «БЮДнинг рўйхат рақами».

Графада мазкур Йўриқноманинг 4-иловасида келтирилган Божхона постлари таснифлагичига мувофиқ БЮДни расмийлаштириш учун тақдим этиладиган божхона постининг бешта рақамли коди кўрсатилади;

6) 8-графа. «Импортчи/юкни қабул қилувчи».

Графада транспорт ҳужжатларида товарларни қабул қилувчи сифатида кўрсатилган шахс тўғрисидаги маълумотлар қайд этилади.

Графада қуйидагилар кўрсатилади:

юкни қабул қилувчи жисмоний шахс бўлса — жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, унинг яшаш манзили (мазкур Йўриқноманинг 5-иловасида келтирилган Дунё мамлакатлари таснифлагичига мувофиқ мамлакатнинг қисқа номи ва манзили);

юкни қабул қилувчи юридик шахс бўлса — унинг қисқача номи ва жойлашган ери (Дунё мамлакатлари таснифлагичига мувофиқ мамлакатнинг қисқа номи ва манзили).

Масалан:

«Алибаев Нуридин Камалович

Қозоғистон, Алмати ш., Суюнбай шоҳ кўчаси, 450-уй»

ёки ««Ros-Torg» МЧЖ

Россия, Иваново ш., Смирнов кўч., 62-уй».

Агар юкни қабул қилувчи товарни бошқа шахснинг топшириғига кўра қабул қилаётган бўлса ёки шунга ўхшаш бошқа ҳолатларда графада аввал юкни қабул қилувчининг қисқача номи ва жойлашган ери (юридик манзи-

ли), сўнгра товарни қабул қилиб олиш тўғрисида топшириқ берган шахснинг қисқача номи ва жойлашган ери (юримдик манзили) кўрсатилади.

Масалан:

«Ros-Torg» МЧЖ

Россия, Химки шаҳ., Карлов кўч., 362-уй

«Faraon» МЧЖ топшириғига асосан

Россия, Москва шаҳ., Большая полянка кўч., 563».

Товарларни қоғоз шаклда декларациялашда қўшимча варақларда ушбу графа тўлдирилмайди;

7) 9-графа. «Молиявий тартибга солиш учун жавобгар шахс».

Графада ташқи савдо контракти (шартномаси, келишувини) тузган ва ушбу контракт (шартнома, келишув) бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун жавобгар бўлган юримдик шахснинг қисқача номи, жойлашган ери (юримдик манзили), телефон рақами ва электрон почта манзили (мавжуд бўлса) ёки жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш манзили, телефон рақами ва шахсини тасдиқловчи ҳужжати тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Графанинг юқори қисмида «№» белгисидан сўнг шахснинг КТУТ коди кўрсатилади.

Графанинг пастки қисмида «№» белгисидан сўнг СТИР кўрсатилади. СТИРга эга бўлмаган шахслар томонидан олиб ўтилаётган товарларни декларациялашда «999999999» коди кўрсатилади.

Товарлар беғараз (тўловсиз) асосдаги битимлар бўйича олиб ўтилганда графа тўлдирилмайди;

8) 11-графа. «Савдо қилинаётган мамлакат».

Графада савдо қилинаётган мамлакатнинг Дунё мамлакатлари таснифлагичига мувофиқ рақамли коди кўрсатилади.

БЮДнинг 9-графасида кўрсатилган шахс билан ташқи савдо контракти (шартномасини, келишувини) тузган шахс рўйхатга олинган ёки доимий яшайдиган, мазкур контрактига (шартномага, келишувга) мувофиқ товарлар Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтилаётган ёки унинг ижроси юзасидан товарларнинг божхона режими ўзгартирилатган мамлакат савдо қилинаётган мамлакат ҳисобланади.

Товарларнинг божхона чегараси орқали олиб ўтилиши ёки уларнинг божхона режимининг ўзгариши ташқи савдо контракти (шартномаси, келишуви) ижроси бўйича амалга оширилмаётган бўлса, Дунё мамлакатлари таснифлагичига мувофиқ мамлакатнинг рақамли коди товарнинг кузатув ҳужжатлари асосида кўрсатилади;

9) 12-графа. «Умумий божхона қиймати».

Графада, рақамли коди БЮДнинг 22-графасида кўрсатилган валютада, декларацияланаётган товарларнинг умумий божхона қиймати кўрсатилади. Товарларнинг умумий божхона қийматини БЮДнинг 45-графаларидаги товарларнинг божхона қийматлари йиғиндиси ташкил қилади;

10) 13-графа.

Графада Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белги-ланган, БЮД божхона расмийлаштирувига қабул қилинган кундаги АҚШ долларининг Ўзбекистон Республикаси миллий валютасига нисбатан курси кўрсатилади;

11) 14-графа. «Декларант/божхона брокери».

Графада БЮДни тўлдирган ва божхона органига тақдим этаётган мута-хассис штатида бўлган божхона брокери ёки декларантнинг қисқача номи, жойлашган ери (юридик манзили), телефон рақами ва электрон почта ман-зили (мавжуд бўлса) кўрсатилади.

Графанинг юқори қисмида «№» белгисидан сўнг ушбу божхона броке-ри ёки декларантни КТУТ коди кўрсатилади;

12) 17-графа. «Келиб тушадиган мамлакат».

Графада товарлар келиб тушадиган мамлакатнинг Дунё мамлакатлари таснифлагичига мувофиқ қисқа номи кўрсатилади.

Товарлар келиб тушадиган мамлакат — товарлар етказиб берилиши лозим бўлган сўнгги мамлакат;

13) 17а-графа. «Келиб тушадиган мамлакат коди».

Графада товарлар келиб тушадиган мамлакатнинг Дунё мамлакатлари таснифлагичига мувофиқ рақамли коди кўрсатилади;

14) 18-графа. «Жўнатиш/етказиб бериш вақтидаги транспорт воситаси».

Графада Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидаги ўтказиш пунктига етказиб бериш учун товарлар юкланиши лозим бўлган транспорт воситалари тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Графанинг чап бўлмасида транспорт воситалари сони ёзилади, сўнгра битта бўш жой (пробел) қолдирилиб, мазкур Йўриқноманинг 6-илоvasида келтирилган Транспорт турлари таснифлагичига мувофиқ транспорт воси-тасининг қисқача номи, сўнгра икки нуқтадан кейин орасига «;» ажратиш белгиси қўйилган ҳолда божхона чегарасидаги ўтказиш пунктига етказиб бериш учун товарлар юкланаётган транспорт воситаси тўғрисидаги, товар божхона чегарасини кесиб ўтгунга қадар қайта юкланадиган ҳолатларда эса товарларни қайта юклаш жойигача етказиб берадиган транспорт воситаси тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади (денгиз ёки дарё кемаси номи, ҳаво кемасининг рейс ва борт рақами, темир йўл вағони рақами, йўл транспорт воситасининг рўйхат рақами ва шу каби маълумотлар).

Масалан:

4 АВТО: А987SA; S654DA; B587NM; K967LV.

Агар товарлар автотранспорт воситалари состави билан олиб ўтилаёт-ган бўлса, транспорт воситасининг рўйхат рақамидан сўнг «/» ажратиш белгиси қўйилган ҳолда прицеплар, ярим прицеплар ва х.к. рақамлари кўрса-тилади.

Масалан:

2 АВТО: А987SA/К118DS; S654DA/P312LK.

Графанинг ўнг бўлмасида транспорт воситаси тегишли бўлган мамла-

катнинг Дунё мамлакатлари таснифлагичига мувофиқ рақамли коди кўрсатилади.

Агар ташишда автотранспорт воситалари составидан фойдаланилган бўлса, ушбу транспорт воситаларни (прицепларни, ярим прицепларни ва х. к.) ҳаракатга келтирувчи автотранспорт воситаси рўйхатга олинган мамлакатнинг рақамли коди кўрсатилади.

Агар транспорт воситалари бир нечта давлатларга тегишли бўлса, графанинг чап бўлмасида транспорт воситалари сони, сўнгра бўш жой (пробел) қолдирилиб, «БЮДнинг орқа томонига қаранг» ҳаволаси ёзилади (қоғоз шаклдаги БЮДда), графанинг ўнг бўлмасидан «999» коди қўйилади. Қоғоз шаклдаги БЮДнинг орқа томонида Транспорт турлари таснифлагичига мувофиқ транспорт воситасининг қисқача номи, сўнгра икки нуктадан кейин транспорт воситалари рақами ва чизикчадан сўнг, транспорт воситаси тегишли бўлган мамлакатнинг рақамли коди кўрсатилади.

Электрон БЮДда бундай ҳавола қилинмайди ва барча маълумотлар электрон БЮДнинг бевосита ўзида кўрсатилади.

Товарлар электр узатиш линиялари ёки қувур транспорти орқали олиб ўтилганда графада Транспорт турлари таснифлагичига мувофиқ транспорт воситасининг қисқача номи кўрсатилади: «ТРУБОПРОВОД», «ЛЭП»;

15) 19-графа. «Контейнер».

Графада қуйидагилар кўрсатилади:

«0» — агар товарлар контейнерда олиб ўтилмаётган бўлса;

«1» — агар товарлар контейнерда олиб ўтиляётган бўлса;

16) 20-графа. «Етказиб бериш шартлари».

Графада ташқи савдо битими асосида товарларни етказиб бериш шартлари тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади. Товарлар беғараз асосда олиб ўтиляётганда товарларни етказиб бериш шартлари товарнинг кузатув ҳужжатлари асосида кўрсатилади.

Графанинг биринчи бўлмасида мазкур Йўриқноманинг 7-илоvasида келтирилган Етказиб бериш шартлари таснифлагичига мувофиқ етказиб бериш шартининг рақамли коди кўрсатилади.

Графанинг иккинчи бўлмасида Етказиб бериш шартлари таснифлагичига мувофиқ географик пункт кўрсатилган ҳолда етказиб бериш шартининг ҳарfli коди қайд этилади, қавс ичида географик пункт жойлашган мамлакатнинг Дунё мамлакатлари таснифлагичига мувофиқ ҳарfli коди кўрсатилади.

Агар географик пункт икки мамлакат чегарасида жойлашган бўлса қавс ичида орасига чизикча қўйилиб ушбу мамлакатларнинг ҳарfli кодлари кўрсатилади.

Графанинг учинчи бўлмасида ташқи савдо контрактига (шартномасига, келишувига) шартларига мувофиқ БЮД асосида экспорт қилинаётган товарлар учун қўлланиладиган ҳисоб-китоблар шаклининг икки рақамли коди кўрсатилади:

«10» — олдиндан тўлов;

«20» — аккредитив;

«30» — харидор банки кафолати;

«40» — экспорт контрактларини сиёсий ва тижорат хавфларидан сурталаш полиси.

Масалан:

02 FCA ОРЕНБУРГ шах. (RU) 20;

07 CPT станция Сары Агач (KZ-UZ) 30.

Ҳисоб-китобларнинг аралаш шакллари қўлланган ҳолларда графада мутлак ифодада устунликка эга бўлган ҳисоб-китоб шакли кўрсатилади.

Қуйидаги ҳолатларда графанинг учинчи бўлмаси тўлдирилмайди:

товарлар беғараз (тўловсиз) асосдаги битимлар бўйича етказиб берилганда;

бартер операцияларида;

ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида амалга ошириладиган контрактларни (шартномаларни, келишувларни) ижро этишда;

товарларни консигнация контрактлари (шартномалари, келишувлари) бўйича етказиб беришда;

17) 21-графа. «Чегарадаги транспорт воситаси».

Графада товарлар амалда Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан олиб ўтиладиган транспорт воситалари тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Графанинг чап бўлмасида транспорт воситалари сони ёзилади, сўнгра битта бўш жой (пробел) қолдирилиб, Транспорт турлари таснифлагичига мувофиқ транспорт воситасининг қисқача номи, сўнгра икки нуқтадан кейин орасига «;» ажратиш белгиси қўйилган ҳолда товарлар божхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқиб кетиладиган транспорт воситаси тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади (денгиз ёки дарё кемаси номи, ҳаво кемасининг рейс ва борт рақами, темир йўл вағони рақами, йўл транспорт воситасининг рўйхат рақами ва шу каби маълумотлар).

Масалан:

4 АВТО: A987SA; S654DA; B587NM; K967LV.

Агар товарлар автотранспорт воситалари состави билан ташиляётган бўлса, транспорт воситаси рўйхат рақамидан сўнг «/» ажратиш белгиси қўйилган ҳолда прицеплар, ярим прицеплар ва х.к. рақамлари кўрсатилади.

Масалан:

2 АВТО: A987SA/K118DS; S654DA/P312LK.

Графанинг ўнг бўлмасида Дунё мамлакатлари таснифлагичига мувофиқ транспорт воситаси тегишли бўлган мамлакатнинг рақамли коди кўрсатилади.

Агар товарларни ташишда автотранспорт воситалари составидан фойдаланилган бўлса, ушбу транспорт воситаларни (прицепларни, ярим прицепларни ва х. к.) ҳаракатга келтирувчи автотранспорт воситаси рўйхатга олинган мамлакатнинг рақамли коди кўрсатилади.

Агар транспорт воситалари бир нечта давлатларга тегишли бўлса, графанинг чап бўлмасида транспорт воситалари сони, сўнгра бўш жой (пробел) қолдирилиб, «БЮД орқа томонига қаранг» (қоғоз шаклдаги БЮДда)

ҳаволаси ёзилади, графанинг ўнг бўлмасида «999» коди қўйилади. Қоғоз шаклдаги БЮДнинг орқа томонида Транспорт турлари таснифлагичига мувофиқ транспорт воситасининг қисқача номи, сўнгра икки нуктадан кейин транспорт воситалари рақами ва чизикчадан сўнг, транспорт воситаси тегишли бўлган мамлакатнинг рақамли коди кўрсатилади.

Электрон БЮДда бундай ҳавола қилинмайди ва барча маълумотлар электрон БЮДнинг бевосита ўзида кўрсатилади.

Товарлар электр узатиш линиялари ёки қувур транспорти орқали олиб ўтилганда графада Транспорт турлари таснифлагичига мувофиқ транспорт воситасининг қисқача номи кўрсатилади: «ТРУБОПРОВОД», «ЛЭП».

Графа декларантда товарлар божхона ҳудудидан олиб чиқиб кетиладиган транспорт воситаси тўғрисида маълумот мавжуд бўлмаганда тўлдирилмайди (масалан, товарлар божхона назорати остида қайта юкланадиган ҳолатларда);

18) 22-графа. «Валюта ва товарларнинг умумий фактура қиймати».

Графанинг чап бўлмасида мазкур Йўриқноманинг 8-илоvasида келтирилган Валюталар таснифлагичига мувофиқ ташқи савдо контракти (шартномаси, келишуви) валютасининг рақамли коди кўрсатилади.

Ташқи савдо контракти (шартномаси, келишуви) валютаси деганда етказиб берилётган товар ташқи савдо контрактига (шартномасига, келишувига) мувофиқ баҳоланган валюта тушунилади. Агар товар ташқи савдо контракти (шартномаси, келишуви) ижроси бўйича олиб ўтилмаётган бўлса, валюта коди товарнинг кузатув ҳужжатлари асосида кўрсатилади.

Графанинг ўнг бўлмасида рақамларда декларацияланаётган товарлар туркумининг умумий фактура қиймати кўрсатилади. Умумий фактура қийматини БЮДнинг 42-графаларидаги товарларнинг фактура қийматлари йиғиндиси ташкил қилади;

19) 23-графа. «Валюта курси».

Графада рақамли коди БЮДнинг 22-графасида кўрсатилган валютанинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган, БЮД божхона расмийлаштирувига қабул қилинган кундаги Ўзбекистон Республикаси миллий валютасига нисбатан курси кўрсатилади.

Масалан:

агар 1 Россия рубли = 63,41 сўм бўлса, графада «1/63,41» кўрсатилади;

агар 10 Япон йенаси = 220,09 сўм бўлса, графада «10/220,09» кўрсатилади;

агар валюта контракти Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси бўлса графада «1/1» кўрсатилади;

20) 24-графа. «Битим хусусияти».

Графанинг чап бўлмасида мазкур Йўриқноманинг 9-илоvasида келтирилган Битим хусусиятлари таснифлагичига мувофиқ битим хусусиятининг коди кўрсатилади.

Графанинг ўнг бўлмасида Валюталар таснифлагичига мувофиқ етказиб берилётган товар учун контрагент билан ҳисоб-китоб валютасининг рақамли коди кўрсатилади.

Ҳисоб-китоб валютаси деганда БЮДни 9-графасида кўрсатилган шахснинг ташқи савдо контракти (шартномаси, келишуви) бўйича ҳисоб-китоб амалга оширилган ёки амалга ошириладиган валюта, ташқи савдо контракти (шартномаси, келишуви) мавжуд бўлмаган ҳолатларда товарнинг кузатув ҳужжатларида кўрсатилган валюта тушунилади;

21) 25-графа. «Чегарадаги транспорт тури».

Графада Транспорт турлари таснифлагичига мувофиқ 21-графада кўрсатилган транспорт воситаси турининг коди кўрсатилади.

Графа декларантда товарлар божхона худудидан олиб чиқиб кетиладиган транспорт воситаси тўғрисида маълумот мавжуд бўлмаганда тўлдирилмайди (масалан, товарлар божхона назорати остида қайта юкланадиган ҳолатларда);

22) 26-графа. «Мамлакат ичкарасидаги транспорт тури».

Графада Транспорт турлари таснифлагичига мувофиқ 18-графада кўрсатилган транспорт воситаси турининг коди кўрсатилади;

23) 28-графа. «Молия ва банк маълумотлари».

Графада божхона тўловларини тўловчи шахснинг молиявий ва банк маълумотлари кўрсатилади, бунда маълумотларнинг ҳар бири янги сатрдан бошланади ва улардан ҳар бирининг олдига тартиб рақами қўйилади:

1 — тўловчининг СТИРи/банк СТИРи (божхона тўловлари Ўзбекистон Республикаси норезиденти томонидан тўланганда божхона брокери ёки декларантнинг СТИРи кўрсатилади);

2 — банкнинг тўлиқ номи;

3 — банкнинг почта манзили;

4 — тўловчининг Ўзбекистон Республикаси миллий валютасидаги ҳисоб варақаси рақами/банк МФОси;

5 — тўловчининг хорижий валютадаги ҳисоб варақаси рақами/банк МФОси (божхона тўловлари хорижий валютада тўланган ҳолатларда);

24) 29-графа. «Чегарадаги божхона».

Графада Божхона постлари таснифлагичига мувофиқ товарлар Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиладиган божхона постининг коди ва номи кўрсатилади.

Электр узатиш линиялари ёки қувур транспорти орқали олиб ўтиладиган товарларни декларациялашда назоратни олиб борувчи постнинг коди ва номи кўрсатилади;

25) 30-графа. «Товарларни кўрикдан ўтказиш жойи».

Графада товарлар фаолият худудида турган божхона постининг Божхона постлари таснифлагичига мувофиқ коди ҳамда БЮДни тақдим этиш вақтида товарлар турган жой ҳақидаги маълумотлар кўрсатилади:

агар товарлар божхона омбори ёки эркин омборда, ёхуд бож олинмайдиган савдо дўконида турган бўлса — божхона омбори ёки эркин омборни,

ёхуд бож олинмайдиган савдо дўконини таъсис этиш учун берилган лицензия рақами ва санаси;

агар товарлар божхона омбори мақомига эга бўлмаган жойларда турган бўлса — товар турган жойнинг почта манзили (почта индексини кўрсатмаган ҳолда);

агар товарлар темир йўл станциясида турган бўлса — темир йўл станциясининг номи.

Электр узатиш линиялари ёки қувур транспорти орқали олиб ўтиладиган товарларни декларациялашда графа тўлдирилмайди;

26) 31-графа. «Юк жойлари ва товар тавсифи». «Маркировка ва микдор — контейнерлар рақами — товар тавсифи».

Графада декларацияланаётган товар ҳақида маълумот кўрсатилади. Товар ҳақидаги маълумотлар ТИФ ТН асосида таснифлаш қоидаларига мувофиқ декларацияланаётган товарларни муайян ўн рақамли подсубпозицияда аниқ таснифлаш имконини бериши лозим. Маълумотларнинг ҳар бири янги сатрдан бошланади ва улардан ҳар бирининг олдида тартиб рақами қўйилади:

1 рақами остида қуйидагилар кўрсатилади:

товарнинг номи (савдо, тижорат ёки бошқа анъанавий номи), товар белгилари, маркалари, моделлари, артикуллари, навлари, стандартлари ва бошқа техник ва тижорат тавсифлари (давлат стандартлари, техник регламентлар ҳамда стандартлар ва ҳ. к.) тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек декларацияланаётган товарнинг микдорий ва сифат таркиби тўғрисидаги маълумотлар. Электрон БЮДа товарнинг маркази ва брэнднинг номи алоҳида ажратилган майдончада ҳам кўрсатилади;

агар божхона тўловларини ҳисоблаш ҳамда ундириш ва (ёки) иқтисодий сиёсат чораларини (тақиқлар, чекловлар ва ҳ. к.) қўллаш учун зарур бўлса, товарнинг асосий ва қўшимча ўлчов бирликларидан фарқ қилувчи ўлчов бирликларидаги тавсифи ва кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар (микдори ва шартли белгиси), шунингдек товар ишлаб чиқарилган (тайёрланган) сана кўрсатилади.

Декларацияланаётган товарларни товар позициясининг ТИФ ТНда келтирилган умумий номланиши билан кўрсатилишига йўл қўйилмайди.

2 рақами остида қуйидагилар кўрсатилади:

ўрамга эга бўлган товарлар учун — товар эгаллаган юк жойларининг умумий сони, товар ўрами тури ва ўрамлар микдори. Агар ушбу графада декларацияланаётган товарлар юк жойларининг ҳаммасини эгалламаса графада «кутининг бир қисми» ва шунга ўхшаш ёзувлар ёзилади. Бунда ўрам деганда товарларни ўраш, химоялаш, жойлаштириш ва мустаҳкамлаш ёки ажратиш учун мўлжалланган ҳар қандай буюм ва материаллар тушунилади, уюм ҳолда олиб ўтиладиган ўраш материаллари (сомон, қоғоз, шиша тола, қипиқ ва шу кабилар) бундан мустасно;

сочилган, уюмланган, қўйилган ҳолатда ўрамсиз олиб ўтиладиган товарлар учун тегишлича «сочилган ҳолда», «уюм ҳолида», «қўйилган ҳолда» каби ёзувлар кўрсатилади.

Электр узатиш линиялари ёки қувур транспорти орқали ташиладиган товарларни декларациялашда 2 рақами остида маълумотлар тўлдирилмайди.

3 рақами остида контейнерда ташиладиган товар учун ёки товар сифатида контейнер расмийлаштирилаётган ҳолатларда — орасига вергул қўйиб контейнер рақамлари кўрсатилади. Агар декларацияланаётган товарлар контейнерни тўлиқ эгалламаган бўлса контейнер рақамидан сўнг: «бир қисми» сўзлари ёзилади. Электрон БЮДда контейнер рақамлари алоҳида майдончада ҳар бири алоҳида кўрсатилади.

4 рақами остида акциз маркалари билан маркаланган товарлар учун — ҳар бир серия бўйича акциз маркалари сериялари, рақамлари ва миқдори кўрсатилади.

Акциз маркаларининг рақамлари кетма-кет келаётган бўлса, улар тўғрисидаги маълумотлар тегишли ораликдаги биринчи ва охири рақам ўртасида чизиқча «-» ажратувчисини қўйиш орқали ёзилади.

5 рақами остида қувур транспорти, электр узатиш линиялари орқали олиб ўтиилаётган товарларни декларациялашда қуйидаги ёзувлар ёзилади: «XX.XX.XXXX дан XX.XX.XXXX гача бўлган ораликда етказиб бериш». Бу ерда рақамли белгилар билан товарларни етказиб бериш бошланган «кун, ой, йил» ва тугалланган «кун, ой, йил» кўрсатилади.

Графанинг пастки ўнг бурчагида алоҳида ажратилган жойда товарларнинг қўшимча ўлчов бирлигидаги миқдори ва ўлчов бирлигининг ТИФ ТНга мувофиқ шартли белгиланиши кўрсатилади (қўшимча ўлчов бирлигининг коди 41-графада акс эттирилади). Электрон БЮДда ўлчов бирлигининг шартли белгиланиши кўрсатилмасдан, фақатгина товарларнинг қўшимча ўлчов бирлигидаги миқдори ёзилади.

Товарларнинг қўшимча ўлчов бирлигидаги миқдори вергулдан кейинги иккинчи белгигача аниқликда кўрсатилади.

Агар қўшимча ўлчов бирлигидаги товар миқдори «0,01» дан кам бўлса графада товарнинг қўшимча ўлчов бирлигидаги миқдори вергулдан кейинги олтинчи белгигача аниқликда кўрсатилади.

Фақатгина асосий ўлчов бирлиги «кг» қўлланилган ҳолатларда — графанинг пастки ўнг бурчаги тўлдирилмайди.

Пастки чап бурчақда, алоҳида ажратилган майдончада декларацияланаётган товар ишлаб чиқарилган (тайёрланган, етиштирилган) ташкилотнинг КТУТ коди кўрсатилади.

Агар мазкур товарнинг ишлаб чиқарувчиси номаълум ёки бир нечта ташкилотлар томонидан ишлаб чиқарилган бўлса, ушбу товарни экспорт қилаётган ташкилотнинг КТУТ коди кўрсатилади;

27) 32-графа. «Товар №».

Графада 31-графада декларацияланаётган товарнинг тартиб рақами кўрсатилади.

Битта номдаги товар декларацияланаётган бўлса, графада «1» рақами кўрсатилади;

28) 33-графа. «Товар коди».

Графанинг чап қисмида 31-графада декларацияланаётган товарнинг

ТИФ ТНга мувофиқ ўнта рақамли коди кўрсатилади. Ушбу код бўш жойсиз (пробелсиз) ва бошқа ажратувчи белгиларсиз ёзилади;

29) 34-графа. «Келиб чиқиш мамлакати коди».

Графанинг чап бўлмасида 31-графада декларацияланаётган товарни келиб чиқиш мамлакатининг Дунё мамлакатлари таснифлагичига мувофиқ рақамли коди кўрсатилади.

Агар божхона расмийлаштируви вақтида келиб чиқиш мамлакати номаълум бўлса, «000» коди қўйилади.

Агар товарни келиб чиқиш сертификатида Европа иттифоқининг аниқ мамлакати кўрсатилмай, товарнинг келиб чиқиш мамлакати сифатида Европа иттифоқи кўрсатилган бўлса, лотин ҳарфлари билан икки ҳарфдан иборат «EU» коди қўйилади;

30) 35-графа. «Брутто вазн (кг)».

Графада БЮДнинг 31-графасида декларацияланаётган товарнинг килограммдаги «брутто» оғирлиги кўрсатилади. «Брутто» оғирлик деганда товарнинг умумий оғирлиги, шу жумладан товар муомалага киритилгунга қадар ҳолатини ўзгармаслигини таъминлаб туриш учун зарур бўлган унинг барча турдаги ўрамлари (контейнер ва бошқа транспорт ускуналари бундан мустасно) билан биргаликдаги оғирлиги тушунилади.

Брутто вазн математик қоидаларга кўра вергулдан кейинги учинчи рақамгача яхлитланади.

Агар товарнинг умумий оғирлиги бир килограммдан кам бўлса, брутто вазн вергулдан кейинги уч белгигача аниқликда кўрсатилади.

Агар товарнинг умумий оғирлиги бир граммдан кам бўлса, брутто вазн вергулдан кейинги олти белгигача аниқликда кўрсатилади.

Кувур транспорти билан олиб ўтиладиган товарларни декларациялашда товарнинг умумий оғирлиги кўрсатилади.

Графа электр узатиш линиялари орқали олиб ўтиладиган товарларни декларациялашда тўлдирилмайди;

31) 36-графа. «Преференция».

Графада мазкур Йўриқноманинг 10-илоvasида келтирилган Преференциялар, имтиёзлар ва божхона тўловларини тўлашнинг бошқа хусусиятлари таснифлагичига мувофиқ преференциялар, имтиёзлар ва божхона тўловларини тўлашни бошқа хусусиятларининг ҳарfli кодлари қўйидаги тартибда кўрсатилади:

1/2/3/4, бунда тегишлича:

1 — божхона расмийлаштируви учун божхона йиғимларини тўлаш хусусиятининг коди;

2 — божхона божини тўлаш хусусиятининг коди;

3 — акциз солиғини тўлаш хусусиятининг коди;

4 — қўшилган қиймат солиғини тўлаш хусусиятининг коди;

32) 37-графа. «Процедура».

Графада товарларни Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиш процедурасининг етти белгили коди кўрсатилади. Ушбу код қўйидаги учта таркибий қисмлардан иборат:

биринчи иккита рақам — Божхона режимлари таснифлагичига мувофиқ баён этилаётган божхона режими коди;

кейинги иккита рақам — Божхона режимлари таснифлагичига мувофиқ аввалги божхона режими коди. Агар аввалги божхона режими мавжуд бўлмаса «00» кўрсатилади;

охирги учта рақам — мазкур Йўриқноманинг 11-илоvasида келтирилган Товарларни олиб ўтиш хусусиятлари таснифлагичига мувофиқ декларацияланаётган товарларни олиб ўтиш хусусияти коди. Агар товарларни олиб ўтиш хусусияти белгиланмаган бўлса «000» кўрсатилади;

33) 38-графа. «Нетто вазн (кг)».

Графада декларацияланаётган товарнинг килограммдаги «нетто» оғирлиги кўрсатилади.

Қадоқланган ҳолатда олиб ўтилаётган товар учун:

декларацияланаётган товарнинг фақат бирламчи қадоғини ҳисобга олган ҳолдаги оғирлиги, агар товарлар, истеъмол хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, шундай қадоқда чакана савдога чиқарилса ва (ёки) товарни сотишда унинг сақланишини таъминлайдиган бирламчи қадоқни товарнинг истеъмол хусусиятларини бузмаган ҳолда товарни истеъмол қилгунга қадар товардан ажратиб бўлмайдиган (масалан, банкадаги кофе ва ҳ.к.) бўлса;

бошқа ҳолатларда декларацияланаётган товарнинг ҳеч қандай қадоқсиз оғирлиги.

Қадоқсиз (сочилган, қуйилган, уюм ҳолда) олиб ўтиладиган товар учун товарнинг умумий оғирлиги кўрсатилади.

Нетто вазн математик қоидаларга кўра вергулдан кейинги уч белгигача яхлитланади.

Агар товарнинг умумий оғирлиги бир килограммдан кам бўлса, нетто вазн вергулдан кейинги уч белгигача аниқликда кўрсатилади.

Агар товарнинг оғирлиги бир граммдан кам бўлса, нетто вазн вергулдан кейинги олти белгигача аниқликда кўрсатилади.

Қувур транспорти билан олиб ўтилаётган товарларни декларациялашда товарнинг БЮДни 35-графасида кўрсатилган оғирлиги қайд этилади.

Графа электр узатиш линиялари орқали олиб ўтиладиган товарларни декларациялашда тўлдирилмайди;

34) 39-графа. «Квота».

Микдорий чекловлар белгиланган товарларни декларациялашда тўлдирилади.

Графада олинган лицензияга мувофиқ ўлчов бирлигида ажратилган квотанинг қолдиғи кўрсатилади. Квотанинг қолдиғини аниқлашда декларацияланаётган товар туркуми ҳисобга олинмайди.

Масалан:

лицензия бўйича ажратилган квота — 10000 куб. м; декларацияланаётган товарнинг биринчи туркуми — 4000 куб. м. 39-графада — «10000 куб. м» кўрсатилади.

Мазкур лицензия бўйича ажратилган квота ҳисобидан кейинги то-

варлар туркумини расмийлаштиришда 39-графада квота қолдиғи — «6000 куб. м» кўрсатилади;

35) 40-графа. «Умумий декларация/аввалги ҳужжат».

Товарлар баён этилаётган божхона режимдан аввал бошқа божхона режимига жойлаштирилган бўлса, графада товарларни аввалги божхона режимига жойлаштириш учун асос бўлган БЮД ҳақида қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

аввалги ҳужжатнинг коди — ушбу ҳолатда «ГТД»;

аввалги БЮДнинг рўйхат рақами;

ушбу товарнинг аввалги БЮДнинг 32-графасидаги тартиб рақами;

аввалги БЮДнинг 32-графасида кўрсатилган товарнинг, расмийлаштирилаётган брутто вазни (килограммда);

аввалги БЮДнинг 32-графасида кўрсатилган товарнинг, расмийлаштирилаётган нетто вазни (килограммда);

кўшимча ўлчов бирлигидаги миқдори (агар мавжуд бўлса);

кўшимча ўлчов бирлигининг ТИФ ТНга мувофиқ шартли белгиланиши (агар мавжуд бўлса).

Масалан:

ГТД 14010/31.03.2012/0353761 — 2 — 5980 кг — 5900 кг — 250,2 м³.

Агар декларацияланаётган товар аввал бир нечта товар туркумларига бўлинган ҳолда бир нечта БЮДлар билан расмийлаштирилган бўлса, аввалги расмийлаштирилган ҳар бир БЮД тўғрисидаги маълумотлар алоҳида янги қатордан юқорида қайд этилган тартибда кўрсатилади;

36) 41-графа. «Қўшимча ўлчов бирлиги».

Графада ТИФ ТНда келтирилган «Ўлчов бирликлари жадвали»га мувофиқ 31-графанинг пастки ўнг бўлмасида кўрсатилган товар миқдорининг қўшимча ўлчов бирлиги коди кўрсатилади.

Агар мазкур товар учун ТИФ ТНга мувофиқ фақат асосий ўлчов бирлиги (кг) қўлланилса, графада унинг коди (166) кўрсатилади;

37) 42-графа. «Товарнинг фактура қиймати».

Графада 31-графада декларацияланаётган товарнинг ташқи савдо контракти (шартномаси, келишуви) шартларига мувофиқ ҳақиқатда тўланган ёки тўланиши лозим бўлган ёхуд товарларни муқобил етказиб бериш билан қопланадиган фактура қиймати ташқи савдо контракти (шартномаси, келишуви) валютасида кўрсатилади.

Товарларни беғараз (тўловсиз) етказиб бериш асосида экспорт қилишда ёки товарларни ташқи савдо контрактини (шартномасини, келишувини) тузмаган ҳолда етказиб беришда товарнинг фактура қиймати товарнинг кузатув ҳужжатлари асосида кўрсатилади.

Нақд валютани декларациялашда графада олиб ўтилаётган валютанинг суммаси, номинал қийматга эга қимматли қоғозларни декларациялашда эса — қимматли қоғозларнинг номинал қиймати кўрсатилади.

Фактура қиймати математик қоидаларга кўра вергулдан сўнг икки белгигача аниқликда яхлитланади;

38) 43-графа.

Графада қуйидагилар кўрсатилади:

«0» — агар юкни жўнатувчи ўзи ишлаб чиқармаган маҳсулотни экспорт қилаётган бўлса;

«1» — агар юкни жўнатувчи ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни экспорт қилаётган бўлса;

39) 44-графа. «Қўшимча маълумотлар/тақдим этилаётган ҳужжатлар».

Графада БЮДнинг 31-графасида кўрсатилган ҳар бир товар ҳақида баён этилган маълумотларни тасдиқловчи, БЮДни тўлдиришга асос бўлган ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Ҳар бир ҳужжат тўғрисидаги маълумотлар мазкур Йўриқноманинг 12-илова-сидаги Божхона юк декларациясини тўлдиришда фойдаланиладиган ҳужжатлар ва маълумотлар турлари таснифлагичига мувофиқ ҳужжатнинг тартиб рақами ва ҳарfli коддини қўйган ҳолда кўрсатилади (реквизитларнинг ҳар бири янги сатрдан бошланади):

а) лицензияланадиган товарлар учун лицензия рўйхат рақами ва берилган санаси ҳамда унинг амал қилиш муддати.

Масалан:

101 ЛИЦЕНЗИЯ № 998344400002, 26.11.2015 й. Амал қилиш муддати — 31.12.2015 й.;

б) транспорт ва тижорат ҳужжатларининг рақами (рўйхат рақами).

Масалан:

205 АВИА № 259-12586814, 18.11.2015 й.;

220 ИНВ № 987, 15.11.2015 й.;

в) товарнинг божхона расмийлаштируви амалга оширилаётган контракт (шартнома, келишув), контрактга (шартномага, келишувга) қўшимча келишувнинг рақами ва санаси ҳамда контрактнинг (шартноманинг, келишувнинг) умумий қиймати, ҳисоб-китоблар тўғрисидаги маълумотнома рақами, санаси ва қиймати.

Масалан:

301 КНТ № ЭКС-654, 13.09.2015 й., қиймати 1000000 АҚШ долл.;

302 ДОП № 1, 13.11.2015 й.;

304 СПРРС № 1, 25.11.2015 й., қиймати 15000 АҚШ долл.;

г) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган ҳолатларда, бошқа ваколатли органлар томонидан тақдим этиладиган рухсатномалар, хулосалар ва бошқа ҳужжатларнинг (сертификатлар, гувоҳномалар ва х. к.) рўйхат рақами ва берилган санаси.

Масалан:

417 ССТ № UZ.SMT.01.065.1783700, 15.10.2015 й.;

419 ФТСС № 431771, 04.11.2015 й.;

д) ташқи савдо контракти (шартномаси, келишуви) Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида рўйхатдан ўтган рақами ва рўйхатга олинган санаси. Товарлар якка тартиб-

даги тадбиркорлар томонидан декларацияланган ҳолатларда яқка тартибдаги тадбиркорнинг экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш ҳукуқи билан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома рақами ва санаси.

Масалан:

501 регМВЭСИТ № 96200126, 15.04.2014 й.;

502 СвИПБЮЛ № 010176/198, 04.08.2015 й.;

е) «б» рақамидан сўнг мазкур Йўриқноманинг 13-илоvasида келтирилган Божхона тўловлари таснифлагичига мувофиқ божхона тўлови турининг коди, сўнгра мазкур Йўриқноманинг 14-илоvasида келтирилган Божхона тўловларини тўлаш бўйича имтиёзлар мавжудлигини тасдиқловчи ва БЮДнинг 44-графасидаги маълумотларни баён этишда қўлланиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таснифлагичига мувофиқ божхона тўловларидан озод этишга асос бўладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат тўғрисидаги маълумотлар.

Божхона тўловларини тўлашдан халқаро шартномага мувофиқ озод этилганда «МД» коди қўйилади ва шартноманинг тўлиқ номи ва имзоланган санаси кўрсатилади. Декларациялаш қоғоз шаклда амалга оширилганда «МД» коди кўрсатилади ва «БЮДнинг орқа томонига қаранг» деб ёзилади. БЮДнинг орқа томонидан халқаро шартноманинг тўлиқ номи ва имзоланган санаси кўрсатилади.

Божхона тўловларидан имтиёз беришни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат ижросини таъминлаш мақсадида қўшимча норматив-ҳуқуқий-ҳужжат қабул қилинган бўлса (масалан, божхона тўловларини тўлашдан озод этиладиган товарлар рўйхати белгиланган тартибда тасдиқланадиган ҳолатларда) иккита норматив-ҳуқуқий ҳужжат тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади: божхона тўловларидан имтиёзлар мавжудлигини тасдиқловчи асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжат тўғрисидаги маълумотлар ҳамда қавс ичида қўшимча норматив-ҳуқуқий ҳужжат тўғрисидаги маълумотлар (масалан, божхона тўловларини тўлашдан озод этиладиган товарлар рўйхатини тасдиқловчи ҳужжат коди, рақами ва санаси).

Божхона тўловларидан озод этиш кўзда тутилмаган ёки божхона тўловлари ставкалари белгиланмаган ҳолатларда графанинг мазкур қисми тўлдирилмайди.

Масалан:

610 ТК 299/1;

ж) товарнинг келиб чиқиш мамлакати сертификати рўйхат рақами ва санаси.

Масалан:

702 СПТЭК № UZKZ50209586, 20.11.2015 й.;

з) божхона расмийлаштирувида зарур бўлган бошқа ҳужжатлар ва маълумотлар (божхона тўловларини кечиктириб тўлаш, воситачилик (гаров ва х. к.) битими, божхона қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисида баённома ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳужжатлар ва маълумотлар);

40) 45-графа. «Божхона қиймати».

Графанинг ўнг бўлмасида 31-графада декларацияланаётган товарнинг

ташқи савдо контракти (шартномаси, келишуви) валютасидаги божхона қиймати кўрсатилади.

Товарларни бегараз (тўловсиз) етказиб бериш асосида экспорт қилишда ёки товарларни ташқи савдо контрактини (шартномасини, келишувини) тузмаган ҳолда етказиб беришда товарнинг божхона қиймати товарнинг кузатув ҳужжатларида кўрсатилган валютада келтирилади.

Божхона қиймати Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 19 сентябрдаги 198-сон «Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан олиб чиқиладиган товарларнинг божхона қийматини аниқлаш ва декларациялаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори талабларига мувофиқ аниқланади.

Божхона қиймати математик қоидаларга кўра вергулдан сўнг икки белгигача аниқликда яхлитланади;

41) 46-графа. «Статистик қиймат».

Графада, 45-графада келтирилган божхона қиймати асосида ҳисобланган, математик қоидаларга кўра вергулдан сўнг уч белгигача аниқликда яхлитланган, товарнинг минг АҚШ долларисидаги қиймати кўрсатилади.

Статистик қийматни ҳисоблашда БЮД божхона расмийлаштируви учун қабул қилинган кунда амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс қўлланилади;

42) 47-графа. «Божхона тўловларининг ҳисоби».

Божхона тўловлари суммаларини ҳисоблаш БЮДнинг 31-графаларида баён этилган ҳар бир товар учун божхона тўловлари турлари бўйича алоҳида амалга оширилади. Бундан божхона расмийлаштируви учун божхона йиғимлари мустасно бўлиб, улар доим БЮД асосий варағининг 47-графасида (электрон БЮДда 32-графада 1 тартиб рақами остидаги товарнинг 47-графасида) кўрсатилади.

«Тўлов тури» устунида Божхона тўловлари таснифлагичига мувофиқ божхона тўлови турининг коди кўрсатилади.

«Ҳисоблаш асоси» устунида божхона тўловини ҳисоблашнинг асоси кўрсатилади.

Ҳисоблаш асоси Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида кўрсатилади. Қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

агар қонун ҳужжатлари билан ҳисоблаш учун асос хорижий валютада белгиланган бўлса, ёхуд божхона йиғимлари хорижий валютада ундирилиши кўзда тутилган бўлса (масалан, эркин божхона зоналари ва эркин омборлар ҳудудларида божхона йиғимларини ундиришда) ҳисоблаш учун асос Валюталар таснифлагичига мувофиқ валютанинг ҳарфли кодини қўйган ҳолда хорижий валютада келтирилади;

агар қонун ҳужжатларида ҳисоблаш учун асос пул бирликларида эмас, балки бошқа ўлчов бирликларида (масалан, маълум вақт оралиғи (соат), маълум бир ҳужжатларни берганлик учун, БЮДнинг асосий ва қўшимча варақлари учун ва ҳ. к.) белгиланган бўлса, у ҳолда тегишлича миқдор (1,

2 ва х. к.) ва ўлчов бирлиги (соат, дона, асосий варақ, қўшимча варақ ва х. к.) кўрсатилади.

Ҳисоблаш учун асос Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида аниқланганда, товарнинг 12 ва 45-графаларидаги қийматларини Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида қайта ҳисоблаш БЮД божхона расмийлаштируви учун қабул қилинган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича амалга оширилади.

«Ставка» устунида божхона тўлови суммасини ҳисоблашда қўлланиладиган божхона тўловларининг белгиланган ставкаси миқдори кўрсатилади.

«Сумма» устунида божхона тўловининг Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида ҳисобланган суммаси кўрсатилади. Агар қонун ҳужжатларида божхона тўловининг хорижий валютада ундирилиши белгиланган бўлса, божхона тўловининг ҳисобланган суммаси Валюталар таснифлагичига мувофиқ валютанинг ҳарfli коди қўйилган ҳолда тегишли хорижий валютада кўрсатилади.

«ТУ» устунида тўлов усулининг икки белгили ҳарfli коди кўрсатилади:

«БН» — банк орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб;

«КТ» — божхона тўловлари суммасини нақд пул билан тўлаш;

«УН» — божхона тўловларини шартли ҳисоблаш;

«ОП» — божхона тўловларини кечиктириб тўлаш имконияти тақдим этилган;

«РП» — божхона тўловларини бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти тақдим этилган;

«ОО» — тўлов амалга оширилмайди.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ декларацияланаётган товарлар учун ставка белгиланмаган ёки ноль ставка белгиланган, ёхуд баён этилаётган божхона режими шартларига кўра ушбу турдаги божхона тўловини тўлаш мажбурияти вужудга келмайдиган божхона тўлови тўғрисидаги маълумотлар графага киритилмайди;

43) 48-графа. «Тўловларни кечиктириш».

Божхона тўловларини кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти тақдим этилганда, графада бундай тўловларни тўлашнинг сўнгги муддати қуйидаги схема бўйича кўрсатилади:

КК.ОО.ЙЙЙЙ, бунда:

КК — кун;

ОО — ой;

ЙЙЙЙ — йил;

44) 49-графа. «Омбор номи».

Агар товарлар илгари божхона омбори ёки эркин омборда сақлашни назарда тутувчи божхона режимларига жойлаштирилган бўлса, графада божхона омбори ёки эркин омборни таъсис этиш учун берилган лицензия рақами ва санаси кўрсатилади.

Агар товарлар божхона омбори мақомига эга бўлмаган жойларга жойлаштирилган бўлса графа тўлдирилмайди;

45) 50-графа. «Ишонч билдирган шахс».

Графада қуйидаги мазмундаги ёзув ёзилади:

«Такдим этилган маълумотлар учун жавобгар» деб ёзилгандан сўнг мутахассисга БЮДга киритиш учун зарур маълумотларни такдим этган, юкни жўнатувчи томонидан ишончнома берилган шахснинг ёки товарлар ва транспорт воситаларини божхона чегараси орқали олиб ўтаётган жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими ва телефон рақами кўрсатилади, унинг шахсий имзоси (фақат қоғоз шаклдаги БЮДда) ва сана қўйилади.

Агар ишонч билдирган шахс БЮДни тўлдирган мутахассис бўлса, ушбу мутахассис тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Шунингдек, мазкур графада ташкилот ишонч билдирган шахснинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатнинг рақами, санаси ва амал қилиш муддати кўрсатилади;

46) 54-графа. «Жой ва сана».

Графада 14-графада кўрсатилган шахс номидан БЮДни такдим этаётган мутахассис ҳақида қуйидаги маълумотлар кўрсатилади маълумотларнинг ҳар бири янги сатрдан бошланади ва улардан ҳар бирининг олдига тартиб рақами қўйилади:

1 — БЮД тўлдирилган жой;

2 — мутахассиснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, шунингдек электрон почта манзили (мавжуд бўлса);

3 — мутахассиснинг телефон рақами;

4 — агар товарларни декларациялаш божхона брокери томонидан амалга ошириляётган бўлса, божхона брокери ва топширигига асосан БЮД такдим этиляётган шахс ўртасидаги битим рақами ва санаси кўрсатилади;

5 — мутахассис томонидан БЮДга берилган рақам қуйидаги тартибда кўрсатилади:

9999/9999/99.99.9999/999999, бунда:

1 2 3 4

1-элемент — мутахассиснинг малака аттестати берилган йил;

2-элемент — малака аттестати рақами;

3-элемент — БЮД тўлдирилган сана;

4-элемент — мутахассис томонидан БЮДга берилган тартиб рақами (жорий йилда ўсиш тартибида, йил якунлангач рақамлаш янгидан бошланади).

Мутахассис томонидан БЮДга берилган рақам қайтарилмаслиги лозим.

БЮДда баён этилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги электрон БЮДда мутахассиснинг ЭРИси, қоғоз шаклдаги БЮДда мутахассиснинг имзоси ва мутахассис штатида бўлган божхона брокери ёки декларантнинг муҳри (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланади.

Қоғоз шаклдаги БЮДда бундай тасдиқлаш ҳар бир қўшимча варақнинг «С» графасида ҳам амалга оширилади;

47) «В» графа. «Ҳисоб-китоб тафсилотлари».

Графада Божхона тўловлари таснифлагичига мувофиқ тўлов коди, мазкур код бўйича ушбу БЮД билан декларацияланаётган барча товарларга оид тўловларнинг йиғиндисидан иборат бўлган тўловларнинг умумий суммаси кўрсатилади.

Божхона тўловларидан озод этилган ҳолатда графада қўшимча равишда Божхона тўловлари таснифлагичига мувофиқ тўлов коди, мазкур код бўйича ушбу БЮД билан декларацияланаётган барча товарларга оид тўловларнинг йиғиндисидан иборат бўлган боғхона тўловлари бўйича ҳисобланган имтиёзларнинг умумий суммаси кўрсатилади ва «тўланмайди» белгиси қўйилади;

48) «С» графа.

Графада 1 рақами остида ташқи савдо контрактининг (шартномасининг, келишувининг) Ташқи савдо операциялари ягона электрон ахборот тизимидаги идентификация рақами кўрсатилади.

5-боб. Товарларни эркин муомалага чиқариш (импорт) боғхона режимига жойлаштиришда БЮДни тўлдириш

23. Эркин муомалага чиқариш (импорт) боғхона режимига жойлаштиришда товарлар боғхона органларига мазкур Йўриқноманинг 24 ва 25-бандларига мувофиқ тўлдирилган БЮДни тақдим этиш орқали декларацияланади.

24. Мутахассис томонидан БЮДнинг қуйидаги графалари тўлдирилади: 1, 2, 3, 5, 7 (пост коди), 8, 9, 11, 12, 13, 14, 15, 15а, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 39, 40, 41, 42, 43, 44, 45, 46, 47, 48, 49, 50, 54, «В» ва «С».

25. Мутахассис томонидан графаларнинг тўлдирилиши:

1) 1-графа. «Декларация тури».

Графанинг биринчи бўлмасида товарларни олиб ўтиш йўналиши кўрсатилади — «ИМ».

Графанинг иккинчи бўлмасида Боғхона режимлари таснифлагичига мувофиқ боғхона режимининг икки рақамли коди кўрсатилади.

Товарлар электрон шаклда декларацияланганда графанинг учинчи бўлмасида «ЭД» ёзуви кўрсатилади. Товарлар қоғоз шаклда декларацияланганда ушбу бўлма тўлдирилмайди;

2) 2-графа. «Экспортчи/юкни жўнатувчи».

Графада транспорт ҳужжатларида товарларни жўнатувчи сифатида кўрсатилган шахс тўғрисидаги маълумотлар қайд этилади.

Графада қуйидагилар кўрсатилади:

юкни жўнатувчи жисмоний шахс бўлса — жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, унинг яшаш манзили (Дунё мамлакатлари таснифлагичига мувофиқ мамлакатнинг қисқа номи ва манзили);

юкни жўнатувчи юридик шахс бўлса — унинг қисқача номи ва жой-

лашган ери (Дунё мамлакатлари таснифлагичига мувофиқ мамлакатнинг қисқа номи ва манзили).

Масалан:

«Алибаев Нуридин Камалович

Қозоғистон, Алмати ш., Суюнбай шоҳ кўчаси, 450-уй»

ёки «Ros-Torg» МЧЖ

Россия, Иваново ш., Смирнов кўч., 62-уй».

Агар юкни жўнатувчи товарни бошқа шахснинг топшириғига кўра жўнатаётган бўлса ёки шунга ўхшаш бошқа ҳолатларда графада аввал юкни жўнатувчининг қисқача номи ва жойлашган ери (юридик манзили), сўнгра товарни жўнатиш тўғрисида топшириқ берган шахснинг қисқача номи ва жойлашган ери (юридик манзили) кўрсатилади.

Масалан:

«Ros-Torg» МЧЖ

Россия, Химки шах., Карлов кўч., 362-уй

«Faraon» МЧЖ топшириғига асосан

Россия, Москва шах., Большая полянка кўч., 563».

Товарларни қоғоз шаклда декларациялашда кўшимча варақларда графа тўлдирилмайди;

3) 3-графа. «Кўшимча варақлар».

Графанинг биринчи бўлмасида варақнинг тартиб рақами, иккинчи бўлмасида тақдим этилаётган БЮД варақларининг умумий сони (асосий ва кўшимча варақлари йиғиндиси) кўрсатилади.

Масалан, агар БЮД иккита кўшимча варақларга эга бўлса БЮДнинг асосий варағида «1/3»; биринчи кўшимча варағида «2/3»; иккинчи кўшимча варағида «3/3» кўрсатилади. Агар БЮД кўшимча варақларга эга бўлмаса «1/1» кўрсатилади.

Товарлар электрон шаклда декларацияланганда графада, электрон БЮД қоғозга чоп этилгандаги каби варақнинг тартиб рақами ва БЮД варақларининг умумий сони мазкур кичик бандда белгиланган тартибда кўрсатилади;

4) 5-графа. «Товарлар номларининг умумий сони».

Графада БЮДнинг 31-графаларида кўрсатилган товарлар номларининг умумий сони ёзилади. Бу сон БЮДнинг тўлдирилган 31-графалари сонига мувофиқ бўлиши лозим;

5) 7-графа. «БЮДнинг рўйхат рақами».

Графада Божхона постлари таснифлагичига мувофиқ БЮДни расмийлаштириш учун тақдим этиладиган божхона постининг бешта рақамли коди кўрсатилади;

6) 8-графа. «Импортчи/юкни қабул қилувчи».

Графада товарларни импортчиси ва қабул қилувчиси ҳақидаги маълумотлар кўрсатилади.

Агар товарларни импортчиси ҳам, қабул қилувчиси ҳам бир шахс бўлса: жисмоний шахс учун — унинг фамилияси, исми, отасининг исми ва доимий яшаш манзили, телефон рақами ҳамда шахсини тасдиқловчи ҳужжат ҳақидаги маълумотлар кўрсатилади.

Масалан:

«Кабиров Абдукарим Солиевич

Самарқанд вилояти, Самарқанд шах., Шердор кўч., 6-уй, 8-хонадон, телефон: 8-366-999-99-99

паспорт АА9999999, 31.12.2013 йилда Самарқанд вилояти ИИБ Самарқанд шах. ИИБ томонидан берилган»;

юридик шахс учун — унинг қисқача номи ва жойлашган ери (юридик манзили), телефон рақами ҳамда электрон почта манзили (мавжуд бўлса) кўрсатилади.

Масалан:

«Trans group» МЧЖ

Тошкент шах., Юнусобод тумани, Уч терак кўч., 3-уй, 19-хонадон, телефон: +99871-999-99-99, электрон почта: pochta@pochta.uz».

Агар импортчи ва юкни қабул қилувчи номидан юридик шахснинг таркибий тузилмаси қатнашаётган бўлса, таркибий тузилманинг қисқача номи, жойлашган ери (юридик манзили), телефон рақами ва электрон почта манзили (мавжуд бўлса), шунингдек юридик шахс тўғрисида юқорида қайд этилган маълумотлар кўрсатилади.

Масалан:

«Vodiy-Farg'ona» МЧЖ

Фарғона вилояти, Фарғона шах., Саноат кўч., 2-уй, телефон: 8-373-999-99-99, электрон почта: pochta@pochta.uz

«Vodiy» МЧЖнинг филиали

Анджон вилояти, Анджон шах., Бобур кўчаси, 597-уй, телефон: 8-374-999-99-99, электрон почта: pochta@pochta.uz».

Агар импортчи ва юкни қабул қилувчи турли шахслар бўлса, яъни қабул қилувчи товарни импортчи ёки бошқа шахснинг топшириғига асосан қабул қилиб олаётган бўлса, ёхуд шунга ўхшаш бошқа ҳолатларда графада аввал импортчининг (товарни қабул қилиб олиш тўғрисида топшириқ берган шахснинг) қисқача номи, сўнгра қабул қилувчининг қисқача номи, жойлашган ери (юридик манзили), телефон рақами ва электрон почта манзили (мавжуд бўлса) кўрсатилади.

Масалан:

«O'zmarkazimpeks» ДАТСК топшириғига асосан

«G'uncha» МЧЖ

Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Самарқанд кўч., 305, телефон: +99890-999-99-99, электрон почта: pochta@pochta.uz».

Графанинг юқори ўнг бурчагида «№» белгисидан сўнг импортчининг КТУТ коди, сўнгра «/» белгисидан сўнг юкни қабул қилувчининг КТУТ коди кўрсатилади. Импортчи ёки юкни қабул қилувчи номидан унинг таркибий тузилмаси иштирок этаётган ҳолатларда таркибий тузилманинг КТУТ коди кўрсатилади.

КТУТ коди мавжуд бўлмаган ташкилотларга (дипломатик ваколатхоналар ва консуллик муассасалари, халқаро ҳукуматлараро ташкилотларнинг

ваколатхоналари, хорижий давлатлар ҳукумат ташкилотларининг иктисодий, техник ҳамкорлик, гуманитар ёрдам кўрсатиш бўйича ваколатхоналари, доимий муассасалар, шунингдек КТУТ кодига эга бўлмаган бошқа юридик шахслар) тегишли товарларни декларациялашда «99999999» коди кўрсатилади.

Агар юкни қабул қилувчи жисмоний шахс бўлса юқори ўнг бурчакда «№» белгисидан сўнг «00000001» рақамлари қўйилади.

Графанинг пастки қисмида «№» белгисидан сўнг импортчининг СТИРи, сўнгра «/» белгисидан сўнг юкни қабул қилувчининг СТИРи кўрсатилади. СТИРга эга бўлмаган шахслар томонидан олиб ўтилаётган товарларни декларациялашда «999999999» коди кўрсатилади.

Товарларни қоғоз шаклда декларациялашда қўшимча варақларда графа тўлдирилмайди;

7) 9-графа. «Молиявий тартибга солиш учун жавобгар шахс».

Графада ташқи савдо контракти (шартномаси, келишувини) тузган ва ушбу контракт (шартнома, келишув) бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун жавобгар бўлган юридик шахснинг қисқача номи, жойлашган ери (юридик манзили), телефон рақами ва электрон почта манзили (мавжуд бўлса) ёки жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш манзили, телефон рақами ва шахсини тасдиқловчи ҳужжати тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Графанинг юқори қисмида «№» белгисидан сўнг шахснинг КТУТ коди кўрсатилади.

Графанинг пастки қисмида «№» белгисидан сўнг СТИР кўрсатилади. СТИРга эга бўлмаган шахслар томонидан олиб ўтилаётган товарларни декларациялашда «999999999» коди кўрсатилади.

Товарлар бегараз (тўловсиз) асосдаги битимлар бўйича олиб ўтилганда графа тўлдирилмайди;

8) 11-графа. «Савдо қилинаётган мамлакат».

Графада савдо қилувчи мамлакатнинг Дунё мамлакатлари таснифлагичига мувофиқ рақамли коди кўрсатилади.

БЮДнинг 9-графасида кўрсатилган шахс билан ташқи савдо контрактини (шартномасини, келишувини) тузган шахс рўйхатга олинган ёки доимий яшайдиган, мазкур контрактга (шартномага, келишувга) мувофиқ товарлар Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтилаётган ёки унинг ижроси юзасидан товарларнинг божхона режими ўзгартирилаётган мамлакат савдо қилинаётган мамлакат ҳисобланади.

Товарларнинг божхона чегараси орқали олиб ўтилиши ёки уларнинг божхона режимининг ўзгариши ташқи савдо контракти (шартномаси, келишуви) ижроси бўйича амалга оширилмаётган бўлса, Дунё мамлакатлари таснифлагичига мувофиқ мамлакатнинг рақамли коди товарнинг кузатув ҳужжатлари асосида кўрсатилади;

9) 12-графа. «Умумий божхона қиймати».

Графада, рақамли коди БЮДнинг 22-графасида кўрсатилган валютада, декларацияланаётган товарларнинг умумий божхона қиймати кўрсатилади.

Товарларнинг умумий божхона қийматини БЮДнинг 45-графаларидаги товарларнинг божхона қийматлари йиғиндиси ташкил қилади;

10) 13-графа.

Графада Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган, БЮД божхона расмийлаштирувига қабул қилинган кундаги АҚШ долларининг Ўзбекистон Республикаси миллий валютасига нисбатан курси кўрсатилади;

11) 14-графа. «Декларант/божхона брокери».

Графада БЮДни тўлдирган ва божхона органига тақдим этаётган мутахассис штатида бўлган божхона брокери ёки декларантнинг қисқача номи, жойлашган ери (юридик манзили), телефон рақами ва электрон почта манзили (мавжуд бўлса) кўрсатилади.

Графанинг юқори қисмида «№» белгисидан сўнг ушбу божхона брокери ёки декларантнинг КТУТ коди кўрсатилади;

12) 15-графа. «Жўнатувчи мамлакат».

Графада товарлар жўнатиш мамлакатнинг Дунё мамлакатлари таснифлагичига мувофиқ қисқа номи кўрсатилади.

Товарлар жўнатиш мамлакат — товарлар, оралиқ мамлакатларда ушбу товарларнинг юридик мақомини ўзгартирувчи ҳеч қандай тижорат битимлари ёки бошқа операциялар амалга оширилмаган ҳолда, Ўзбекистон Республикасига жўнатиш мамлакатдир.

Жўнатувчи мамлакат товарларни халқаро ташиш бошланишига асос бўлган транспорт ҳужжатларида келтирилган маълумотлар асосида аниқланади.

Агар халқаро ташув бир нечта транспорт ҳужжатлари асосида амалга оширилган бўлса, графада БЮДда баён этилаётган товарлар БЮДнинг 8-графасида кўрсатилган юкни қабул қилувчи манзилига етказиб бериш учун қабул қилинган биринчи мамлакатнинг қисқа номи кўрсатилади;

13) 15а-графа. «Жўнатувчи мамлакат коди».

Графада товарлар жўнатиш мамлакатнинг Дунё мамлакатлари таснифлагичига мувофиқ рақамли коди кўрсатилади;

14) 18-графа. «Жўнатиш/етказиб бериш вақтидаги транспорт воситаси».

Графада божхона режимига жойлаштириш учун божхона органига тақдим этилаётган товарларни Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудуди бўйлаб ташиган транспорт воситаси тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Графанинг чап бўлмасида транспорт воситалари сони ёзилади, сўнгра битта бўш жой (пробел) қолдирилиб, Транспорт турлари таснифлагичига мувофиқ транспорт воситасининг қисқача номи, сўнгра икки нуктадан кейин орасига «;» ажратиш белгиси қўйилган ҳолда транспорт воситаси тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади (денгиз ёки дарё кемаси номи, ҳаво кемасининг рейс ва борт рақами, темир йўл вағони рақами, йўл транспорт воситаси рўйхат рақами ва шу каби маълумотлар).

Масалан:

4 АВТО: А987SA; S654DA; B587NM; K967LV.

Агар товарлар автотранспорт воситалари состави билан ташилган бўлса, транспорт воситаси рўйхат рақамидан сўнг «/» ажратиш белгиси қўйилган ҳолда прицеплар, ярим прицеплар ва х.к. рақамлари кўрсатилади.

Масалан:

2 АВТО: А987SA/К118DS; S654DA/P312LK.

Графанинг ўнг бўлмасида транспорт воситаси тегишли бўлган мамлакатнинг Дунё мамлакатлари таснифлагичига мувофиқ рақамли коди кўрсатилади.

Агар ташишда автотранспорт воситалари составидан фойдаланилган бўлса, ушбу транспорт воситаларини (прицепларни, ярим прицепларни ва х. к.) ҳаракатга келтирган автотранспорт воситаси рўйхатга олинган мамлакатнинг рақамли коди кўрсатилади.

Агар транспорт воситалари бир нечта давлатларга тегишли бўлса, графанинг чап бўлмасида транспорт воситалари сони, сўнгра бўш жой (пробел) ташланиб, «БЮДнинг орқа томонига қаранг» ҳаволаси ёзилади (қоғоз шаклдаги БЮДда), графанинг ўнг бўлмасидан «999» коди қўйилади. Қоғоз шаклдаги БЮДнинг орқа томонида Транспорт турлари таснифлагичига мувофиқ транспорт воситасининг қисқача номи, сўнгра икки нуқтадан кейин транспорт воситалари рақами ва чизиқчадан сўнг, транспорт воситаси тегишли бўлган мамлакатнинг рақамли коди кўрсатилади.

Электрон БЮДда бундай ҳавола қилинмайди ва барча маълумотлар электрон БЮДнинг бевосита ўзида кўрсатилади.

Товарлар электр узатиш линиялари ёки қувур транспорти орқали олиб ўтилганда графада Транспорт турлари таснифлагичига мувофиқ транспорт воситасининг қисқача номи кўрсатилади: «ТРУБОПРОВОД», «ЛЭП»;

15) 19-графа. «Контейнер».

Графада қуйидагилар кўрсатилади:

«0» — агар товарлар контейнерда олиб ўтилмаётган бўлса;

«1» — агар товарлар контейнерда олиб ўтиляётган бўлса;

16) 20-графа. «Етказиб бериш шартлари».

Графада ташқи савдо битими асосида товарларни етказиб бериш шартлари тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади. Товарлар беғараз асосда олиб ўтиляётганда товарларни етказиб бериш шартлари товарнинг кузатув ҳужжатлари асосида кўрсатилади.

Графанинг биринчи бўлмасида Етказиб бериш шартлари таснифлагичига мувофиқ етказиб бериш шартининг рақамли коди кўрсатилади.

Графанинг иккинчи бўлмасида Етказиб бериш шартлари таснифлагичига мувофиқ географик пункт кўрсатилган ҳолда етказиб бериш шартининг ҳарfli коди қайд этилади, қавс ичида географик пункт жойлашган мамлакатнинг Дунё мамлакатлари таснифлагичига мувофиқ ҳарfli коди кўрсатилади.

Агар географик пункт икки мамлакат чегарасида жойлашган бўлса қавс ичида орасига чизиқча қўйилиб ушбу мамлакатларнинг ҳарfli кодлари кўрсатилади.

Масалан:

02 FCA ОРЕНБУРГ ш. (RU);

07 СРТ станция Сары Агач (KZ-UZ);

17) 21-графа. «Чегарадаги транспорт воситаси».

Графада товарлар амалда Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан олиб ўтилган транспорт воситалари тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Графанинг чап бўлмасида транспорт воситалари сони ёзилади, сўнгра битта бўш жой қолдирилиб, Транспорт турлари таснифлагичига мувофиқ транспорт воситасининг қисқача номи, сўнгра икки нуқтадан кейин орасига «;» ажратиш белгиси қўйилган ҳолда товарлар божхона ҳудудига олиб кинрилган транспорт воситаси тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади (денгиз ёки дарё кемаси номи, ҳаво кемасининг рейс ва борт рақами, темир йўл вағони рақами, йўл транспорт воситаси рўйхат рақами ва шу каби маълумотлар).

Масалан:

4 АВТО: A987SA; S654DA; B587NM; K967LV.

Агар товарлар автотранспорт воситалари состави билан ташилатган бўлса, транспорт воситаси рўйхат рақамидан сўнг «/» ажратиш белгиси қўйилган ҳолда прицеplar, ярим прицеplar ва х.к. рақамлари кўрсатилади.

Масалан:

2 АВТО: A987SA/K118DS; S654DA/P312LK.

Графанинг ўнг бўлмасида транспорт воситаси тегишли бўлган мамлакатнинг Дунё мамлакатлари таснифлагичига мувофиқ рақамли коди кўрсатилади.

Агар ташишда автотранспорт воситалари составидан фойдаланилган бўлса, ушбу транспорт воситаларини (прицеplarни, ярим прицеplarни ва х. к.) ҳаракатга келтирувчи автотранспорт воситаси рўйхатга олинган мамлакатнинг рақамли коди кўрсатилади.

Агар транспорт воситалари бир нечта давлатларга тегишли бўлса, графанинг чап бўлмасида транспорт воситалари сони, сўнгра бўш жой (пробел) ташланиб, «БЮД орқа томонига қаранг» ҳаволаси ёзилади (қоғоз шаклдаги БЮДда), графанинг ўнг бўлмасида «999» коди қўйилади. Қоғоз шаклдаги БЮДнинг орқа томонида Транспорт турлари таснифлагичига мувофиқ транспорт воситасининг қисқача номи, сўнгра икки нуқтадан кейин транспорт воситалари рақами ва чизиқчадан сўнг, транспорт воситаси тегишли бўлган мамлакатнинг рақамли коди кўрсатилади.

Электрон БЮДда бундай ҳавола қилинмайди ва барча маълумотлар электрон БЮДнинг бевосита ўзида кўрсатилади.

Товарлар электр узатиш линиялари ёки қувур транспорти орқали олиб ўтилганда графада Транспорт турлари таснифлагичига мувофиқ транспорт воситасининг қисқача номи кўрсатилади: «ТРУБОПРОВОД», «ЛЭП».

Товарлар илгари Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтилмаган бўлса графа тўлдирилмайди;

18) 22-графа. «Валюта ва товарларнинг умумий фактура қиймати».

Графанинг чап бўлмасида Валюталар таснифлагичига мувофиқ ташқи савдо контракти (шартномаси, келишуви) валютасининг рақамли коди кўрсатилади.

Ташқи савдо контракти (шартномаси, келишуви) валютаси деганда етказиб берилмаётган товар ташқи савдо контрактига (шартномасига, келишувига) мувофиқ баҳоланган валюта тушунилади. Агар товар ташқи савдо контракти (шартномаси, келишуви) ижроси бўйича олиб ўтилмаётган бўлса, валюта коди товарнинг кузатув ҳужжатлари асосида кўрсатилади.

Графанинг ўнг бўлмасида рақамларда декларацияланаётган товарлар туркумининг умумий фактура қиймати кўрсатилади. Умумий фактура қийматини БЮДнинг 42-графаларидаги товарларнинг фактура қийматлари йиндиси ташкил қилади;

19) 23-графа. «Валюта курси».

Графада рақамли коди БЮДнинг 22-графасида кўрсатилган валютанинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган, БЮД божхона расмийлаштирувига қабул қилинган кундаги Ўзбекистон Республикаси миллий валютасига нисбатан курси кўрсатилади.

Масалан:

агар 1 Россия рубли = 63,41 сўм бўлса, графада «1/63,41» кўрсатилади;

агар 10 Япон йенаси = 220,09 сўм бўлса, графада «10/220,09» кўрсатилади;

агар валюта контракти Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси бўлса графада «1/1» кўрсатилади;

20) 24-графа. «Битим хусусияти».

Графанинг чап бўлмасида Битим хусусиятлари таснифлагичига мувофиқ битим хусусиятининг коди кўрсатилади.

Графанинг ўнг бўлмасида Валюталар таснифлагичига мувофиқ етказиб берилмаётган товар учун контрагент билан ҳисоб-китоб валютасининг рақамли коди кўрсатилади.

Ҳисоб-китоб валютаси деганда БЮДни 9-графасида кўрсатилган шахнинг ташқи савдо контракти (шартномаси, келишуви) бўйича ҳисоб-китоб амалга оширилган ёки амалга ошириладиган валюта, ташқи савдо контракти (шартномаси, келишуви) мавжуд бўлмаган ҳолатларда товарнинг кузатув ҳужжатларида кўрсатилган валюта тушунилади;

21) 25-графа. «Чегарадаги транспорт тури».

Графада Транспорт турлари таснифлагичига мувофиқ 21-графада кўрсатилган транспорт воситаси турининг коди кўрсатилади.

Товарлар илгари Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтилмаган бўлса графа тўлдирилмайди;

22) 26-графа. «Мамлакат ичкарасидаги транспорт тури».

Графада Транспорт турлари таснифлагичига мувофиқ 18-графада кўрсатилган транспорт воситаси турининг коди кўрсатилади;

23) 28-графа. «Молия ва банк маълумотлари».

Графада божхона тўловларини тўловчи шахснинг молиявий ва банк маълумотлари кўрсатилади, бунда маълумотларнинг ҳар бири янги сатрдан бошланади ва улардан ҳар бирининг олдига тартиб рақами қўйилади:

1 — тўловчининг СТИРи/банк СТИРи (божхона тўловлари Ўзбекистон Республикаси норезиденти томонидан тўланганда божхона брокери ёки декларантнинг СТИРи кўрсатилади);

2 — банкнинг тўлиқ номи;

3 — банкнинг почта манзили;

4 — тўловчининг Ўзбекистон Республикаси миллий валютасидаги ҳисоб варақаси рақами/банк МФОси;

5 — тўловчининг хорижий валютадаги ҳисоб варақаси рақами/банк МФОси (божхона тўловлари хорижий валютада тўланган ҳолатларда);

24) 29-графа. «Чегарадаги божхона».

Графада Божхона постлари таснифлагичига мувофиқ товарлар Ўзбекистон Республикасига олиб кирилган божхона постининг коди ва номи кўрсатилади.

Электр узатиш линиялари ёки қувур транспорти орқали олиб ўтиладиган товарларни декларациялашда назоратни олиб борувчи постнинг коди ва номи кўрсатилади.

Товарлар илгари Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтилмаган бўлса графа тўлдирилмайди;

25) 30-графа. «Товарларни кўрикдан ўтказиш жойи».

Графада товарлар фаолият ҳудудида турган божхона постининг Божхона постлари таснифлагичига мувофиқ коди ҳамда БЮДни тақдим этиш вақтида товарлар турган жой ҳақидаги маълумотлар кўрсатилади:

агар товарлар божхона омбори ёки эркин омборда, ёхуд бож олинмайдиган савдо дўқонида турган бўлса — божхона омбори ёки эркин омборни, ёхуд бож олинмайдиган савдо дўқонини таъсис этиш учун берилган лицензия рақами ва санаси;

агар товарлар божхона омбори мақомига эга бўлмаган жойларда турган бўлса — товар турган жойнинг почта манзили (почта индексини кўрсатмаган ҳолда);

агар товарлар темир йўл станциясида турган бўлса — темир йўл станциясининг номи.

Электр узатиш линиялари ёки қувур транспорти орқали олиб ўтилаётган товарларни декларациялашда графа тўлдирилмайди;

26) 31-графа. «Юк жойлари ва товар тавсифи». «Маркировка ва микдор — контейнерлар рақами — товар тавсифи».

Графада декларацияланаётган товар ҳақида маълумот кўрсатилади. Товар ҳақидаги маълумотлар ТИФ ТН асосида таснифлаш қоидаларига мувофиқ декларацияланаётган товарларни муайян ўн рақамли подсубпозицияда аниқ таснифлаш имконини бериши лозим. Маълумотларнинг ҳар бири янги сатрдан бошланади ва улардан ҳар бирининг олдига тартиб рақами қўйилади:

1 рақами остида қуйидагилар кўрсатилади:

товарнинг номи (савдо, тижорат ёки бошқа анъанавий номи), товар белгилари, маркалари, моделлари, артикуллари, навлари, стандартлари ва бошқа техник ва тижорат тавсифлари (давлат стандартлари, техник регламентлар ҳамда стандартлар ва х. к.) тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек декларацияланаётган товарнинг миқдорий ва сифат таркиби тўғрисидаги маълумотлар. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 9 апрелдаги 86-сон «Республикада сотиладиган маиший электр приборларини, янгидан қуриладиган бинолар ва иншоотларни энергетика жиҳатидан мажбурий маркировкалаш ва сертификатлаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори иловасида кўрсатилган товарлар учун энергия самарадорлиги классификациясидаги маълумот кўрсатилади.

Электрон БЮДда товарнинг маркаси ва брэнднинг номи, энергия самарадорлиги классификациясидаги маълумот алоҳида ажратилган майдончада ҳам кўрсатилади;

агар божхона тўловларини ҳисоблаш ҳамда ундириш ва (ёки) иқтисодий сиёсат чораларини (тақиқлар, чекловлар ва х.к.) қўллаш учун зарур бўлса, товарнинг асосий ва қўшимча ўлчов бирликларидан фарқ қилувчи ўлчов бирликларидаги тавсифи ва кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар (миқдори ва шартли белгиси), шунингдек товар ишлаб чиқарилган (тайёрланган) сана кўрсатилади.

Декларацияланаётган товарларни товар позициясининг ТИФ ТНда келтирилган умумий номланиши билан кўрсатилишига йўл қўйилмайди.

2 рақами остида қуйидагилар кўрсатилади:

ўрамга эга бўлган товар учун — товар эгаллаган юк жойларининг умумий сони, товар ўрами тури ва ўрамлар миқдори. Агар ушбу графада декларацияланаётган товар юк жойларининг ҳаммасини эгалламаса графада «қутининг бир қисми» ва шунга ўхшаш ёзувлар ёзилади. Бунда ўрам деганда товарларни ўраш, химоялаш, жойлаштириш ва мустаҳкамлаш ёки ажратиш учун мўлжалланган ҳар қандай буюм ва материаллар тушунилади, уюм ҳолда олиб ўтиладиган ўраш материаллари (сомон, қоғоз, шиша тола, қипиқ ва шу кабилар) бундан мустасно;

сочилган, уюмланган, қўйилган ҳолда ўрамсиз олиб ўтиладиган товар учун тегишлича «сочилган ҳолда», «уюм ҳолида», «қўйилган ҳолда» каби ёзувлар кўрсатилади.

Электр узатиш линиялари ёки қувур транспорти орқали ташиладиган товарларни декларациялашда 2 рақами остида маълумотлар тўлдирилмайди.

3 рақами остида контейнерларда ташиладиган товар учун ёки товар сифатида контейнер расмийлаштирилаётган ҳолатларда — орасига вергул қўйилиб контейнер рақамлари кўрсатилади. Агар декларацияланаётган товарлар контейнерни тўлиқ эгалламаган бўлса контейнер рақамидан сўнг: «бир қисми» сўзлари ёзилади. Электрон БЮДда контейнерлар рақамлари алоҳида майдончада ҳар бири алоҳида кўрсатилади.

Агар контейнер юк эгаси мулки сифатида қоладиган бўлса контейнер рақамидан сўнг қавс ичида (электрон БЮДда алоҳида майдонда) «Юк эгаси мулки» сўзлари ёзилади.

4 рақами остида акциз маркалари билан маркаланган товарлар учун — ҳар бир серия бўйича акциз маркалар сериялари, рақамлари ва миқдори кўрсатилади.

Кетма-кетликда келаётган акциз маркаларининг рақамлари тўғрисидаги маълумотлар тегишли ораликдаги биринчи ва охири рақам ўртасида чизикча «-» ажратувчисини қўйиш орқали ёзилади.

5 рақами остида қувур транспорти, электр узатиш линиялари орқали олиб ўтилаётган товарларни декларациялашда қуйидаги ёзувлар ёзилади: «XX.XX.XXXX дан XX.XX.XXXX гача бўлган ораликда етказиб бериш». Бу ерда рақамли белгилар билан товарларни етказиб бериш бошланган «кун, ой, йил» ва тугалланган «кун, ой, йил» кўрсатилади.

6 рақами остида (электрон БЮДда алоҳида аниқлаштирилган жадвалда) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 12 декабрдаги 324-сон «Истеъмол товарларининг айрим гуруҳларини Ўзбекистон Республикасига четдан келтиришни такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ мажбурий тартибда махсус назорат идентификация белгилари билан маркаланиши лозим бўлган олиб кирилаётган истеъмол товарларини декларациялашда ишлаб чиқарувчи завод томонидан қўйиладиган товарларнинг серия рақамлари тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Графанинг пастки ўнг бурчагида алоҳида ажратилган жойда товарларнинг қўшимча ўлчов бирлигидаги миқдори ва ўлчов бирлигининг ТИФ ТНга мувофиқ шартли белгиланиши кўрсатилади (қўшимча ўлчов бирлигининг коди 41-графада акс эттирилади). Электрон БЮДда ўлчов бирлигининг шартли белгиланиши кўрсатилмасдан, фақатгина товарларнинг қўшимча ўлчов бирлигидаги миқдори ёзилади.

Товарларнинг қўшимча ўлчов бирлигидаги миқдори вергулдан кейинги иккинчи белгигача аниқликда кўрсатилади.

Агар қўшимча ўлчов бирлигидаги товар миқдори «0,01» дан кам бўлса графада товарнинг қўшимча ўлчов бирлигидаги миқдори вергулдан кейинги олтинчи белгигача аниқликда кўрсатилади.

Фақатгина асосий ўлчов бирлиги «кг» қўлланилган ҳолатларда — графанинг пастки ўнг бурчаги тўлдирилмайди.

Пастки чап бурчақда, алоҳида ажратилган майдончада декларацияланаётган товарни истеъмол қилувчи ташкилотнинг КТУТ коди кўрсатилади.

Агар мазкур товарнинг истеъмолчиси номаълум ёки истеъмолчилар бир нечта бўлса, ушбу товарни импорт қилаётган ташкилотнинг КТУТ коди кўрсатилади;

27) 32-графа. «Товар №».

Графада 31-графада декларацияланаётган товарнинг тартиб рақами кўрсатилади.

Битта номдаги товар декларацияланаётган бўлса, графада «1» рақами кўрсатилади;

28) 33-графа. «Товар коди».

Графанинг чап қисмида 31-графада декларацияланаётган товарларнинг ТИФ ТНга мувофиқ ўнта рақамли коди кўрсатилади. Ушбу код бўш жойсиз (пробелсиз) ва бошқа ажратувчи белгиларсиз ёзилади;

29) 34-графа. «Келиб чиқиш мамлакати коди».

Графанинг чап бўлмасида 31-графада декларацияланаётган товарни келиб чиқиш мамлакатининг Дунё мамлакатлари таснифлагичига мувофиқ рақамли коди кўрсатилади.

Агар божхона расмийлаштируви вақтида келиб чиқиш мамлакати номаълум бўлса, «000» коди қўйилади.

Агар товарни келиб чиқиш сертификатида Европа иттифоқининг аниқ мамлакати кўрсатилмаган бўлиб, товарнинг келиб чиқиш мамлакати сифатида Европа иттифоқи кўрсатилган бўлса, лотин ҳарфлари билан икки ҳарфдан иборат «EU» коди қўйилади;

30) 35-графа. «Брутто вазн (кг)».

Графада БЮДнинг 31-графасида декларацияланаётган товарнинг килограммдаги «брутто» оғирлиги кўрсатилади. «Брутто» оғирлик деганда товарнинг умумий оғирлиги, шу жумладан, товар муомалага киритилгунга қадар ҳолатини ўзгармаслигини таъминлаб туриш учун зарур бўлган унинг барча турдаги ўрамлари (контейнер ва бошқа транспорт ускуналари бундан мустасно) билан биргаликдаги оғирлиги тушунилади.

Брутто вазн математик қоидаларга кўра вергулдан кейинги учинчи ракамгача яхлитланади.

Агар товарнинг умумий оғирлиги бир килограммдан кам бўлса, брутто вазн вергулдан кейинги уч белгигача аниқликда кўрсатилади.

Агар товарнинг умумий оғирлиги бир граммдан кам бўлса, брутто вазн вергулдан кейинги олти белгигача аниқликда кўрсатилади.

Қувур транспорти билан олиб ўтиладиган товарларни декларациялашда товарнинг умумий оғирлиги кўрсатилади.

Графа электр узатиш линиялари орқали олиб ўтиладиган товарларни декларациялашда тўлдирилмайди;

31) 36-графа. «Преференция».

Графада Преференциялар, имтиёзлар ва божхона тўловларини тўлашнинг бошқа хусусиятлари таснифлагичига мувофиқ преференциялар, имтиёзлар ва божхона тўловларини тўлашни бошқа хусусиятларининг ҳарфли кодлари қуйидаги тартибда кўрсатилади:

1/2/3/4, бунда тегишлича:

1 — божхона расмийлаштируви учун божхона йиғимларини тўлаш хусусиятининг коди;

2 — божхона божини тўлаш хусусиятининг коди;

3 — акциз солиғини тўлаш хусусиятининг коди;

4 — қўшилган қиймат солиғини тўлаш хусусиятининг коди;

32) 37-графа. «Процедура».

Графада товарларни Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиш процедурасининг етти белгили коди кўрсатилади. Ушбу код қуйидаги учта таркибий қисмлардан иборат:

биринчи иккита рақам — Божхона режимлари таснифлагичига мувофиқ баён этилаётган божхона режими коди;

кейинги иккита рақам — Божхона режимлари таснифлагичига мувофиқ аввалги божхона режими коди. Агар аввалги божхона режими мавжуд бўлмаса «00» кўрсатилади;

охирги учта рақам — Товарларни олиб ўтиш хусусиятлари таснифлагичига мувофиқ декларацияланаётган товарларни олиб ўтиш хусусияти коди. Агар товарларни олиб ўтиш хусусияти белгиланмаган бўлса «000» кўрсатилади;

33) 38-графа. «Нетто вазн (кг)».

Графада декларацияланаётган товарнинг килограммдаги «нетто» оғирлиги кўрсатилади.

Қадоқланган ҳолатда олиб ўтилаётган товар учун:

декларацияланаётган товарнинг фақат бирламчи қадоғини ҳисобга олган ҳолдаги оғирлиги, агар товарлар, истеъмол хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, шундай қадоқда чакана савдога чиқарилса ва (ёки) товарни сотишда унинг сақланишини таъминлайдиган бирламчи қадоқни товарнинг истеъмол хусусиятларини бузмаган ҳолда товарни истеъмол қилгунга қадар товардан ажратиб бўлмайдиган (масалан, банкадаги кофе ва ҳ. к.) бўлса;

бошқа ҳолатларда декларацияланаётган товарнинг ҳеч қандай қадоқсиз оғирлиги.

Қадоқсиз (сочилган, қуйилган, уюм ҳолда) олиб ўтиладиган товар учун товарнинг умумий оғирлиги кўрсатилади.

Нетто вазн математик қоидаларга кўра вергулдан кейинги уч белгигача яхлитланади.

Агар товарнинг умумий вазни бир килограммдан кам бўлса, нетто вазн вергулдан кейинги уч белгигача аниқликда кўрсатилади.

Агар товарнинг умумий оғирлиги бир граммдан кам бўлса, нетто вазн вергулдан кейинги олти белгигача аниқликда кўрсатилади.

Кувур транспорти билан олиб ўтилаётган товарларни декларациялашда товарнинг БЮДни 35-графасида кўрсатилган оғирлиги қайд этилади.

Графа электр узатиш линиялари орқали олиб ўтиладиган товарларни декларациялашда тўлдирилмайди;

34) 39-графа. «Квота».

Микдорий чекловлар белгиланган товарларни декларациялашда тўлдирилади.

Графада олинган лицензияга мувофиқ ўлчов бирлигида ажратилган квотанинг қолдиғи кўрсатилади. Квотанинг қолдиғини аниқлашда декларацияланаётган товарлар ҳисобга олинмайди.

Масалан:

лицензия бўйича ажратилган квота — 10000 куб. м; декларацияланаётган товарнинг биринчи туркуми — 4000 куб. м. 39-графада — «10000 куб. м» кўрсатилади.

Мазкур лицензия бўйича ажратилган квота ҳисобидан кейинги товарлар туркумини расмийлаштиришда 39-графада квота қолдиги — «6000 куб. м» кўрсатилади;

35) 40-графа. «Умумий декларация/аввалги ҳужжат».

Товарлар баён этилаётган божхона режимдан аввал бошқа божхона режимга жойлаштирилган бўлса, графада товарларни аввалги божхона режимга жойлаштириш учун асос бўлган БЮД ҳақида қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

аввалги ҳужжатнинг коди — ушбу ҳолатда «БЮД»;

аввалги БЮДнинг рўйхат рақами;

ушбу товарнинг аввалги БЮДнинг 32-графасидаги тартиб рақами;

аввалги БЮДнинг 32-графасида кўрсатилган товарнинг, расмийлаштирилаётган брутто вазни (килограммда);

аввалги БЮДнинг 32-графасида кўрсатилган товарнинг, расмийлаштирилаётган нетто вазни (килограммда);

қўшимча ўлчов бирлигидаги миқдори (агар мавжуд бўлса);

қўшимча ўлчов бирлигининг ТИФ ТНга мувофиқ шартли белгиланиши (агар мавжуд бўлса).

Масалан:

ГТД 14010/31.03.2012/0353761 — 2 — 5980 кг — 5900 кг — 250,2 м³.

Агар декларацияланаётган товар аввал бир нечта товар туркумларига бўлинган ҳолда бир нечта БЮДлар билан расмийлаштирилган бўлса, аввалги расмийлаштирилган ҳар бир БЮД тўғрисидаги маълумотлар алоҳида янги қатордан юқорида қайд этилган тартибда кўрсатилади.

Агар товарларга нисбатан аввал БЮД тақдим этилмаган бўлса, графада товарларни божхона расмийлаштирувини амалга ошириш учун ички божхона органига етказиб бериш учун асос бўлган етказиб беришни назорат қилиш ҳужжатлари (юкни етказиб беришни назорат қилиш китобчаси, МДП китобчаси) ҳақидаги қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

етказиб беришни назорат қилиш ҳужжатининг коди: юкни етказиб беришни назорат қилиш китобчаси учун — ККДГ, МДП китобчаси учун — МДП;

етказиб беришни назорат қилиш тўғрисидаги ҳужжат рақами (99999/99.99.9999/ИМ999999 — пост коди/сана/юкни етказиб беришни назорат қилиш китобчаси рақами, 99999/99.99.9999/ZX99999999 — пост коди/сана/МДП китобчаси рақами). Бунда, юкни етказиб беришни назорат қилиш китобчаси рақамидаги ҳарфлар кирилл алифбоси ҳарфларида, МДП китобчаси рақамидаги ҳарфлар эса лотин алифбосида ёзилиши шарт;

етказиб беришни назорат қилиш тўғрисидаги ҳужжатда кўрсатилган товарнинг, расмийлаштирилаётган брутто вазни (килограммда).

Масалан:

ККДГ 06006/31.03.2012/ИМ003761 — 15000 кг;

МДП 27002/01.01.2014/ХУ00156239 — 19456 кг.

Агар товар бир нечта етказиб беришни назорат қилиш тўғрисидаги ҳужжатлардан расмийлаштирилаётган бўлса, ҳар бир маълумот алоҳида янги қатордан юқорида қайд этилган тартибда кўрсатилади;

36) 41-графа. «Қўшимча ўлчов бирлиги».

Графада ТИФ ТНда келтирилган «Ўлчов бирликлари жадвали»га мувофиқ 31-графанинг пастки ўнг бўлмасида кўрсатилган товар миқдорининг қўшимча ўлчов бирлиги коди кўрсатилади.

Агар мазкур товар учун ТИФ ТНга мувофиқ фақат асосий ўлчов бирлиги (кг) қўлланилса, графада унинг коди (166) кўрсатилади;

37) 42-графа. «Товарнинг фактура қиймати».

Графада 31-графада декларацияланаётган товарнинг ташқи савдо контракти (шартномаси, келишуви) шартларига мувофиқ ҳақиқатда тўланган ёки тўланиши лозим бўлган ёхуд товарларни муқобил етказиб бериш билан қопланадиган фактура қиймати ташқи савдо контракти (шартномаси, келишуви) валютасида кўрсатилади.

Товарларни беғараз (тўловсиз) етказиб бериш асосида импорт қилишда ёки товарларни ташқи савдо контрактини (шартномасини, келишувини) тузмаган ҳолда етказиб беришда товарнинг фактура қиймати товарнинг кузатув ҳужжатлари асосида кўрсатилади.

Нақд валютани декларациялашда графада олиб ўтилаётган валютанинг суммаси, номинал қийматга эга қимматли қоғозларни декларациялашда эса — қимматли қоғозларнинг номинал қиймати кўрсатилади.

Фактура қиймати математик қоидаларга кўра вергулдан сўнг икки белгигача аниқликда яхлитланади;

38) 43-графа.

Графада қуйидагилар кўрсатилади:

«0» — агар юкни қабул қилувчи ўз эҳтиёжи учун мўлжалланмаган маҳсулотни олиб кираётган бўлса;

«1» — агар юкни қабул қилувчи ўз эҳтиёжи учун мўлжалланган маҳсулотни олиб кираётган бўлса;

39) 44-графа. «Қўшимча маълумотлар/тақдим этилаётган ҳужжатлар».

Графада БЮДнинг 31-графасида кўрсатилган ҳар бир товар ҳақида баён этилган маълумотларни тасдиқловчи, БЮДни тўлдиришга асос бўлган ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Ҳар бир ҳужжат тўғрисидаги маълумотлар Божхона юк декларациясини тўлдиришда фойдаланиладиган ҳужжатлар ва маълумотлар турлари таснифлагичига мувофиқ ҳужжатнинг тартиб рақами ва ҳарfli кодини қўйган ҳолда кўрсатилади (реквизитларнинг ҳар бири янги сатрдан бошланади):

а) лицензияланадиган товарлар учун лицензия рўйхат рақами ва берилган санаси ҳамда унинг амал қилиш муддати.

Масалан:

101 ЛИЦЕНЗИЯ № 998344400002, 26.11.2015 й. Амал қилиш муддати — 31.12.2015 й.;

б) транспорт ва тижорат ҳужжатларининг рақами (рўйхат рақами).

Масалан:

205 АВИА № 259-12586814, 18.11.2015 й.;

220 ИНВ № 987, 15.11.2015 й.;

в) товарнинг божхона расмийлаштируви амалга оширилаётган контракт (шартнома, келишув), контрактга (шартномага, келишувга) қўшимча келишувнинг рақами ва санаси ҳамда контрактнинг (шартноманинг, келишувнинг) умумий қиймати.

Масалан:

301 КНТ № ЭКС-654, 13.09.2015 й., қиймати 1000000 АҚШ долл.;

302 ДОП № 1, 13.11.2015 й.;

г) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган ҳолатларда, бошқа ваколатли органлар томонидан тақдим этиладиган рухсатномалар, хулосалар ва бошқа ҳужжатларнинг (сертификатлар, гувоҳномалар ва х.к.) рўйхат рақами ва берилган санаси.

Масалан:

417 ССТ № UZ.SMT.01.065.1783700, 15.10.2015 й.;

419 ФТСС № 431771, 04.11.2015 й.;

д) ташқи савдо контракти (шартномаси, келишуви) Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида рўйхатдан ўтган рақами ва рўйхатга олинган санаси. Товарлар якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан декларацияланган ҳолатларда якка тартибдаги тадбиркорнинг экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш ҳуқуқи билан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома рақами ва санаси.

Масалан:

501 рег. МВЭСИТ № 96200126, 15.04.2014 й.;

502 СвИПБЮЛ № 010176/198, 04.08.2015 й.;

е) «6» рақамидан сўнг Божхона тўловлари таснифлагичига мувофиқ божхона тўлови турининг коди, сўнгра Божхона тўловларини тўлаш бўйича имтиёзлар мавжудлигини тасдиқловчи ва БЮДнинг 44-графасидаги маълумотларни баён этишда қўлланиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таснифлагичига мувофиқ божхона тўловларидан озод этишга асос бўладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат тўғрисидаги маълумотлар.

Божхона тўловларини тўлашдан халқаро шартномага мувофиқ озод этилганда «МД» коди қўйилади ва шартноманинг тўлиқ номи ва имзоланган санаси кўрсатилади. Декларациялаш қоғоз шаклда амалга оширилганда «МД» коди кўрсатилади ва «БЮДнинг орқа томонига қаранг» деб ёзилади. БЮДнинг орқа томонидан халқаро шартноманинг тўлиқ номи ва имзоланган санаси кўрсатилади.

Божхона тўловларидан имтиёз беришни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат ижросини таъминлаш мақсадида қўшимча норматив-ҳуқуқий

хужжат қабул қилинган бўлса (масалан, божхона тўловларини тўлашдан озод этиладиган товарлар рўйхати белгиланган тартибда тасдиқланадиган ҳолатларда) иккита норматив-ҳуқуқий хужжат тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилди: божхона тўловларидан имтиёзлар мавжудлигини тасдиқловчи асосий норматив-ҳуқуқий хужжат тўғрисидаги маълумотлар ҳамда қавс ичида қўшимча норматив-ҳуқуқий хужжат тўғрисидаги маълумотлар (масалан, божхона тўловларини тўлашдан озод этиладиган товарлар рўйхатини тасдиқловчи хужжат коди, рақами ва санаси).

Божхона тўловларидан озод этиш кўзда тутилмаган ёки божхона тўловлари ставкалари белгиланмаган ҳолатларда графанинг мазкур қисми тўлдирилмайди.

Масалан:

620 ПП № ПП-2120 / 04.02.2014 й.;

629 ПП № ПП-2120 / 04.02.2014 й.;

629 НК 211/7 (МЮ № 2436 / 20.03.2013 й.);

620 МД *Протокол о применении Договора о создании зоны свободной торговли от 18 октября 2011 года между его сторонами и Республикой Узбекистан / 31.05.2013 й.*;

620 МД *Соглашение о создании зоны свободной торговли / 15.04.1994 й.*;

ж) товарнинг келиб чиқиш мамлакати сертификати рўйхат рақами ва санаси.

Масалан:

701 СПТИМ № KZUZ50209586, 20.11.2015 й.;

з) божхона расмийлаштирувида зарур бўлган бошқа хужжатлар ва маълумотлар (божхона тўловларини кечиктириб тўлаш, воситачилик (гаров ва х. к.) битими, божхона қонун хужжатлари бузилганлиги тўғрисида баённома ва қонун хужжатларида белгиланган бошқа хужжатлар ва маълумотлар);

40) 45-графа. «Божхона қиймати».

Графанинг ўнг бўлмасида 31-графада декларацияланаётган товарнинг ташқи савдо контракти (шартномаси, келишуви) валютасидаги божхона қиймати кўрсатилди.

Товарларни беғараз (тўловсиз) етказиб бериш асосида импорт қилишда ёки товарларни ташқи савдо контрактини (шартномасини, келишувини) тузмаган ҳолда етказиб беришда товарнинг божхона қиймати товарнинг кузатув хужжатларида кўрсатилган валютада келтирилади.

Божхона қиймати Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексига белгиланган товарларнинг божхона қийматини аниқлаш усулларига мувофиқ ҳисобланади.

Божхона қиймати математик қоидаларга кўра вергулдан сўнг икки белгигача аниқликда яхлитланади;

41) 46-графа. «Статистик қиймат».

Графада товарнинг минг АҚШ долларигадаги статистик қиймати кўрсатилди. Статистик қиймат товарнинг 42-графада кўрсатилган фактура қий-

мати асосида ҳисобланади ва «CIP (CIF) — Ўзбекистон чегараси» етказиб бериш шартидаги нархга келтирилади.

Статистик қиймат математик қоидаларга кўра вергулдан сўнг уч белгигача аниқликда яхлитланади.

Статистик қийматини ҳисоблашда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган, БЮД божхона расмийлаштируви учун қабул қилинган кунда амалда бўлган курсдан фойдаланилади;

42) 47-графа. «Божхона тўловларининг ҳисоби».

Божхона тўловлари суммаларини ҳисоблаш БЮДнинг 31-графаларида баён этилган ҳар бир товар учун божхона тўловлари турлари бўйича алоҳида амалга оширилади. Бундан божхона расмийлаштируви учун божхона йиғимлари мустасно бўлиб, улар доим БЮД асосий варағининг 47-графасида (электрон БЮДда 32-графада 1 тартиб рақами остидаги товарнинг 47-графасида) кўрсатилади.

«Тўлов тури» устунида Божхона тўловлари таснифлагичига мувофиқ божхона тўлови турининг коди кўрсатилади.

«Ҳисоблаш асоси» устунида божхона тўловини ҳисоблашнинг асоси кўрсатилади.

Ҳисоблаш асоси Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида кўрсатилади. Қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

агар қонун ҳужжатлари билан ҳисоблаш учун асос хорижий валютада белгиланган бўлса, ёхуд божхона йиғимлари хорижий валютада ундирилиши кўзда тутилган бўлса (масалан, эркин божхона зоналари ва эркин омборлар ҳудудларида божхона йиғимларини ундиришда) ҳисоблаш учун асос Валюталар таснифлагичига мувофиқ валютанинг ҳарfli кодини қўйган ҳолда хорижий валютада келтирилади;

агар қонун ҳужжатларида ҳисоблаш учун асос пул бирликларида эмас, балки бошқа ўлчов бирликларида (масалан, маълум вақт оралиғи (соат), маълум бир ҳужжатларни берганлик учун, БЮДнинг асосий ва қўшимча варақлари учун ва ҳ. к.) белгиланган бўлса, у ҳолда тегишлича миқдор (1, 2 ва ҳ. к.) ва ўлчов бирлиги (соат, дона, асосий варақ, қўшимча варақ ва ҳ. к.) кўрсатилади.

Ҳисоблаш учун асос Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида аниқланганда, товарнинг 12 ва 45-графалардаги қийматларини Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида қайта ҳисоблаш БЮД божхона расмийлаштируви учун қабул қилинган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича амалга оширилади.

«Ставка» устунида божхона тўлови суммасини ҳисоблашда қўлланиладиган божхона тўловларининг белгиланган ставкаси миқдори кўрсатилади.

«Сумма» устунида божхона тўловининг Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида ҳисобланган суммаси кўрсатилади. Агар қонун ҳужжатларига мувофиқ божхона тўловининг хорижий валютада ундирилиши белгиланган бўлса, божхона тўловининг ҳисобланган суммаси Валюталар таснифлагичига мувофиқ валютанинг ҳарfli коди қўйилган ҳолда тегишли хорижий валютада кўрсатилади.

«ТУ» устунда тўлов усулининг икки белгили харфли коди кўрсатилади:

«БН» — банк орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб;

«КТ» — божхона тўловлари суммасини нақд пул билан тўлаш;

«УН» — божхона тўловларини шартли ҳисоблаш;

«ОП» — божхона тўловларини кечиктириб тўлаш имконияти тақдим этилган;

«РП» — божхона тўловларини бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти тақдим этилган;

«ОО» — тўлов амалга оширилмайди.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ декларацияланаётган товарлар учун ставка белгиланмаган ёки ноль ставка белгиланган, ёхуд баён этилаётган божхона режими шартларига кўра ушбу турдаги божхона тўловини тўлаш мажбурияти вужудга келмайдиган божхона тўлови тўғрисидаги маълумотлар графага киритилмайди;

43) 48-графа. «Тўловларни кечиктириш».

Божхона тўловларини кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти тақдим этилганда, графада бундай тўловларни тўлашнинг сўнгги муддати қуйидаги схема бўйича кўрсатилади:

КК.ОО.ЙЙЙЙ, бунда:

КК — кун;

ОО — ой;

ЙЙЙЙ — йил;

44) 49-графа. «Омбор номи».

Агар товарлар илгари божхона омбори ёки эркин омборда сақлашни назарда тутувчи божхона режимларига жойлаштирилган бўлса, графада божхона омбори ёки эркин омборни таъсис этиш учун берилган лицензия рақами ва санаси кўрсатилади.

Агар товарлар божхона омбори мақомига эга бўлмаган жойларга жойлаштирилган бўлса графа тўлдирилмайди;

45) 50-графа. «Ишонч билдирган шахс».

Графада қуйидаги мазмундаги ёзув ёзилади:

«Тақдим этилган маълумотлар учун жавобгар» деб ёзилгандан сўнг мутахассисга БЮДга киритиш учун зарур маълумотларни тақдим этган, юкни жўнатувчи томонидан ишончнома берилган шахснинг ёки товарлар ва транспорт воситаларини божхона чегараси орқали олиб ўтаётган жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими ва телефон рақами кўрсатилади, унинг шахсий имзоси (фақат қоғоз шаклдаги БЮДда) ва сана қўйилади.

Агар ишонч билдирган шахс БЮДни тўлдирган мутахассис бўлса, ушбу мутахассис тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Шунингдек, мазкур графада ташкилот ишонч билдирган шахснинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатнинг рақами, санаси ва амал қилиш муддати кўрсатилади;

46) 54-графа. «Жой ва сана».

Графада 14-графада кўрсатилган шахс номидан БЮДни тақдим этаётган мутахассис ҳақида қуйидаги маълумотлар кўрсатилади (маълумотларнинг ҳар бири янги сатрдан бошланади ва улардан ҳар бирининг олдида тартиб рақами қўйилади):

1 — БЮД тўлдирилган жой;

2 — мутахассиснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, шунингдек электрон почта манзили (мавжуд бўлса);

3 — мутахассиснинг телефон рақами;

4 — агар товарларни декларациялаш божхона брокери томонидан амалга ошириляётган бўлса, божхона брокери ва топшириғига асосан БЮД тақдим этиляётган шахс ўртасидаги битим рақами ва санаси кўрсатилади;

5 — мутахассис томонидан БЮДга берилган рақам қуйидаги тартибда кўрсатилади:

9999/9999/99.99.9999/999999, бунда:

1 2 3 4

1-элемент — мутахассиснинг малака аттестати берилган йил;

2-элемент — малака аттестати рақами;

3-элемент — БЮД тўлдирилган сана;

4-элемент — мутахассис томонидан БЮДга берилган тартиб рақами (жорий йилда ўсиш тартибида, йил якунлангач рақамлаш янгидан бошланади).

Мутахассис томонидан БЮДга берилган рақам қайтарилмаслиги лозим.

БЮДда баён этилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги электрон БЮДда мутахассиснинг ЭРИСИ, қоғоз шаклдаги БЮДда мутахассиснинг имзоси ва мутахассис штатида бўлган божхона брокери ёки декларантнинг муҳри (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланади.

Қоғоз шаклдаги БЮДда бундай тасдиқлаш ҳар бир қўшимча варақнинг «С» графасида ҳам амалга оширилади;

47) «В» графа. «Ҳисоб-китоб тафсилотлари».

Графада Божхона тўловлари таснифлагичига мувофиқ тўлов коди, мазкур код бўйича ушбу БЮД билан декларацияланаётган барча товарларга оид тўловларнинг йиғиндисидан иборат бўлган тўловларнинг умумий суммаси кўрсатилади.

Божхона тўловларидан озод этилган ҳолатда графада қўшимча равишда Божхона тўловлари таснифлагичига мувофиқ тўлов коди, мазкур код бўйича ушбу БЮД билан декларацияланаётган барча товарларга оид тўловларнинг йиғиндисидан иборат бўлган божхона тўловлари бўйича ҳисобланган имтиёзларнинг умумий суммаси кўрсатилади ва «тўланмайди» белгиси қўйилади;

48) «С» графа.

Графада қуйидагилар кўрсатилади (маълумотларнинг ҳар бири янги сатрдан бошланади ва улардан ҳар бирининг олдида тартиб рақами қўйилади):

1 — ташқи савдо контрактининг (шартномасининг, келишувининг) Таш-

қи савдо операциялари ягона электрон ахборот тизимидаги идентификация рақами;

2 — товарлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилган сана. Олиб кирилган сана Ўзбекистон Республикаси чегарасидан ўтиш пунктидаги чегара божхона постида товарнинг кузатув ҳужжатларига қўйиладиган штамп санаси ёки чегара божхона пости томонидан Юкни етказиб беришни назорат қилиш китобчаси ёхуд МДП китобчаси расмийлаштирилган сана бўйича аниқланади.

6-боб. Товарларни реэкспорт божхона режимига жойлаштиришда БЮДни тўлдириш

26. Товарларни реэкспорт божхона режимига жойлаштиришда мутахассис томонидан БЮДнинг қуйидаги графалари тўлдирилади: 1, 2, 3, 5, 7 (пост коди), 8, 9, 11, 12, 13, 14, 17, 17а, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 40, 41, 42, 44, 45, 46, 47, 49, 50, 54, «В», «С».

27. БЮДнинг 1, 2, 3, 5, 7 (пост коди), 8, 9, 11, 12, 13, 14, 17, 17а, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 40, 41, 42, 45, 46, 47, 49, 50, 54, «В» графалари мазкур Йўриқноманинг 22-бандига мувофиқ тўлдирилади.

28. БЮДнинг 44 ва «С» графаларини тўлдирилиши қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

1) 44-графа. «Қўшимча маълумотлар/тақдим этилаётган ҳужжатлар».

Графа мазкур Йўриқноманинг 22-бандига мувофиқ, қуйидаги ўзига хос хусусиятларни инобатга олинган ҳолда тўлдирилади:

графада қўшимча равишда, 830 тартиб рақами остида, божхона органи томонидан товарларни реэкспорт божхона режимига жойлаштиришга берилган рухсатнома рақами ва санаси кўрсатилади (қонун ҳужжатларида рухсатнома олиш талаб этиладиган ҳолатларда);

2) «С» графа.

Графада қуйидагилар кўрсатилади (маълумотларнинг ҳар бири янги сатрдан бошланади ва улардан ҳар бирининг олдида тартиб рақами қўйилади):

1 — ижроси бўйича товар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эркин муомалага чиқариш (импорт) божхона режимига жойлаштирилган ташқи савдо контрактининг (шартномасининг, келишувининг) Ташқи савдо операциялари ягона электрон ахборот тизимидаги идентификация рақами;

2 — товарларни эркин муомалага чиқариш (импорт) ёки божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимларига расмийлаштиришда БЮД рўйхатга олинган сана. Агар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилганда, товар эркин муомалага чиқариш (импорт) ёки божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимларига жойлаштирилмаган бўлса, товарни бошқа

тегишли божхона режимига жойлаштиришда расмийлаштирилган БЮД рўйхатга олинган сана кўрсатилади.

7-боб. Товарларни реимпорт божхона режимига жойлаштиришда БЮДни тўлдириш

29. Товарларни реимпорт божхона режимига жойлаштиришда мутахасис томонидан БЮДнинг қуйидаги графалари тўлдирилади: 1, 2, 3, 5, 7 (пост коди), 8, 9, 11, 12, 13, 14, 15, 15а, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 40, 41, 42, 44, 45, 46, 47, 49, 50, 54, «В», «С».

30. БЮДнинг 1, 2, 3, 5, 7 (пост коди), 8, 9, 11, 12, 13, 14, 15, 15а, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 41, 42, 45, 46, 47, 49, 50, 54, «В» графалари мазкур Йўриқноманинг 25-бандига мувофиқ тўлдирилади.

31. БЮДнинг 40, 44 ва «С» графаларининг тўлдирилиши қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

1) 40-графа. «Умумий декларация/аввалги ҳужжат».

Графада мазкур Йўриқноманинг 25-бандида белгиланган тартибда товарларни Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан олиб чиқишга асос бўлган БЮД тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади;

2) 44-графа. «Қўшимча маълумотлар/тақдим этилаётган ҳужжатлар».

Графа мазкур Йўриқноманинг 25-бандига мувофиқ, қуйидаги ўзига хос хусусиятларни инобатга олинган ҳолда тўлдирилади:

графада қўшимча равишда, 832 тартиб рақами остида, божхона органи томонидан товарни реимпорт божхона режимига жойлаштиришга берилган рухсатнома рақами ва санаси кўрсатилади (қонун ҳужжатларида рухсатнома олиш талаб этиладиган ҳолатларда);

3) «С» графа.

Графада қуйидагилар кўрсатилади (маълумотларнинг ҳар бири янги сатрдан бошланади ва улардан ҳар бирининг олдида тартиб рақами қўйилади):

1 — ижроси бўйича товар Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан олиб чиқилган ташқи савдо контрактининг (шартномасининг, келишувининг) Ташқи савдо операциялари ягона электрон ахборот тизимидаги идентификация рақами;

2 — товарлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилган сана. Олиб кирилган сана Ўзбекистон Республикаси чегарасидан ўтиш пунктидаги чегара божхона постида товарнинг кузатув ҳужжатларига қўйиладиган штамп санаси ёки чегара божхона пости томонидан Юкни етказиб беришни назорат қилиш китобчаси ёхуд МДП китобчаси расмийлаштирилган сана бўйича аниқланади.

8-боб. Товарларни вақтинчалик олиб кириш божхона режимига жойлаштиришда ва илгари вақтинчалик олиб кириш божхона режимига жойлаштирилган товарларни қайтариб олиб чиқишда БЮДни тўлдириш

1-§. Товарларни вақтинчалик олиб кириш божхона режимига жойлаштиришда БЮДни тўлдириш

32. Товарларни вақтинчалик олиб кириш божхона режимига жойлаштиришда мутахассис томонидан БЮДнинг қуйидаги графалари тўлдирилади: 1, 2, 3, 5, 7 (пост коди), 8, 9, 11, 12, 13, 14, 15, 15а, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 40, 41, 42, 44, 45, 46, 47, 49, 50, 54, «В», «С».

33. БЮДнинг 1, 2, 3, 5, 7 (пост коди), 8, 11, 12, 13, 14, 15, 15а, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 37, 38, 40, 41, 42, 43, 45, 46, 49, 54, «В», «С» графалари мазкур Йўриқноманинг 25-бандига мувофиқ тўлдирилади.

34. БЮДнинг 9, 36, 44, 47 ва 50-графаларининг тўлдирилиши қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

1) 9-графа. «Молиявий тартибга солиш учун жавобгар шахс».

Графада товарларни олиб ўтаётган (товарларни вақтинчалик олиб кириш учун рухсатнома олган) шахс тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади. Графа мазкур Йўриқноманинг 25-бандига белгиланган тартиб асосида тўлдирилади;

2) 36-графа. «Преференция».

Божхона тўловларини тўлашдан қисман озод этилган тақдирда графада тегишли позицияларда «0» қўйилади.

Божхона тўловлари тўлашдан тўлиқ озод этилганда графа мазкур Йўриқноманинг 25-бандига мувофиқ тўлдирилади;

3) 44-графа. «Қўшимча маълумотлар/тақдим этилаётган ҳужжатлар».

Графа мазкур Йўриқноманинг 25-бандида белгиланган 44-графани тўлдириш тартибига мувофиқ, қуйидаги ўзига хос хусусиятларни инобатга олган ҳолда тўлдирилади:

303 тартиб рақами остида ижарага олинган товарлар вақтинчалик олиб кирилганда БЮДда ижара шартномаси тўғрисидаги маълумотлар (рақами, тузилган санаси ва амал қилиш муддати) кўрсатилади;

4) 47-графа. «Божхона тўловларининг ҳисоби».

Графа мазкур Йўриқноманинг 25-бандида белгиланган 47-графани тўлдириш тартибига мувофиқ, қуйидаги ўзига хос хусусиятларни инобатга олган ҳолда тўлдирилади:

божхона божлари ва солиқлар суммасини ҳисоблаб чиқишда «ТУ» (тўлов усули) графасининг бешинчи устунида «УН» (божхона тўловларининг шартли ҳисобланиши) ҳарфли коди қўйилади;

5) 50-графа. «Ишонч билдирган шахс».

Графа мазкур Йўриқноманинг 25-бандида белгиланган 50-графани тўлдириш тартибига мувофиқ, қуйидаги ўзига хос хусусиятларни инобатга олган ҳолда тўлдирилади:

графада қўшимча равишда вақтинчалик олиб кириш божхона режимига қўйилган товарлар қайтариб олиб чиқиб кетилиши ёхуд бошқа божхона режимига ўтказилиши керак бўлган муддат қуйидаги шаклда кўрсатилади: «20__» «__» «_____» гача товарларни қайтариб олиб чиқиб кетиш ёхуд бошқа божхона режимига ўтказиш мажбуриятини оламан».

**2-§. Аввал вақтинчалик олиб кириш божхона режимига
жойлаштирилган товарларни қайтариб олиб чиқиб
кетишда БЮДни тўлдириш**

35. Аввал вақтинчалик олиб кириш божхона режимига жойлаштирилган товарларни қайтариб олиб чиқиб кетиш реэкспорт божхона режимига мувофиқ амалга оширилади. Бунда мутахассис томонидан БЮД графалари мазкур Йўриқноманинг 6-бобида белгиланган тартибда тўлдирилади.

**9-боб. Товарларни вақтинчалик олиб чиқиш божхона
режимига жойлаштиришда ва илгари вақтинчалик олиб
чиқиш божхона режимига жойлаштирилган товарларни
қайтариб олиб киришда БЮДни тўлдириш**

**1-§. Товарларни вақтинчалик олиб чиқиш божхона
режимига жойлаштиришда БЮДни тўлдириш**

36. Товарларни вақтинчалик олиб чиқиш божхона режимига жойлаштиришда мутахассис томонидан БЮДнинг қуйидаги графалари тўлдирилади: 1, 2, 3, 5, 7 (пост коди), 8, 9, 11, 12, 13, 14, 17, 17а, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 40, 41, 42, 43, 44, 45, 46, 47, 49, 50, 54, «В», «С».

37. БЮДнинг 1, 2, 3, 5, 7 (пост коди), 8, 11, 12, 13, 14, 17, 17а, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 38, 40, 41, 42, 43, 45, 46, 49, 54, «В», «С» графалари мазкур Йўриқноманинг 22-бандига мувофиқ тўлдирилади.

38. БЮДнинг 9, 36, 44, 47 ва 50-графаларининг тўлдирилиши қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

1) 9-графа. «Молиявий тартибга солиш учун жавобгар шахс».

Графада товарларни олиб ўтаётган (товарларни вақтинчалик олиб чиқиш учун рухсатнома олган) шахс тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади. Графа мазкур Йўриқноманинг 22-бандида белгиланган тартибда тўлдирилади;

2) 36-графа. «Преференция».

Божхона тўловларини тўлашдан қисман озод этилган тақдирда графада тегишли позицияларда «0» қўйилади.

Божхона тўловлари тўлашдан тўлиқ озод этилганда графа мазкур Йўриқноманинг 22-бандига мувофиқ тўлдирилади;

3) 44-графа. «Қўшимча маълумотлар/тақдим этилаётган ҳужжатлар».

Графа мазкур Йўриқноманинг 22-бандида белгиланган 44-графани тўлдириш тартибига мувофиқ, қуйидаги ўзига хос хусусиятларни инобатга олган ҳолда тўлдирилади:

303 тартиб рақами остида ижарага олинган товарлар вақтинчалик олиб чиқилганда БЮДда ижара шартномаси тўғрисидаги маълумотлар (рақами, тузилган санаси ва амал қилиш муддати) кўрсатилади;

4) 47-графа. «Божхона тўловларининг ҳисоби».

Божхона божлари ва солиқлар суммасини ҳисоблаб чиқишда «ТУ» (тўлов усули) графасининг бешинчи устунида «УН» (божхона тўловларининг шартли ҳисобланиши) ҳарfli коди қўйилади;

5) 50-графа. «Ишонч билдирган шахс».

Графа мазкур Йўриқноманинг 22-бандида белгиланган 50-графани тўлдириш тартибига мувофиқ, қуйидаги ўзига хос хусусиятларни инобатга олган ҳолда тўлдирилади:

графада қўшимча равишда вақтинчалик олиб чиқиш божхона режимига қўйилган товарлар қайтариб олиб кирилиши ёхуд бошқа божхона режимига ўтказилиши керак бўлган муддат қуйидаги шаклда кўрсатилади: «20__» «__» «_____» гача товарларни қайтариб олиб кириш ёхуд бошқа божхона режимига ўтказиш мажбуриятини оламан».

2-§. Аввал вақтинчалик олиб чиқиш божхона режимига жойлаштирилган товарларни қайтариб олиб киришда БЮДни тўлдириш

39. Аввал вақтинчалик олиб чиқиш божхона режимига жойлаштирилган товарларни қайтариб олиб кириш реимпорт божхона режимига мувофиқ амалга оширилади. Бунда мутахассис томонидан БЮД графалари мазкур Йўриқноманинг 7-бобида белгиланган тартибда тўлдирилади.

10-боб. Товарларни вақтинчалик сақлаш божхона режимига жойлаштиришда БЮДни тўлдириш

40. Товарларни вақтинчалик сақлаш божхона режимига жойлаштиришда мутахассис томонидан БЮДнинг қуйидаги графалари тўлдирилади: 1, 2, 3, 5, 7 (пост коди), 8, 13, 14, 15, 15а, 18, 19, 21, 22, 23, 25, 26, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 35, 37, 38, 40, 41, 42, 44, 46, 47, 49, 50, 54, «В», «С».

41. БЮДнинг 1, 2, 3, 5, 7 (пост коди), 8, 13, 14, 15, 15а, 18, 19, 21, 22,

23, 25, 26, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 35, 37, 38, 40, 41, 42, 47, 54, «В» графалари мазкур Йўриқноманинг 25-бандига мувофиқ тўлдирилади.

42. БЮДнинг 44, 46, 49, 50 ва «С» графаларининг тўлдирилиши қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

1) 44-графа. «Қўшимча маълумотлар/тақдим этилаётган ҳужжатлар».

Графада, мазкур Йўриқноманинг 25-бандида белгиланган 44-графани тўлдириш тартибига мувофиқ, қуйидагилар кўрсатилади (маълумотларнинг ҳар бири янги сатрдан бошланади):

товарнинг кузатув ҳужжатларининг рақамлари (рўйхат рақамлари);

товарларни божхона омборига жойлаштираётган шахс билан омбор эгаси ўртасидаги битим рақами ва санаси;

божхона расмийлаштируви учун зарур бўлган бошқа ҳужжатлар ва маълумотлар (божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисидаги баённомалар ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар);

2) 46-графа. «Статистик қиймат».

Графада товарнинг статистик қиймати кўрсатилади. Статистик қиймат сифатида 42-графада кўрсатилган ва минг АҚШ долларига келтирилган товарнинг фактура қиймати қабул қилинади.

Статистик қиймат математик коидаларга кўра вергулдан сўнг уч белгигача аниқликда яхлитланади.

Статистик қийматини ҳисоблашда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган, БЮД божхона расмийлаштируви учун қабул қилинган кунда амалда бўлган курсдан фойдаланилади;

3) 49-графа. «Омбор номи».

Графада божхона омборини таъсис этиш учун берилган лицензия рақами ва санаси кўрсатилади;

4) 50-графа. «Ишонч билдирган шахс».

Графа мазкур Йўриқноманинг 25-бандида белгиланган 50-графани тўлдириш тартибига мувофиқ, қуйидаги ўзига хос хусусиятларни инобатга олган ҳолда тўлдирилади:

графада қўшимча равишда қуйидаги мазмундаги ёзув кўрсатилади: «Товарларни ХХ.ХХ.ХХХХ га қадар бошқа божхона режимига жойлаштириш учун божхона органларига мурожаат қилиш мажбуриятини оламан», бунда ХХ.ХХ.ХХХХ тегишлича кун, ой ва йилни англатади;

5) «С» графа.

Графада 2 рақами остида товарлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилган сана кўрсатилади. Олиб кирилган сана Ўзбекистон Республикаси чегарасидан ўтиш пунктидаги чегара божхона постида товарнинг кузатув ҳужжатларига қўйиладиган штамп санаси ёки чегара божхона пости томонидан Юкни етказиб беришни назорат қилиш китобчаси ёхуд МДП китобчаси расмийлаштирилган сана бўйича аниқланади.

11-боб. Товарларни божхона омбори режимига жойлаштиришда БЮДни тўлдириш

43. Товарларни божхона омбори божхона режимига жойлаштиришда мутахассис томонидан БЮДнинг қуйидаги графалари тўлдирилади: 1, 2, 3, 5, 7 (пост коди), 8, 12, 13, 14, 15, 15а, 17, 17а, 18, 19, 21, 22, 23, 25, 26, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 35, 36, 37, 38, 40, 41, 42, 44, 45, 46, 47, 49, 50, 54, «В» ва «С».

44. БЮДнинг 1, 2, 3, 5, 7 (пост коди), 8, 12, 13, 14, 15, 15а, 17, 17а, 18, 19, 21, 22, 23, 25, 26, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 35, 36, 37, 38, 40, 41, 42, 47, 54, «В» графалари товарларни олиб чиқишда мазкур Йўриқноманинг 22-бандига, олиб киришда — 25-бандига мувофиқ тўлдирилади.

Бунда, Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кирилаётган товарлар бўйича БЮДнинг 15 ва 15а, Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан олиб чиқиладиган товарлар бўйича — 17 ва 17а графалари тўлдирилади.

45. БЮДнинг 44, 45, 46, 49, 50 ва «С» графаларини тўлдирилиши қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

1) 44-графа. «Қўшимча маълумотлар / тақдим этилаётган ҳужжатлар».

Графа товарларни олиб чиқишда мазкур Йўриқноманинг 22-бандига, олиб киришда — 25-бандига белгиланган тартибда тўлдирилади.

Графада қуйидагилар кўрсатилади (маълумотларнинг ҳар бири янги сатрдан бошланади):

товарнинг кузатув ҳужжатларининг рақамлари (рўйхат рақамлари);

товарларни божхона омборига жойлаштираётган шахс билан божхона омбори эгаси ўртасидаги битим рақами ва санаси;

божхона расмийлаштируви учун зарур бўлган бошқа ҳужжатлар ва маълумотлар (божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисидаги баённомалар, товарларни божхона омбори мақомига эга бўлмаган бинолар ва (ёки) очиқ майдонларга жойлаштирилганда ваколатли шахснинг аризаси ва божхона тўловлари тўланиши таъминланишини тасдиқловчи ҳужжат номи, рақами, санаси, суммаси ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар);

2) 45-графа. «Божхона қиймати».

Графада товарнинг ташқи савдо контракти (шартномаси, келишуви) валютасидаги божхона қиймати кўрсатилади. Ташқи савдо контракти (шартномаси, келишуви) бўлмаган ҳолатларда товарнинг божхона қиймати товарнинг кузатув ҳужжатларида кўрсатилган валютада келтирилади.

Божхона қиймати сифатида 42-графада кўрсатилган товарнинг фактура қиймати қабул қилинади;

3) 46-графа. «Статистик қиймат».

Графада товарнинг статистик қиймати кўрсатилади. Статистик қиймат сифатида 42-графада кўрсатилган ва минг АҚШ долларида келтирилган товарнинг фактура қиймати қабул қилинади.

Статистик қиймат математик коидаларга кўра вергулдан сўнг уч белгига аниқликда яхлитланади.

Статистик қийматини ҳисоблашда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган, БЮД божхона расмийлаштируви учун қабул қилинган кунда амалда бўлган курсдан фойдаланилади;

4) 49-графа. «Омбор номи».

Графада божхона омборини таъсис этиш учун берилган лицензия рақами ва санаси кўрсатилади.

Агар товарлар божхона омбори мақомига эга бўлмаган жойларга жойлаштирилаётган бўлса ушбу графа тўлдирилмайди;

5) 50-графа. «Ишонч билдирган шахс».

Графа товарларни олиб чиқишда мазкур Йўриқноманинг 22-бандига, олиб киришда 25-бандига мувофиқ, қуйидаги ўзига хос хусусиятларни инobatга олган ҳолда тўлдирилади:

графада қўшимча равишда қуйидаги мазмундаги ёзув кўрсатилади: «Товарларни ХХ.ХХ.ХХХХга қадар бошқа божхона режимига жойлаштириш учун божхона органларига мурожаат қилиш мажбуриятини оламан», бунда ХХ.ХХ.ХХХХ тегишлича кун, ой ва йилни англатади;

6) «С» графа.

Графада 2 рақами остида товарлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилган сана кўрсатилади. Олиб кирилган сана Ўзбекистон Республикаси чегарасидан ўтиш пунктидаги чегара божхона постида товарнинг кузатув ҳужжатларига қўйиладиган штамп санаси ёки чегара божхона пости томонидан Юкни етказиб беришни назорат қилиш китобчаси ёхуд МДП китобчаси расмийлаштирилган сана бўйича аниқланади.

12-боб. Товарларни эркин божхона зонаси божхона режимига жойлаштиришда БЮДни тўлдириш

1-§. Ўзбекистон товарларини эркин божхона зонаси божхона режимига жойлаштиришда БЮДни тўлдириш

46. Ўзбекистон товарларини эркин божхона зонаси божхона режимига жойлаштиришда мутахассис томонидан БЮДнинг қуйидаги графалари тўлдирилади: 1, 2, 3, 5, 7 (пост коди), 8, 9, 11, 12, 13, 14, 17, 17а, 18, 19, 20, 22, 23, 24, 26, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 40, 41, 42, 43, 44, 45, 46, 47, 48, 49, 50, 54, «В» ва «С».

47. БЮДнинг 2, 3, 5, 7 (пост коди), 9, 11, 12, 13, 14, 18, 19, 20, 22, 23, 24, 26, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 40, 41, 42, 44, 45, 46, 47, 48, 49, 50, 54, «В» ва «С» графалари мазкур Йўриқноманинг 22-бандига, 8-графа эса 25-бандига мувофиқ тўлдирилади.

48. БЮДнинг 1, 17, 17а ва 43-графаларининг тўлдирилиши қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

1) 1-графа. «Декларация тури».

Графанинг биринчи бўлмасида товарни олиб ўтиш йўналиши кўрсатилади — «ЭК».

Графанинг иккинчи бўлмасида Эркин божхона зонаси божхона режимининг икки рақамли коди кўрсатилади — «71».

Товарлар электрон шаклда декларацияланганда графанинг учинчи бўлмасида «ЭД» ёзуви кўрсатилади. Товарлар қоғоз шаклда декларацияланганда ушбу бўлма тўлдирилмайди;

2) 17-графа. «Келиб тушадиган мамлакат».

Графада «Ўзбекистон» ёзуви кўрсатилади;

3) 17а-графа. «Келиб тушадиган мамлакат коди».

Графада Дунё мамлакатлари таснифлагичига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг рақамли коди кўрсатилади;

4) 43-графа.

Графада куйидагилар кўрсатилади:

«0» — агар 8-графада кўрсатилган юкни қабул қилувчи томонидан ўз эҳтиёжи учун мўлжалланмаган товар декларацияланаётган бўлса;

«1» — агар 8-графада кўрсатилган юкни қабул қилувчи томонидан ўз эҳтиёжи учун мўлжалланган товар декларацияланаётган бўлса.

2-§. Чет эл товарларини эркин божхона зонаси божхона режимига жойлаштиришда БЮДни тўлдириш

49. Чет эл товарларини эркин божхона зонаси божхона режимига жойлаштиришда мутахассис томонидан БЮДнинг куйидаги графалари тўлдирилади: 1, 2, 3, 5, 7 (пост коди), 8, 9, 11, 12, 13, 14, 15, 15а, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 40, 41, 42, 43, 44, 45, 46, 47, 48, 49, 50, 54, «В», «С».

50. БЮДнинг 2, 3, 5, 7 (пост коди), 8, 9, 11, 12, 13, 14, 15, 15а, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 40, 41, 42, 44, 45, 46, 47, 48, 49, 50, 54, «В», «С» графалари мазкур Йўриқнома-нинг 25-бандига мувофиқ тўлдирилади.

51. БЮДнинг 1, 43-графаларини тўлдириш куйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

1) 1-графа. «Декларация тури».

Графанинг биринчи бўлмасида товарларни олиб ўтиш йўналиши кўрсатилади — «ИМ».

Графанинг иккинчи бўлмасида эркин божхона зонаси божхона режимининг икки рақамли коди кўрсатилади — «71».

Товарлар электрон шаклда декларацияланганда графанинг учинчи бўлмасида «ЭД» ёзуви кўрсатилади. Товарлар қоғоз шаклда декларацияланганда ушбу бўлма тўлдирилмайди;

2) 43-графа.

Графада куйидагилар кўрсатилади:

«0» — агар 8-графада кўрсатилган юкни қабул қилувчи томонидан ўз эҳтиёжи учун мўлжалланмаган товар декларацияланаётган бўлса;

«1» — агар 8-графада кўрсатилган юкни қабул қилувчи томонидан ўз эҳтиёжи учун мўлжалланган товар декларацияланаётган бўлса.

3-§. Аввал эркин божхона зонаси божхона режимига жойлаштирилган товарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига олиб чиқишда БЮДни тўлдириш

52. Аввал эркин божхона зонаси божхона режимига жойлаштирилган товарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига олиб чиқиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

чет эл товарларини олиб чиқиш — реэкспорт божхона режимда, мазкур Йўриқноманинг 6-бобига мувофиқ тўлдирилган БЮДни тақдим этган ҳолда;

Ўзбекистон товарларни олиб чиқиш — экспорт божхона режимда, мазкур Йўриқноманинг 4-бобига мувофиқ тўлдирилган БЮДни тақдим этган ҳолда.

4-§. Аввал эркин божхона зонаси божхона режимига жойлаштирилган товарларни Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб киришда БЮДни тўлдириш

53. Аввал эркин божхона зонаси божхона режимига жойлаштирилган Ўзбекистон товарларини Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига ўзгармаган ҳолда олиб кириш реимпорт божхона режимда, мазкур Йўриқноманинг 7-бобига мувофиқ тўлдирилган БЮДни тақдим этган ҳолда амалга оширилади.

54. Аввал эркин божхона зонаси божхона режимига жойлаштирилган чет эл товарларини ўзгармаган ҳолда ҳамда эркин божхона зонаси ҳудудида ишлаб чиқарилган товарларни Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кириш декларант томонидан танланган божхона режимда, мазкур Йўриқномага мувофиқ тўлдирилган БЮДни тақдим этган ҳолда амалга оширилади.

55. Аввал эркин божхона зонаси божхона режимига жойлаштирилган товарларни Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб киришда БЮДнинг 2, 15, 15а-графаларининг тўлдирилиши қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

1) 2-графа. «Экспортчи/юкни жўнатувчи».

Графада мазкур Йўриқноманинг 22-бандига мувофиқ товарни жўнатаётган шахс (эркин божхона зонаси резиденти) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади;

2) 15-графа. «Жўнатувчи мамлакат».

Графада жўнатувчи мамлакат сифатида «Ўзбекистон» кўрсатилади.

3) 15а-графа. «Жўнатувчи мамлакат коди».

Графада Дунё мамлакатлари таснифлагичига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг рақамли коди кўрсатилади.

56. «Навой» эркин индустриал-иктисодий зонасида товарларни декларациялашда БЮД, ушбу Йўриқнома талабларини инобатга олган ҳолда, «Навой» эркин индустриал-иктисодий зонасида товарларни расмийлаштиришда божхона юк декларациясини тўлдириш қоидаларига (рўйхат рақами № 2154, 2010 йил 12 ноябрь) мувофиқ тўлдирилади.

13-боб. Эркин омбор божхона режимига жойлаштирилаётган товарларни расмийлаштиришда БЮДни тўлдириш

1-§. Ўзбекистон товарларини эркин омбор божхона режимига расмийлаштиришда БЮДни тўлдириш

57. Ўзбекистон товарларини эркин омбор божхона режимига расмийлаштиришда мутахассис томонидан БЮДнинг қуйидаги графалари тўлдирилади: 1, 2, 3, 5, 7 (пост коди) 8, 9, 11, 12, 13, 14, 17, 17а, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 35, 36, 37, 38, 39, 40, 41, 42, 43, 44, 45, 46, 47, 49, 50, 54, «В», «С».

58. БЮДнинг 1, 2, 3, 5, 7 (пост коди) 8, 11, 12, 13, 14, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 35, 36, 37, 38, 39, 40, 41, 42, 43, 46, 47, 49, 54, «В», «С» графалари мазкур Йўриқноманинг 22-бандига мувофиқ тўлдирилади.

59. БЮДнинг 9, 17, 17а, 44, 45, 50-графаларининг тўлдирилиши қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

1) 9-графа. «Молиявий тартибга солиш учун жавобгар шахс».

Графада, мазкур Йўриқноманинг 22-бандида белгиланган тартибда, товарларни эркин омборга жойлаштирган шахс тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади;

2) 17-графа. «Келиб тушадиган мамлакат».

Графада «Ўзбекистон» ёзуви кўрсатилади.

3) 17а-графа. «Келиб тушадиган мамлакат коди».

Графада Дунё мамлакатлари таснифлагичига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг рақамли коди кўрсатилади.

4) 44-графа. «Қўшимча маълумотлар/тақдим этилаётган ҳужжатлар».

Графа мазкур Йўриқноманинг 22-бандига мувофиқ, қуйидаги ўзига хос хусусиятларни инобатга олган ҳолда тўлдирилади:

графада қўшимча равишда, 810 тартиб рақами остида, товарларни эркин омборга жойлаштираётган шахс ва эркин омбор эгаси ўртасидаги битим рақами ва санаси кўрсатилади;

5) 45-графа. «Божхона қиймати».

Графада мазкур Йўриқноманинг 22-бандига мувофиқ товарларнинг божхона қиймати ташқи савдо контракти (шартномаси, келишуви) валютасида кўрсатилади. Ташқи савдо контракти (шартномаси, келишуви) бўлмаган ҳолатларда товарнинг божхона қиймати товарнинг кузатув ҳужжатларида кўрсатилган валютада келтирилади.

Божхона қиймати БЮДни тақдим этиш вақтида мутахассисда мавжуд хужжатлар ва маълумотлар асосида аниқланади.

БЮДни тақдим этиш вақтида товарнинг божхона қийматини аниқлаш учун зарур хужжатлар ва маълумотлар мавжуд бўлмаса, божхона қиймати сифатида 42-графада кўрсатилган товарнинг фактура қиймати қабул қилинади;

6) 50-графа. «Ишонч билдирган шахс».

Графа мазкур Йўриқноманинг 22-бандига мувофиқ қуйидаги хусусиятларни инобатга олган ҳолда тўлдирилади.

Эркин омбор божхона режимига жойлаштирилаётган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига экспорт божхона режимда олиб чиқиб кетишга мўлжалланган товарларини расмийлаштиришда ушбу графага киритиладиган маълумотларга қўшимча равишда товарлар эркин омбордан олиб чиқиб кетилиши лозим бўлган сана ҳам кўрсатилади.

2-§. Эркин омбор божхона режимига жойлаштириладиган чет эл товарларни расмийлаштиришда БЮДни тўлдириш

60. Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ташқарисидан олиб кирилиб, эркин омбор божхона режимига жойлаштириладиган товарларни расмийлаштиришда мутахассис томонидан БЮДнинг қуйидаги графалари тўлдирилади: 1, 2, 3, 5, 7 (пост коди), 8, 9, 11, 12, 13, 14, 15, 15а, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 40, 41, 42, 43, 44, 45, 46, 47, 49, 50, 54, «В», «С».

61. БЮДнинг 1, 2, 3, 5, 7 (пост коди), 8, 9, 11, 12, 13, 14, 15, 15а, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 40, 41, 42, 43, 47, 50, 54, «В», «С» графалари мазкур Йўриқноманинг 25-бандига мувофиқ тўлдирилади.

62. БЮДнинг 44, 45, 46 ва 49-графаларининг тўлдирилиши қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

1) 44-графа. «Қўшимча маълумотлар/тақдим этилаётган хужжатлар».

Графа мазкур Йўриқноманинг 25-бандига мувофиқ, қуйидаги ўзига хос хусусиятларни инобатга олган ҳолда тўлдирилади:

графада қўшимча равишда, 810 тартиб рақами остида, товарларни эркин омборга жойлаштираётган шахс ва эркин омбор эгаси ўртасидаги битим рақами ва санаси кўрсатилади;

2) 45-графа. «Божхона қиймати».

Графада мазкур Йўриқноманинг 25-бандига мувофиқ товарларнинг божхона қиймати ташқи савдо контракти (шартномаси, келишуви) валютасида кўрсатилади. Ташқи савдо контракти (шартномаси, келишуви) бўлмаган ҳолатларда товарнинг божхона қиймати товарнинг кузатув хужжатларида кўрсатилган валютада келтирилади.

Божхона қиймати БЮДни тақдим этиш вақтида мутахассисда мавжуд хужжатлар ва маълумотлар асосида аниқланади.

БЮДни тақдим этиш вақтида товарнинг божхона қийматини аниқлаш учун зарур хужжатлар ва маълумотлар мавжуд бўлмаса, божхона қиймати сифатида товарнинг 42-графада кўрсатилган фактура қиймати қабул қилинади;

3) 46-графа. «Статистик қиймат».

Графада, мазкур Йўриқноманинг 25-бандига мувофиқ, БЮДни тақдим этиш вақтида мутахассис ихтиёрида мавжуд хужжатлар ва маълумотлар асосида товарнинг статистик қиймати кўрсатилади.

БЮДни тақдим этиш вақтида товарнинг статистик қийматини аниқлаш учун зарур хужжатлар ва маълумотлар мавжуд бўлмаса, статистик қиймат сифатида 42-графада кўрсатилган ва минг АҚШ долларига келтирилган товарнинг фактура қиймати қабул қилинади.

Статистик қиймат математик қоидаларга кўра вергулдан сўнг уч белгига аниқликда яхлитланади.

Статистик қийматни ҳисоблашда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган, БЮД божхона расмийлаштируви учун қабул қилинган кунда амалда бўлган курсдан фойдаланилади;

4) 49-графа. «Омбор номи».

Графада эркин омборни таъсис этиш учун берилган лицензия рақами ва санаси кўрсатилади.

3-§. Эркин омбордан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига олиб чиқилаётган товарларни расмийлаштиришда БЮДни тўлдириш

63. Эркин омбордан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига олиб чиқиладиган товарларни расмийлаштириш қуйидагича амалга оширилади: чет эл товарларини олиб чиқиш — реэкспорт божхона режимида, мазкур Йўриқноманинг 6-бобига мувофиқ тўлдирилган БЮДни тақдим этган ҳолда;

Ўзбекистон товарларни олиб чиқиш — экспорт божхона режимида, мазкур Йўриқноманинг 4-бобига мувофиқ тўлдирилган БЮДни тақдим этган ҳолда.

4-§. Эркин омбордан Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кирилаётган товарларни расмийлаштиришда БЮДни тўлдириш

64. Эркин омбордан Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кирилаётган товарларни расмийлаштириш қуйидагича амалга оширилади: чет эл товарларини олиб кириш — эркин муомалага чиқариш (импорт) божхона режимида, мазкур Йўриқноманинг 5-бобига мувофиқ тўлдирилган БЮДни тақдим этган ҳолда;

Ўзбекистон товарларини олиб кириш — реимпорт божхона режимида,

мазкур Йўриқноманинг 7-бобига мувофиқ тўлдирилган БЮДни тақдим этган ҳолда.

65. Бунда Ўзбекистон товарларини реимпорт божхона режимига мувофиқ олиб киришда БЮДнинг 15 ва 15а-графаларининг тўлдирилиши қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

1) 15-графа. «Жўнатувчи мамлакат».

Мазкур графада «Ўзбекистон» кўрсатилади.

2) 15а-графа. «Жўнатувчи мамлакат коди».

Графада Дунё мамлакатлари таснифлагичига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг рақамли коди кўрсатилади.

14-боб. Бож олинмайдиган савдо божхона режимига жойлаштирилаётган товарларни декларациялашда БЮДни тўлдириш

66. Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кирилган ёки ушбу ҳудудга олиб кирилиб бошқа божхона режимига жойлаштирилган (эркин муомалага чиқариш (импорт) божхона режими бундан мустасно) товарларни бож олинмайдиган савдо божхона режимига жойлаштиришда мутахассис томонидан БЮДнинг қуйидаги графалари тўлдирилади: 1, 2, 3, 5, 7 (пост коди), 8, 9, 11, 12, 13, 14, 15, 15а, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 40, 41, 42, 44, 45, 46, 47, 49, 50, 54, «В», «С».

Бунда БЮДнинг 1, 3, 5, 7 (пост коди), 9, 11, 12, 13, 14, 15, 15а, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 40, 41, 42, 44, 45, 46, 47, 50, 54, «В», «С» графалари мазкур Йўриқноманинг 25-бандига мувофиқ тўлдирилади.

67. Ўзбекистон товарларини бож олинмайдиган савдо божхона режимига жойлаштиришда мутахассис томонидан БЮДнинг қуйидаги графалари тўлдирилади: 1, 2, 3, 5, 7 (пост коди), 8, 11, 12, 13, 14, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 40, 41, 42, 44, 45, 46, 47, 49, 50, 54, В.

Бунда БЮДнинг 1, 3, 5, 7 (пост коди), 11, 12, 13, 14, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 40, 41, 42, 44, 45, 46, 47, 50, 54, В мазкур Йўриқноманинг 22-бандига мувофиқ тўлдирилади.

68. БЮДнинг 2, 8, 49-графаларининг тўлдирилиши қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

1) 2-графа. «Экспортчи/юкни жўнатувчи».

Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кирилган ёки ушбу ҳудудга олиб кирилиб бошқа божхона режимига жойлаштирилган (эркин муомалага чиқариш (импорт) божхона режими бундан мустасно) товарлар бўйича ушбу графа мазкур Йўриқноманинг 25-бандига мувофиқ тўлдирилади.

Ўзбекистон товарларини бож олинмайдиган савдо божхона режимига жойлаштиришда графада мазкур Йўриқноманинг 22-бандида белгиланган

тартибда товарларни бож олинмайдиган савдо дўкони эгасига етказиб берган шахс тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади;

2) 8-графа. «Импорти/юкни қабул қилувчи».

Ушбу графада мазкур Йўриқноманинг 25-бандида белгиланган тартибда бож олинмайдиган савдо дўкони эгаси тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади;

3) 49-графа. «Омбор номи».

Мазкур графада бож олинмайдиган савдо дўкони фаолиятини амалга ошириш учун лицензия рақами ва санаси кўрсатилади.

15-боб. Товарларни божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлашда ва товарларни қайта ишлашдан сўнг қайтариб олиб киришда БЮДни тўлдириш

1-§. Товарларни божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлашда БЮДни тўлдириш

69. Товарларни божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш божхона режимига жойлаштиришда мутахассис томонидан БЮДнинг қуйидаги графалари тўлдирилади: 1, 2, 3, 5, 7 (пост коди), 8, 9, 11, 12, 13, 14, 17, 17а, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 39, 40, 41, 42, 43, 44, 45, 46, 47, 48, 49, 50, 54, «В», «С».

70. БЮДнинг 1, 2, 3, 5, 7 (пост коди), 8, 9, 11, 12, 13, 14, 17, 17а, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 39, 40, 41, 43, 46, 48, 49, 54, «В» ва «С» графалари мазкур Йўриқноманинг 22-бандига мувофиқ тўлдирилади.

71. БЮДнинг 42, 44, 45, 47, 50-графаларининг тўлдирилиши қуйидаги ўзига хос хусусиятлар эга:

1) 42-графа. «Товарнинг фактура қиймати».

Графада ташқи савдо контракти (шартномаси, келишуви) валютасида 31-графада декларацияланаётган товарни қайта ишлаш бўйича хизматлар қиймати кўрсатилади.

Беғараз асосда қайта ишлашда графада «0» кўрсатилади.

Товарни қайта ишлаш бўйича хизматлар қиймати математик қоидаларга кўра вергулдан кейинги икки белгигача аниқликда яхлитланади;

2) 44-графа. «Қўшимча маълумотлар/тақдим этилаётган ҳужжатлар».

Графа мазкур Йўриқноманинг 22-бандига мувофиқ, қуйидаги ўзига хос хусусиятларни инобатга олган ҳолда тўлдирилади:

графада қўшимча равишда, 835 тартиб рақами остида, божхона органи томонидан қайта ишлашга берилган рухсатнома рақами ва санаси ҳамда қайта ишлаш учун белгиланган муддат кўрсатилади;

3) 45-графа. «Божхона қиймати».

Графанинг ўнг бўлмасида ташқи савдо контракти (шартномаси, кели-

шуви) валютасида 31-графада декларацияланаётган товарнинг божхона қиймати кўрсатилади. Божхона қиймати Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 19 сентябрдаги 198-сон «Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан олиб чиқиладиган товарларнинг божхона қийматини аниқлаш ва декларациялаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қароридан белгиланган товарларнинг божхона қийматини аниқлаш усуллари мувофиқ ҳисобланади.

Божхона қиймати математик қоидаларга кўра вергулдан кейинги икки белгигача аниқликда яхлитланади;

4) 47-графа. «Божхона тўловларининг ҳисоби».

Графа мазкур Йўриқноманинг 22-бандига мувофиқ, қуйидаги ўзига хос хусусиятларни инобатга олинган ҳолда тўлдирилади:

божхона расмийлаштируви учун йиғимнинг ҳисоблаш асоси қайта ишлаш учун хизматлар қийматидан ҳисобланади. Ҳисоблаш учун асосни аниқлашда қайта ишлаш хизматлари қийматини Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида қайта ҳисоблаш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган, БЮД расмийлаштирув учун қабул қилинган кундаги курс бўйича амалга оширилади;

5) 50-графа. «Ишонч билдирган шахс».

Графа мазкур Йўриқноманинг 22-бандига мувофиқ, қуйидаги ўзига хос хусусиятларни инобатга олган ҳолда тўлдирилади:

графада кўшимча равишда қуйидаги мазмундаги ёзув амалга оширилади: «Товарни қайта ишлаш муддати яқунлангач уни бошқа божхона режимида жойлаштириш учун ХХ.ХХ.ХХХХ га қадар божхона органларига мурожаат қилиш мажбуриятини оламан», бу ерда ХХ.ХХ.ХХХХ тегишлича кун, ой ва йилни англатади.

2-§. Товарларни божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлагандан сўнг қайтариб олиб киришда БЮДни тўлдириш

72. Божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш божхона режимидан сўнг қайта ишлаш маҳсулотларини ҳамда божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш учун олиб чиқилган товарларнинг чиқиндиларини қайтариб олиб кириш эркин муомалага чиқариш (импорт) божхона режимда мазкур Йўриқноманинг 5-боби талабларига мувофиқ, мазкур Йўриқноманинг 73-бандига кўрсатилган алоҳида графаларни тўлдиришнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда тўлдирилган БЮДни тақдим этиш орқали амалга оширилади.

73. БЮДнинг 42, 45, 46 ва 47-графаларининг тўлдирилиши қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

1) 42-графа. «Товарнинг фактура қиймати».

Графада ташқи савдо контракти (шартномаси, келишуви) валютасида

декларацияланаётган товарни қайта ишлаш бўйича хизматлар қиймати кўрсатилади.

Бегараз асосда қайта ишлашда графада «0» кўрсатилади.

Товарни қайта ишлаш бўйича хизматлар қиймати математик қоидаларга кўра вергулдан кейинги икки белгигача аниқликда яхлитланади;

2) 45-графа. «Божхона қиймати».

Графанинг ўнг бўлмасида 31-графада декларацияланаётган товарнинг ташқи савдо контракти (шартномаси, келишуви) валютасидаги божхона қиймати кўрсатилади.

Қайта ишлаш маҳсулотларини олиб киришда божхона қиймати таркибида қайта ишлаш бўйича операциялар қиймати ҳам ҳисобга олинади.

Божхона қиймати Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексига белгиланган товарларнинг божхона қийматини аниқлаш усулларида мувофиқ ҳисобланади.

Божхона қиймати математик қоидаларга кўра вергулдан кейинги икки белгигача аниқликда яхлитланади;

3) 46-графа. «Статистик қиймат».

Графада 45-графада келтирилган божхона қиймати асосида ҳисобланган товарларнинг статистик қиймати минг АҚШ доллариди кўрсатилади. Статистик қиймат математик қоидаларга кўра вергулдан кейинги уч белгигача аниқликда яхлитланади.

Статистик қийматни ҳисоблашда БЮД божхона расмийлаштируви учун қабул қилинган кунда амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс қўлланилади;

4) 47-графа. «Божхона тўловларининг ҳисоби».

Графа мазкур Йўриқноманинг 25-бандига мувофиқ тўлдирилади.

Шу билан бирга, қайта ишлаш маҳсулотлари бўйича божхона расмийлаштируви учун йиғимнинг ҳисоблаш асоси, қайта ишлаш бўйича операциялар қийматини инобатга олган ҳолда, қайта ишлаш маҳсулотларининг божхона қийматидан ҳисобланади.

Бошқа божхона тўловлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисобланади ва ундирилади.

74. Божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш учун олиб чиқилган товарни ҳамда божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш учун олиб чиқилган товарнинг қолдиқларини қайтариб олиб кириш реимпорт божхона режимида мазкур Йўриқноманинг 7-боби талабларига мувофиқ, мазкур Йўриқноманинг 75-бандида кўрсатилган алоҳида графаларни тўлдиришнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда тўлдирилган БЮДни тақдим этиш орқали амалга оширилади.

75. БЮДнинг 42, 45, 46 ва 47-графаларининг тўлдирилиши қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

1) 42-графа. «Товарнинг фактура қиймати».

Графада ташқи савдо контракти (шартномаси, келишуви) валютасида

31-графада декларацияланаётган товарни қайта ишлаш бўйича хизматлар қиймати кўрсатилади.

Беғараз асосда қайта ишлашда графада «0» кўрсатилади.

Товарни қайта ишлаш бўйича хизматлар қиймати математик қоидаларга кўра вергулдан кейинги икки белгигача аниқликда яхлитланади;

2) 45-графа. «Божхона қиймати».

Графанинг ўнг бўлмасида ташқи савдо контракти (шартномаси, келишуви) валютасида 31-графада декларацияланаётган товарнинг боғхона қиймати кўрсатилади. Боғхона қиймати Ўзбекистон Республикаси Боғхона кодексига белгиланган товарларнинг боғхона қийматини аниқлаш усулларига мувофиқ ҳисобланади.

Боғхона қиймати математик қоидаларга кўра вергулдан кейинги икки белгигача аниқликда яхлитланади;

3) 46-графа. «Статистик қиймат».

Графада 45-графада келтирилган боғхона қиймати асосида ҳисобланган товарларнинг статистик қиймати минг АҚШ долларига кўрсатилади. Статистик қиймат математик қоидаларга кўра вергулдан кейинги уч белгигача аниқликда яхлитланади.

Статистик қийматни ҳисоблашда БЮД боғхона расмийлаштируви учун қабул қилинган кунда амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс қўлланилади;

4) 47-графа. «Боғхона тўловларининг ҳисоби».

Графа мазкур Йўриқноманинг 25-бандига мувофиқ тўлдирилади.

Шу билан бирга, боғхона расмийлаштируви учун йиғимнинг ҳисоблаш асоси товарнинг боғхона қийматидан ҳисобланади.

Бошқа боғхона тўловлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисобланади ва ундирилади.

16-боб. Товарларни боғхона ҳудудида қайта ишлашда ва қайта ишлашдан сўнг қайтариб олиб чиқиб кетишда БЮДни тўлдириш

1-§. Товарларни боғхона ҳудудида қайта ишлашда БЮДни тўлдириш

76. Мутахассис томонидан БЮДнинг қуйидаги графалари тўлдирилади: 1, 2, 3, 5, 7 (пост коди), 8, 9, 11, 12, 13, 14, 15, 15а, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 39, 40, 41, 42, 44, 45, 46, 47, 48, 49, 50, 54, «В», «С».

77. БЮДнинг 1, 2, 3, 5, 7 (пост коди), 8, 9, 11, 12, 13, 14, 15, 15а, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 39, 40, 41, 48, 49, 54, «В», «С» графалари мазкур Йўриқноманинг 25-бандига мувофиқ тўлдирилади.

78. БЮДнинг 42, 44, 45, 46, 47, 50-графаларининг тўлдирилиши қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

1) 42-графа. «Товарнинг фактура қиймати».

Графада ташқи савдо контракти (шартномаси, келишуви) валютасида 31-графада декларацияланаётган товарни қайта ишлаш бўйича хизматлар қиймати кўрсатилади.

Беғараз асосда қайта ишлашда графада «0» кўрсатилади.

Товарни қайта ишлаш бўйича хизматлар қиймати математик қоидаларга кўра вергулдан кейинги икки белгигача аниқликда яхлитланади;

2) 44-графа. «Қўшимча маълумотлар / тақдим этилаётган ҳужжатлар».

Графа мазкур Йўриқноманинг 25-бандига мувофиқ, қуйидаги ўзига хос хусусиятларни инобатга олган ҳолда тўлдирилади:

графада қўшимча равишда, 834 тартиб рақами остида, божхона органи томонидан қайта ишлашга берилган рухсатнома рақами ва санаси ҳамда қайта ишлаш учун белгиланган муддат кўрсатилади;

3) 45-графа. «Божхона қиймати».

Графанинг ўнг бўлмасида 31-графада декларацияланаётган товарнинг ташқи савдо контракти (шартномаси, келишуви) валютасидаги божхона қиймати кўрсатилади. Божхона қиймати Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексида белгиланган товарларнинг божхона қийматини аниқлаш усуллари мувофиқ ҳисобланади.

Божхона қиймати математик қоидаларга кўра вергулдан сўнг икки белгигача аниқликда яхлитланади;

4) 46-графа. «Статистик қиймат».

Графада 45-графада келтирилган божхона қиймати асосида ҳисобланган товарларнинг статистик қиймати минг АҚШ доллариди кўрсатилади. Статистик қиймат математик қоидаларга кўра вергулдан кейинги уч белгигача аниқликда яхлитланади.

Статистик қийматни ҳисоблашда БЮД божхона расмийлаштируви учун қабул қилинган кунда амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс қўлланилади;

5) 47-графа. «Божхона тўловларининг ҳисоби».

Графа мазкур Йўриқноманинг 25-бандига мувофиқ, қуйидаги ўзига хос хусусиятларни инобатга олган ҳолда тўлдирилади:

божхона расмийлаштируви учун йиғимнинг ҳисоблаш асоси қайта ишлаш учун хизматлар қийматидан ҳисобланади. Ҳисоблаш учун асосни аниқлашда қайта ишлаш хизматлари қийматини Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида қайта ҳисоблаш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган, БЮД расмийлаштирув учун қабул қилинган кундаги курс бўйича амалга оширилади;

5) 50-графа. «Ишонч билдирган шахс».

Графа мазкур Йўриқноманинг 25-бандига мувофиқ, қуйидаги ўзига хос хусусиятларни инобатга олган ҳолда тўлдирилади:

графада қўшимча равишда қуйидаги мазмундаги ёзув амалга оширилади: «Товарни қайта ишлаш муддати яқунлангач уни бошқа божхона режи-

мига жойлаштириш учун божхона органларига мурожаат қилиш мажбуриятини оламан».

2-§. Товарларни божхона ҳудудида қайта ишлашдан сўнг қайтариб олиб чиқиб кетишда БЮДни тўлдириш

79. Божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимидан сўнг қайта ишлаш маҳсулотларини, божхона ҳудудида қайта ишлаш учун олиб кирилган товар, товарнинг чиқиндилари ва қолдиқларини қайтариб олиб чиқиб кетиш реэкспорт божхона режимига мувофиқ амалга оширилади.

80. Бунда мутахассис томонидан божхона органларига мазкур Йўриқноманинг 4-боби талабларига мувофиқ, мазкур Йўриқноманинг 81-бандида кўрсатилган алоҳида графаларни тўлдиришнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, тўлдирилган БЮД тақдим этилади.

81. БЮДнинг 42, 45 ва 47-графаларининг тўлдирилиши қўйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

1) 42-графа. «Товарнинг фактура қиймати».

Графада ташқи савдо контракти (шартномаси, келишуви) валютасида декларацияланаётган товарни қайта ишлаш бўйича хизматлар қиймати кўрсатилади.

Беғараз асосда қайта ишлашда графада «0» кўрсатилади.

Товарни қайта ишлаш бўйича хизматлар қиймати математик қоидаларга кўра вергулдан кейинги икки белгигача аниқликда яхлитланади;

2) 45-графа. «Божхона қиймати».

Графанинг ўнг бўлмасида 31-графада декларацияланаётган товарнинг ташқи савдо контракти (шартномаси, келишуви) валютасидаги божхона қиймати кўрсатилади.

Қайта ишлаш маҳсулотларини олиб чиқиб кетишда божхона қиймати таркибида қайта ишлаш бўйича операциялар қиймати ҳам ҳисобга олинади.

Божхона қиймати математик қоидаларга кўра вергулдан сўнг икки белгигача аниқликда яхлитланади;

3) 47-графа. «Божхона тўловларининг ҳисоби».

Графа мазкур Йўриқноманинг 22-бандига мувофиқ тўлдирилади.

Шу билан бирга, қайта ишлаш маҳсулотлари бўйича божхона расмийлаштируви учун йиғимнинг ҳисоблаш асоси, қайта ишлаш учун операциялар қийматини инобатга олган ҳолда, қайта ишлаш маҳсулотларининг божхона қийматидан ҳисобланади.

Бошқа божхона тўловлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисобланади ва ундирилади.

17-боб. Товарларни давлат фойдасига воз кечиш божхона режимига жойлаштиришда БЮДни тўлдириш

82. Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кирилган ёки ушбу ҳудудга олиб кирилиб, бошқа божхона режимига жойлаштирилган товарларни

давлат фойдасига воз кечиш божхона режимига жойлаштиришда мутахассис томонидан БЮДнинг қуйидаги графалари тўлдирилади: 1, 2, 3, 5, 7 (пост коди), 8, 11, 12, 13, 14, 15, 15а, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 37, 38, 40, 41, 42, 44, 45, 46, 49, 50, 54, «С».

Бунда БЮДнинг 1, 2, 3, 5, 7 (пост коди), 8, 11, 12, 13, 14, 15, 15а, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 37, 38, 40, 41, 42, 45, 46, 49, 50, 54, «С» графалари мазкур Йўриқноманинг 25-бандига мувофиқ тўлдирилади.

83. Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан олиб чиқиб кетилаётган товарларни давлат фойдасига воз кечиш божхона режимига жойлаштиришда мутахассис томонидан БЮДнинг қуйидаги графалари тўлдирилади: 1, 2, 3, 5, 7 (пост коди), 11, 12, 13, 14, 18, 19, 20, 22, 23, 24, 26, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 37, 38, 40, 41, 42, 44, 45, 46, 49, 50, 54, «С».

Бунда БЮДнинг 1, 2, 3, 5, 7 (пост коди), 8, 11, 12, 13, 14, 18, 19, 20, 22, 23, 24, 26, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 37, 38, 40, 41, 42, 45, 46, 49, 50, 54, «С» графалари мазкур Йўриқноманинг 22-бандига мувофиқ тўлдирилади.

84. БЮДнинг 44-графасини тўлдирилиши қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

44-графа. «Қўшимча маълумотлар/тақдим этилаётган ҳужжатлар».

Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кирилган ёки ушбу ҳудудга олиб кирилиб, бошқа божхона режимига жойлаштирилган товарлар бўйича графа мазкур Йўриқноманинг 25-бандига мувофиқ тўлдирилади.

Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан олиб чиқиб кетилаётган товарларни давлат фойдасига воз кечиш божхона режимига жойлаштиришда графа мазкур Йўриқноманинг 22-бандига мувофиқ тўлдирилади.

Графада қўшимча равишда қуйидагилар кўрсатилади:

817 тартиб рақами остида давлат фойдасига воз кечиш божхона режимига жойлаштирилган товарларни топшириш далолатномаси рақами ва санаси;

836 тартиб рақами остида товарларни давлат фойдасига воз кечиш божхона режимига жойлаштиришга рухсатнома рақами ва санаси кўрсатилади.

18-боб. Товарларни йўқ қилиш божхона режимига жойлаштиришда БЮДни тўлдириш

85. Товарларни йўқ қилиш божхона режимига жойлаштиришда мутахассис томонидан БЮДнинг қуйидаги графалари тўлдирилади: 1, 2, 3, 5, 7 (пост коди), 8, 9, 12, 13, 14, 15, 15а, 18, 19, 21, 22, 23, 25, 26, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 37, 38, 40, 41, 42, 44, 45, 46, 47, 49, 54, «В», «С».

Бунда БЮДнинг 1, 2, 3, 5, 7 (пост коди), 8, 9, 12, 13, 14, 15, 15а, 18, 19, 21, 22, 23, 25, 26, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 37, 38, 40, 41, 42, 44, 45, 46, 47, 49, 54, «В», «С» графалари мазкур Йўриқноманинг 25-бандига мувофиқ тўлдирилади.

86. БЮДнинг 44-графасини тўлдирилиши қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

Графа мазкур Йўриқноманинг 25-бандига мувофиқ тўлдирилади.

Графада қўшимча равишда қуйидагилар кўрсатилади:

818 тартиб рақами остида йўқ қилиш божхона режимига жойлаштирилган товарларни топшириш далолатномаси рақами ва санаси;

837 тартиб рақами остида товарларни йўқ қилиш божхона режимига жойлаштиришга рухсатнома рақами ва санаси кўрсатилади.

19-боб. Товарларни божхона транзити божхона режимига жойлаштиришда БЮДни тўлдириш

87. Товарларни божхона транзити божхона режимига жойлаштиришда мутахассис томонидан БЮДнинг қуйидаги графалари тўлдирилади: 1, 2, 3, 5, 7 (пост коди), 8, 9, 13, 14, 15, 15а, 17, 17а, 18, 19, 21, 22, 23, 25, 26, 27, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 35, 37, 38, 40, 41, 42, 44, 46, 47, 50, 51, 54, «В».

88. Мутахассис томонидан графаларнинг тўлдирилиши:

1) 1-графа. «Декларация тури».

Графанинг биринчи бўлмасида божхона транзити операциясининг қисқа номи кўрсатилади — «ТР».

Графанинг иккинчи бўлмасида Божхона режимлари таснифлагичига мувофиқ божхона режимининг икки рақамли коди кўрсатилади.

Товарлар электрон шаклда декларацияланганда графанинг учинчи бўлмасида «ЭД» ёзуви кўрсатилади. Товарлар қоғоз шаклда декларацияланганда ушбу бўлма тўлдирилмайди;

2) 2-графа. «Экспортчи/юкни жўнатувчи».

Графада транспорт ҳужжатларига асосан божхона транзити режимига жойлаштирилаётган товарларни жўнатувчи шахс тўғрисидаги маълумотлар кайд этилади.

Графада қуйидагилар кўрсатилади:

юкни жўнатувчи жисмоний шахс бўлса — жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, унинг яшаш манзили (Дунё мамлакатлари таснифлагичига мувофиқ мамлакатнинг қисқа номи ва манзили);

юкни жўнатувчи юридик шахс бўлса — унинг қисқача номи ва жойлашган ери (Дунё мамлакатлари таснифлагичига мувофиқ мамлакатнинг қисқа номи ва манзили).

Масалан:

«Алибаев Нуридин Камалович

Қозоғистон, Алмати ш., Суюнбай шоҳ кўчаси, 450-уй»

ёки «Ros-Torg» МЧЖ

Россия, Иваново ш., Смирнов кўч., 62-уй».

Агар юкни жўнатувчи товарни бошқа шахснинг топшириғига кўра жўнатуётган бўлса ёки шунга ўхшаш бошқа ҳолатларда графада аввал юкни жўнатувчининг қисқача номи ва жойлашган ери (юридик манзили), сўнгра

товарни жўнатиш тўғрисида топшириқ берган шахснинг қисқача номи ва жойлашган ери (юридик манзили) кўрсатилади.

Масалан:

«Ros-Torg» МЧЖ

Россия, Химки шаҳ., Карлов кўч., 362-уй

«Faraon» МЧЖ топшириғига асосан

Россия, Москва шаҳ., Большая полянка кўч., 563».

Товарларни қоғоз шаклда декларациялашда қўшимча варақларда графа тўлдирилмайди;

3) 3-графа. «Қўшимча варақлар».

Графанинг биринчи бўлмасида варақнинг тартиб рақами, иккинчи бўлмасида такдим этилаётган БЮД варақларининг умумий сони (асосий ва қўшимча варақлари йиғиндиси) кўрсатилади.

Масалан, агар БЮД иккита қўшимча варақларга эга бўлса БЮДнинг асосий варағида «1/3»; биринчи қўшимча варағида «2/3»; иккинчи қўшимча варағида «3/3» кўрсатилади. Агар БЮД қўшимча варақларга эга бўлмаса «1/1» кўрсатилади.

Товарлар электрон шаклда декларацияланганда графада, электрон БЮД қоғозга чоп этилгандаги каби варақнинг тартиб рақами ва БЮД варақларининг умумий сони мазкур кичик бандда белгиланган тартибда кўрсатилади;

4) 5-графа. «Товарлар номларининг умумий сони».

Графада БЮДнинг 31-графаларида кўрсатилган товарлар номларининг умумий сони ёзилади. Бу сон БЮДнинг тўлдирилган 31-графалари сонига мувофиқ бўлиши лозим;

5) 7-графа. «БЮДнинг рўйхат рақами».

Графада Божхона постлари таснифлагичига мувофиқ БЮД расмийлаштириш учун такдим этиладиган божхона постининг бешта рақамли коди кўрсатилади;

6) 8-графа. «Импортчи/юкни қабул қилувчи».

Графада транспорт ҳужжатларига асосан божхона транзити режимига жойлаштирилаётган товарларни қабул қилувчи шахс тўғрисидаги маълумотлар қайд этилади.

Графада куйидагилар кўрсатилади:

юкни қабул қилувчи жисмоний шахс бўлса — жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, унинг яшаш манзили (Дунё мамлакатлари таснифлагичига мувофиқ мамлакатнинг қисқа номи ва манзили);

юкни қабул қилувчи юридик шахс бўлса — унинг қисқача номи ва жойлашган ери (Дунё мамлакатлари таснифлагичига мувофиқ мамлакатнинг қисқа номи ва манзили).

Масалан:

«Мамедов Курбан Бекирович

Туркманистон, Ашхобод ш., Марв кўчаси, 30-уй»

ёки «Persepolis» LTD

Эрон, Техрон ш., Сепохон кўч., 45-уй».

Агар юкни қабул қилувчи товарни бошқа шахснинг топшириғига кўра қабул қилиб олаётган бўлса ёки шунга ўхшаш бошқа ҳолатларда графада аввал юкни қабул қилувчининг қисқача номи ва жойлашган ери (юридик манзили), сўнгра товарни қабул қилиб олиш тўғрисида топшириқ берган шахснинг қисқача номи ва жойлашган ери (юридик манзили) кўрсатилади.

Масалан:

«Persepolis» LTD

Эрон, Техрон ш., Сенахон кўч., 45-уй

«Traktorsozi» INC топшириғига асосан

Эрон, Техрон ш., Фирдавсий кўч., 93».

Товарларни қозғоз шаклда декларациялашда қўшимча варақларда графа тўлдирилмайди;

7) Графа 9. «Молиявий тартибга солиш учун жавобгар шахс».

Графада товарларни ташувчиси тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади. Ташувчи деганда транзит товарларини ташиш бўйича битим тузган, ушбу товарларни жўнатувчи божхона органидан товарлар келиб тушадиган божхона органигача олиб бориш мажбуриятини олган шахс тушунилади.

Графада қуйидагилар кўрсатилади:

ташувчи жисмоний шахс бўлса — унинг фамилияси, исми ва отасининг исми, яшаш манзили (Дунё мамлакатлари таснифлагичига мувофиқ мамлакатнинг қисқа номи ва манзили), телефон рақами ва шахсини тасдиқловчи ҳужжат тўғрисидаги маълумотлар;

ташувчи юридик шахс бўлса — унинг қисқача номи ва жойлашган ери (Дунё мамлакатлари таснифлагичига мувофиқ мамлакатнинг қисқа номи ва юридик манзили), телефон рақами;

8) 13-графа.

Графада Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган, БЮД божхона расмийлаштирувига қабул қилинган кундаги АҚШ долларининг Ўзбекистон Республикаси миллий валютасига нисбатан курси кўрсатилади;

9) 14-графа. «Декларант/божхона брокери».

Графада БЮДни тўлдирган ва божхона органига тақдим этаётган мутахассис штатида бўлган божхона брокери ёки декларантнинг қисқача номи, жойлашган ери (юридик манзили), телефон рақами ва электрон почта манзили (мавжуд бўлса) кўрсатилади.

Графанинг юқори қисмида «№» белгисидан сўнг ушбу божхона брокери ёки декларантнинг КТУТ коди кўрсатилади;

10) 15-графа. «Жўнатувчи мамлакат».

Графада товар жўнатишган мамлакатнинг Дунё мамлакатлари таснифлагичига мувофиқ қисқа номи кўрсатилади;

11) 15а-графа. «Жўнатувчи мамлакат коди».

Графада товар жўнатишган мамлакатнинг Дунё мамлакатлари таснифлагичига мувофиқ рақамли коди кўрсатилади;

12) 17-графа. «Келиб тушадиган мамлакат».

Графада товар келиб тушадиган мамлакатнинг Дунё мамлакатлари таснифлагичига мувофиқ қисқа номи кўрсатилади;

13) 17а-графа. «Келиб тушадиган мамлакат коди».

Графада товар келиб тушадиган мамлакатнинг Дунё мамлакатлари таснифлагичига мувофиқ рақамли коди кўрсатилади;

14) 18-графа. «Жўнатиш/етказиб бериш вақтидаги транспорт воситаси».

Графада жўнатувчи божхона органидан товар келиб тушадиган божхона органига транзит товарларини ташиш амалга оширилаётган транспорт воситаси ҳақидаги маълумотлар кўрсатилади.

Графанинг чап бўлмасида транспорт воситалари миқдори ёзилади, сўнгра битта бўш жой (пробел) ташлаб Транспорт турлари таснифлагичига мувофиқ транспорт воситасининг қисқача номи, сўнгра икки нуқтадан кейин орасига «;» ажратиш белгиси қўйилган ҳолда транспорт воситаси тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади (денгиз ёки дарё кемаси номи, ҳаво кемасининг рейс ва борт рақами, темир йўл вағони рақами, йўл транспорт воситаси рўйхат рақами ва шу каби маълумотлар).

Масалан:

4 АВТО: A987SA; S654DA; B587NM; K967LV.

Агар товарлар автотранспорт воситалари состави билан олиб ўтилаётган бўлса, транспорт воситаси рўйхат рақамидан сўнг «/» ажратиш белгиси қўйилган ҳолда прицеплар, ярим прицеплар ва х. к. рақамлари кўрсатилади.

Масалан:

2 АВТО: A987SA/K118DS; S654DA/P312LK.

Графанинг ўнг бўлмасида транспорт воситаси тегишли бўлган мамлакатнинг Дунё мамлакатлари таснифлагичига мувофиқ рақамли коди кўрсатилади.

Агар товарларни ташишда автотранспорт воситалари составидан фойдаланилган бўлса, ушбу транспорт воситаларини (прицепларни, ярим прицепларни ва х. к.) ҳаракатга келтирган автотранспорт воситаси рўйхатга олинган мамлакатнинг рақамли коди кўрсатилади.

Агар транспорт воситалари бир нечта давлатларга тегишли бўлса, графанинг чап бўлмасида транспорт воситалари сони, сўнгра бўш жой (пробел) ташланиб «БЮД орқа томонига қаранг» (қоғоз шаклдаги БЮДда) ҳавола ёзилади, графанинг ўнг бўлмасидан «999» коди қўйилади. Қоғоз шаклдаги БЮДнинг орқа томонида Транспорт турлари таснифлагичига мувофиқ транспорт воситасининг қисқача номи, сўнгра икки нуқтадан кейин транспорт воситалари рақами ва чизиқчадан сўнг, транспорт воситаси тегишли бўлган мамлакатнинг рақамли коди кўрсатилади.

Электрон БЮДда бундай ҳаволага йўл қўйилмайди ва барча маълумотлар электрон БЮДнинг бевосита ўзида кўрсатилади.

Товарлар электр узатиш линиялари ёки қувур транспорти орқали олиб

ўтилганда графада Транспорт турлари таснифлагичига мувофиқ транспорт воситасининг қисқача номи кўрсатилади: «ТРУБОПРОВОД», «ЛЭП»;

15) 19-графа. «Контейнер».

Графада қуйидагилар кўрсатилади:

«0» — агар товарлар контейнерда олиб ўтилмаётган бўлса;

«1» — агар товарлар контейнерда олиб ўтиляётган бўлса;

16) 21-графа. «Чегарадаги транспорт воситаси».

Графада транзит товарлари келиб тушадиган божхона органи орқали Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан олиб чиқиб кетиляётган транспорт воситалари ҳақидаги маълумотлар мазкур банднинг 14-кичик бандига мувофиқ кўрсатилади.

Товар Ўзбекистон Республикасига олиб кирилган транспорт воситасининг ўзида олиб чиқиб кетиладиган бўлса «18-графага қаранг» ҳаволаси ёзилади.

Электрон БЮДда бундай ҳавола қилинишига йўл қўйилмайди ва барча маълумотлар электрон БЮДнинг ўзида тўлиқ кўрсатилади.

Графа декларантда товарлар божхона ҳудудидан олиб чиқиб кетиладиган транспорт воситаси тўғрисида маълумот мавжуд бўлмаганда (товарлар божхона назорати остида қайта юкланадиган ҳолатларда) тўлдирилмайди;

17) 22-графа. «Валюта ва товарларнинг умумий фактура қиймати».

Графанинг чап бўлмасида Валюталар таснифлагичига мувофиқ товар баҳоланган валютанинг рақамли коди кўрсатилади.

Графанинг ўнг бўлмасида рақамларда декларацияланаётган товарлар туркумининг умумий баҳоланган суммаси кўрсатилади.

Декларацияланаётган товарлар туркумининг умумий баҳоланган суммаси БЮДнинг 42-графаларидаги қийматлар йиғиндисидан ташкил топади;

18) 23-графа. «Валюта курси».

Графада рақамли коди БЮДнинг 22-графасида кўрсатилган валютанинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган, БЮД божхона расмийлаштирувига қабул қилинган кундаги Ўзбекистон Республикаси миллий валютасига нисбатан курси кўрсатилади.

Масалан:

агар 1 Россия рубли = 63,41 сўм бўлса, графада «1/63,41» кўрсатилади;

агар 10 Япон йенаси = 220,09 сўм бўлса, графада «10/220,09» кўрсатилади;

агар валюта контракти Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси бўлса графада «1/1» кўрсатилади;

19) 25-графа. «Чегарадаги транспорт тури».

Графада Транспорт турлари таснифлагичига мувофиқ 21-графада кўрсатилган транспорт воситаси турининг коди кўрсатилади.

Графа декларантда товарлар божхона ҳудудидан олиб чиқиб кетиладиган транспорт воситаси тўғрисида маълумот мавжуд бўлмаганда (товарлар божхона назорати остида қайта юкланадиган ҳолатларда) тўлдирилмайди;

20) 26-графа. «Мамлакат ичкарасидаги транспорт тури».

Графада Транспорт турлари таснифлагичига мувофиқ 18-графада кўрсатилган транспорт воситаси турининг коди кўрсатилади;

21) 28-графа. «Молия ва банк маълумотлари».

Транзит товарлари божхона брокери ёки ташувчининг вакили бўлмаган экспедитор шахс томонидан декларацияланганда тўлдирилади.

Графада декларант ёки божхона брокерининг сўмдаги ҳисобварақаси очилган банк муассасаси тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади, бунда реквизитларнинг ҳар бири янги сатрдан бошланади ва улардан ҳар бирининг олдига тартиб рақами қўйилади:

1 — декларант ёки божхона брокерининг СТИРи/банк СТИРи;

2 — банкнинг тўлиқ номи;

3 — банкнинг почта манзили;

4 — декларант ёки божхона брокерининг Ўзбекистон Республикаси миллий валютасидаги ҳисобварақаси рақами/банк МФОси;

5 — декларант ёки божхона брокерининг хорижий валютадаги ҳисобварақаси рақами/банк МФОси (божхона тўловлари хорижий валютада тўланган ҳолатларда);

22) 29-графа. «Чегарадаги божхона».

Графада Божхона постлари таснифлагичига мувофиқ товарлар Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган божхона пости коди ва номи кўрсатилади;

23) 31-графа. «Юк жойлари ва товар тавсифи». «Маркировка ва микдор — контейнерлар рақами — товар тавсифи».

Графада декларацияланаётган товар ҳақида маълумот кўрсатилади. Маълумотларнинг ҳар бири янги сатрдан бошланади ва улардан ҳар бирининг олдига тартиб рақами қўйилади:

1 — товар тавсифи ҳамда товарнинг кузатув ҳужжатларига мувофиқ декларацияланаётган товарнинг микдор ва сифат таркиби тўғрисидаги маълумотлар;

2 — ўрамга эга бўлган товар учун — товар эгаллаган юк жойларининг умумий сони, товар ўрами тури ва ўрамлар микдори. Агар ушбу графада декларацияланаётган товар юк жойларининг ҳаммасини эгалламаса графада «қутининг бир қисми» ва шунга ўхшаш ёзувлар ёзилади. Бунда ўрам деганда товарларни ўраш, химоялаш, жойлаштириш ва мустаҳкамлаш ёки ажратиш учун мўлжалланган ҳар қандай буюм ва материаллар тушунилади, уюм ҳолда олиб ўтиладиган ўраш материаллари (сомон, қоғоз, шиша тола, қипиқ ва шу кабилар) бундан мустасно. Сочилган, уюмланган, қуйилган ҳолатда ўрамсиз олиб ўтиладиган товарлар учун тегишлича «сочилган ҳолда», «уюм ҳолида», «қуйилган ҳолда» каби ёзувлар кўрсатилади.

Электр узатиш линиялари ёки қувур транспорти орқали ташиладиган товарларни декларациялашда 2 рақами остида маълумотлар тўлдирилмайди.

3 — контейнерда ташиладиган товар учун ёки товар сифатида контейнер олиб ўтилаётган ҳолатларда — орасига вергул қўйилиб контейнер ра-

камлари ёзилади. Электрон БЮДа контейнер рақамлари алоҳида майдончада ҳар бири алоҳида кўрсатилади.

5 — қувур транспорти, электр узатиш линиялари орқали олиб ўтиладиган товарларни декларациялашда қуйидаги ёзувлар ёзилади: «ХХ.ХХ.ХХХХ дан ХХ.ХХ.ХХХХ гача бўлган ораликда етказиб бериш». Бу ерда рақамли белгилар билан товарларни етказиб бериш бошланган «кун, ой, йил» ва тугалланган «кун, ой, йил» кўрсатилади.

Графанинг пастки ўнг бурчагида алоҳида ажратилган жойда товарларнинг қўшимча ўлчов бирлигидаги миқдори ва ўлчов бирлигининг ТИФ ТНга мувофиқ шартли белгиланиши кўрсатилади (қўшимча ўлчов бирлигининг коди 41-графада акс этирилади). Электрон БЮДа ўлчов бирлигининг шартли белгиланиши кўрсатилмасдан, фақатгина товарларнинг қўшимча ўлчов бирлигидаги миқдори ёзилади.

Товарларнинг қўшимча ўлчов бирлигидаги миқдори вергулдан кейинги иккинчи белгигача аниқликда кўрсатилади.

Агар қўшимча ўлчов бирлигидаги товар миқдори «0,01» дан кам бўлса графада товарнинг қўшимча ўлчов бирлигидаги миқдори вергулдан кейинги олтинчи белгигача аниқликда кўрсатилади.

Фақатгина асосий ўлчов бирлиги «кг» қўлланилган ҳолатларда — графанинг пастки ўнг бурчаги тўлдирилмайди;

24) 32-графа. «Товар №».

Графада 31-графада декларацияланаётган товарнинг тартиб рақами кўрсатилади.

Битта номдаги товар декларацияланаётган бўлса, графада «1» рақами кўрсатилади;

25) 33-графа. «Товар коди».

Графанинг чап қисмида 31-графада декларацияланаётган товарларнинг ТИФ ТНга мувофиқ ўнта рақамли коди кўрсатилади. Ушбу код бўш жойсиз (пробелсиз) ва бошқа ажратувчи белгиларсиз ёзилади;

26) 35-графа. «Брутто вазн (кг)».

Графада БЮДнинг 31-графасида декларацияланаётган товарнинг килограммдаги «брутто» оғирлиги кўрсатилади. «Брутто» оғирлик деганда товарнинг умумий оғирлиги, шу жумладан товар муомалага киритилгунга қадар ҳолатини ўзгармаслигини таъминлаб туриш учун зарур бўлган унинг барча турдаги ўрамлари (контейнер ва бошқа транспорт ускуналари бундан мустасно) билан биргаликдаги умумий оғирлиги тушунилади.

Брутто вазн математик қоидаларга кўра вергулдан кейинги учинчи рақамгача яхлитланади.

Агар товарнинг умумий оғирлиги бир килограммдан кам бўлса, нетто вазн вергулдан кейинги уч белгигача аниқликда кўрсатилади.

Агар товарнинг умумий оғирлиги бир граммдан кам бўлса, товар вазни вергулдан кейинги олти белгигача аниқликда кўрсатилади.

Қувур транспорти билан олиб ўтиладиган товарларни декларациялашда товарнинг умумий оғирлиги кўрсатилади.

Графа электр узатиш линиялари орқали олиб ўтиладиган товарларни декларациялашда тўлдирилмайди;

27) 37-графа. «Процедура».

Графада товарларни Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиш процедурасининг етти белгили коди кўрсатилади. Ушбу код қуйидаги учта таркибий қисмлардан иборат:

биринчи иккита рақам — Божхона режимлари таснифлагичига мувофиқ баён этилаётган божхона режими коди;

кейинги иккита рақам — Божхона режимлари таснифлагичига мувофиқ аввалги божхона режими коди. Агар аввалги божхона режими мавжуд бўлмаса «00» кўрсатилади;

охирги учта рақам — Товарларни олиб ўтиш хусусиятлари таснифлагичига мувофиқ декларацияланаётган товарларни олиб ўтиш хусусияти коди. Агар товарларни олиб ўтиш хусусияти белгиланмаган бўлса «000» кўрсатилади;

28) 38-графа. «Нетто вазн (кг)».

Графада декларацияланаётган товарнинг килограммдаги «нетто» оғирлиги кўрсатилади.

Қадоқланган ҳолатда олиб ўтилаётган товар учун:

декларацияланаётган товарнинг фақат бирламчи қадоғини ҳисобга олган ҳолдаги оғирлиги, агар товарлар, истеъмол хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, шундай қадоқда чакана савдога чиқарилса ва (ёки) товарни сотишда унинг сақланишини таъминлайдиган бирламчи қадоқни товарнинг истеъмол хусусиятларини бузмаган ҳолда товарни истеъмол қилгунга қадар товардан ажратиб бўлмайдиган (масалан, банкадаги кофе ва х. к.) бўлса;

бошқа ҳолатларда декларацияланаётган товарнинг ҳеч қандай қадоқсиз оғирлиги.

Қадоқсиз (сочилган, қуйилган, уюм ҳолида) олиб ўтиладиган товар учун — товарнинг умумий оғирлиги.

Товарнинг нетто оғирлиги математик қоидаларига кўра вергулдан кейинги учта белгигача яхлитланади.

Агар товарнинг умумий оғирлиги бир килограммдан кам бўлса, нетто вазн вергулдан кейинги уч белгигача аниқликда кўрсатилади.

Агар товарнинг умумий оғирлиги бир граммдан кам бўлса, товар вазни вергулдан кейинги олти белгигача аниқликда кўрсатилади.

Қувур транспорти билан олиб ўтилаётган товарларни декларациялашда товарнинг БЮДни 35-графасида кўрсатилган оғирлиги қайд этилади.

Графа электр узатиш линиялари орқали олиб ўтиладиган товарларни декларациялашда тўлдирилмайди;

29) 40-графа. «Умумий декларация/аввалги ҳужжат».

Янги БЮД расмийлаштирилган ҳолатларда тўлдирилади (ташувчи ўзгарганда ёки товарлар туркуми қайта шакллантирилганда).

Графада қуйидагилар кўрсатилади:

аввалги хужжатнинг коди — ушбу ҳолатда «БЮД»;
 аввалги БЮДнинг рўйхат рақами;
 ушбу товарнинг аввалги БЮД 32-графасидаги тартиб рақами;
 аввалги БЮДнинг 32-графасида кўрсатилган товарнинг, расмийлашти-
 риладиган брутто вазни (килограммда);
 аввалги БЮДнинг 32-графасида кўрсатилган товарнинг, расмийлашти-
 риладиган нетто вазни (килограммда);
 қўшимча ўлчов бирлигидаги миқдори (агар мавжуд бўлса);
 қўшимча ўлчов бирлигининг ТИФ ТНга мувофиқ шартли белгиланиши
 (агар мавжуд бўлса).

Масалан:

ГТД 22010/31.03.2012/0353761 — 2 — 5980 кг — 5900 кг — 250,2 м³.

Агар товар бир нечта аввалги декларациялардан расмийлаштириладиган бўлса, ҳар бир маълумот алоҳида янги қатордан юқорида қайд этилган тартибда кўрсатилади;

30) 41-графа. «Қўшимча ўлчов бирлиги».

Графада ТИФ ТНда келтирилган «Ўлчов бирликлари жадвали»га мувофиқ 31-графанинг пастки ўнг бўлмасида кўрсатилган товар миқдорининг қўшимча ўлчов бирлиги коди кўрсатилади.

Агар мазкур товар учун ТИФ ТНга мувофиқ фақат асосий ўлчов бирлиги (кг) қўлланилса, графада унинг коди (166) кўрсатилади;

31) 42-графа. «Товарнинг фактура қиймати».

Графада товарнинг кузатув хужжатлари асосида товарнинг фактура қиймати кўрсатилади.

Фактура қиймати математик қоидаларга кўра вергулдан кейинги икки белгигача аниқликда яхлитланади;

32) 44-графа. «Қўшимча маълумотлар/тақдим этиладиган хужжатлар».

Графада БЮДнинг 31-графасида кўрсатилган ҳар бир товар ҳақида баён этилган маълумотларни тасдиқловчи, БЮДни тўлдиришга асос бўлган хужжатлар тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Ҳар бир хужжат тўғрисидаги маълумотлар Божхона юк декларациясини тўлдиришда фойдаланиладиган хужжатлар ва маълумотлар турлари таснифлагичига мувофиқ хужжатнинг тартиб рақами ва ҳарfli коддини қўйган ҳолда кўрсатилади (маълумотларнинг ҳар бири янги сатрдан бошланади):

товарнинг кузатув хужжатларининг рақами (рўйхат рақами) ва санаси;
 юк ташиш битимининг рақами ва санаси;

товар келиб тушадиган божхона органига тақдим этилиши лозим бўлган товарга оид бошқа хужжатларнинг номи, рақами ва санаси;

33) 46-графа. «Статистик қиймат».

Графада 42-графада кўрсатилган фактура қиймати асосида ҳисобланган ва «CIF (CIP) — Ўзбекистон чегараси» етказиб бериш шarti нархларига келтирилган товарнинг минг АҚШ долларидаги статистик қиймати кўрсатилади.

Статистик қиймат математик қоидаларга кўра вергулдан сўнг уч белгига аниқликда яхлитланади.

Статистик қийматни ҳисоблашда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган, БЮД божхона расмийлаштирувига қабул қилинган кундаги курс қўлланилади;

34) 47-графа. «Божхона тўловларининг ҳисоби».

Графада божхона тўловларининг ҳисоби тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

«Тўлов тури» устунида Божхона тўловлари таснифлагичига мувофиқ божхона тўлови турининг коди кўрсатилади.

«Ҳисоблаш асоси» устунида божхона тўловини ҳисоблашнинг асоси кўрсатилади.

Ҳисоблаш асоси Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида кўрсатилади. Бундан қуйидаги ҳолатлар мустасно:

агар қонун ҳужжатлари билан ҳисоблаш учун асос хорижий валютада белгиланган бўлса, ёхуд божхона йиғимлари хорижий валютада ундирилиши кўзда тутилган бўлса ҳисоблаш учун асос Валюталар таснифлагичига мувофиқ валютанинг ҳарфли кодини қўйган ҳолда хорижий валютада келтирилади;

агар қонун ҳужжатларида ҳисоблаш учун асос пул бирликларида эмас, балки бошқа ўлчов бирликларида (масалан, маълум вақт оралиғи (соат), маълум бир ҳужжатларни берганлик учун, БЮДнинг асосий ва қўшимча варақлари учун ва ҳ. к.) белгиланган бўлса, у ҳолда тегишлича миқдор (1, 2 ва ҳ. к.) ва ўлчов бирлиги (соат, дона, асосий варақ, қўшимча варақ ва ҳ. к.) кўрсатилади.

Ҳисоблаш учун асос Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида аниқланган тақдирда, товарнинг 12 ва 45-графаларидаги қийматларини Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида қайта ҳисоблаш БЮД божхона расмийлаштируви учун қабул қилинган кунда амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича амалга оширилади.

«Ставка» устунида божхона тўлови суммасини ҳисоблашда қўлланиладиган божхона тўловларининг белгиланган ставкаси миқдори кўрсатилади.

«Сумма» устунида божхона тўловининг Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида ҳисобланган суммаси кўрсатилади. Агар қонун ҳужжатларига мувофиқ божхона тўловининг хорижий валютада ундирилиши белгиланган бўлса, божхона тўловининг ҳисобланган суммаси Валюталар таснифлагичига мувофиқ валютанинг ҳарфли коди қўйилган ҳолда тегишли хорижий валютада кўрсатилади.

«ТУ» устунида тўлов усулининг икки белгили ҳарфли коди кўрсатилади:

«БН» — банк орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб;

«КТ» — божхона тўловлари суммасини нақд пул билан тўлаш;

«УН» — божхона тўловларини шартли ҳисоблаш;

«ОП» — божхона тўловларини кечиктириб тўлаш имконияти тақдим этилган;

«РП» — божхона тўловларини бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти тақдим этилган;

«ОО» — тўлов амалга оширилмайди;

35) 50-графа. «Ишонч билдирган шахс».

Графада қуйидаги мазмундаги ёзув ёзилади:

«Тақдим этилган маълумотлар учун жавобгар» деб ёзилгандан сўнг товарлар ва транспорт воситаларини божхона чегараси орқали олиб ўтаётган, мутахассисга БЮДга киритиш учун зарур маълумотларни тақдим этган ташкилот томонидан ишончнома берилган шахснинг ёки жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими ва телефон рақами кўрсатилади, унинг шахсий имзоси (фақат қоғоз шаклдаги БЮДда) ва сана қўйилади.

Агар ишонч билдирган шахс БЮДни тўлдирган мутахассис бўлса, ушбу мутахассис тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Шунингдек, мазкур графада ташкилот ишонч билдирган шахснинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатнинг рақами, санаси ва амал қилиш муддати кўрсатилади;

36) 53-графа. «Келиб тушадиган божхона ва мамлакат».

Графада Божхона постлари таснифлагичига мувофиқ товарлар Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиб кетиладиган божхона органи номи ва коди кўрсатилади;

37) 54-графа. «Жой ва сана».

Графада 14-графада кўрсатилган шахс номидан БЮДни тақдим этаётган мутахассис ҳақида қуйидаги маълумотлар кўрсатилади (маълумотларнинг ҳар бири янги сатрдан бошланади ва улардан ҳар бирининг олдига тартиб рақами қўйилади):

1 — БЮД тўлдирилган жой;

2 — мутахассиснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, шунингдек электрон почта манзили (мавжуд бўлса);

3 — мутахассиснинг телефон рақами;

4 — агар товарларни декларациялаш божхона брокери томонидан амалга ошириляётган бўлса, топшириғига асосан БЮД тақдим этиляётган шахс ва божхона брокери ўртасидаги битим рақами ва санаси кўрсатилади;

5 — мутахассис томонидан БЮДга берилган рақам қуйидаги тартибда кўрсатилади:

9999/9999/99.99.9999/999999, бунда:

1 2 3 4

1-элемент — мутахассиснинг малака аттестати берилган йил;

2-элемент — малака аттестати рақами;

3-элемент — БЮД тўлдирилган сана;

4-элемент — мутахассис томонидан БЮДга берилган тартиб рақами (жорий йилда ўсиш тартибда, йил якунлангач рақамлаш янгидан бошланади).

Мутахассис томонидан БЮДга берилган рақам қайтарилмаслиги лозим.

БЮДда баён этилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги электрон БЮДда мутахассиснинг ЭРИси, қоғоз шаклдаги БЮДда мутахассиснинг имзоси ва мутахассис штатида бўлган божхона брокери ёки декларантнинг мухри (мухр мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланади.

Қоғоз шаклдаги БЮДда бундай тасдиқлаш ҳар бир қўшимча варақнинг «С» графасида ҳам амалга оширилади;

38) «В» графа. «Ҳисоб-китоб тафсилотлари».

Графада Божхона тўловлари таснифлагичига мувофиқ тўлов коди, мазкур код бўйича ушбу БЮД билан декларацияланаётган барча товарларга оид тўловларнинг йиғиндисидан иборат бўлган тўловларнинг умумий суммаси кўрсатилади.

Божхона тўловларидан озод этилган ҳолатда графада қўшимча равишда Божхона тўловлари таснифлагичига мувофиқ тўлов коди, мазкур код бўйича ушбу БЮД билан декларацияланаётган барча товарларга оид тўловларнинг йиғиндисидан иборат бўлган божхона тўловлари бўйича ҳисобланган имтиёзларнинг умумий суммаси кўрсатилади ва «тўланмайди» белгиси қўйилади;

20-боб. БЮДни божхона органи мансабдор шахси томонидан тўлдириш

89. Божхона органи мансабдор шахси томонидан БЮДнинг 7, 44, 47, «А» (фақатгина қоғоз шаклдаги БЮДнинг қўшимча варақларида), «В» ва «D» графалари тўлдирилади.

90. Божхона органи мансабдор шахси томонидан графаларнинг тўлдирилиши:

1) 7-графа. «БЮДнинг рўйхат рақами».

Графада мутахассис томонида қўйилган пост кодидан сўнг БЮД рақами ва у қабул қилинган сана қуйидаги тартибда кўрсатилади:

99999 / 99.99.9999 / 9999999

Элемент № 1 2 3 4 5

1-элемент — мутахассис томонидан қўйилган божхона постининг Божхона постлари таснифлагичига мувофиқ бешта белгили коди;

2, 3 ва 4-элементлар — БЮД божхона расмийлаштируви учун қабул қилинган кун, ой ва йил;

5-элемент — тегишли божхона органи томонидан расмийлаштирилган БЮДнинг тартиб рақами (жорий йилда ўсиш тартибида, йил якунлангач рақамлаш янгидан бошланади). БЮДнинг тартиб рақами қайтарилмаслиги лозим;

2) 44-графа. «Қўшимча маълумотлар/тақдим этилаётган ҳужжатлар».

Графада божхона кўриги далолатномаси, БЮДни расмийлаштириш, товарларнинг божхона қийматини назорат қилиш учун зарур бўлган божхона

органи ихтиёрида мавжуд бўлган хужжатлар тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Ҳар бир хужжат тўғрисидаги маълумотлар Божхона юк декларациясини тўлдиришда фойдаланиладиган хужжатлар ва маълумотлар турлари таснифлагичига мувофиқ хужжатнинг тартиб рақами ва ҳарfli коддини қўйган ҳолда кўрсатилади (маълумотларнинг ҳар бири янги сатрдан бошланади);

3) 47-графа. «Божхона тўловларининг ҳисоби».

Графада мазкур Йўриқноманинг 22-бандида 47-графани тўлдириш бўйича белгиланган тартибда товарлар ва транспорт воситаларини белгиланган жойлардан ташқарида ва/ёки божхона органларининг белгиланган иш вақтидан ташқари вақтда божхона расмийлаштирувидан ўтказганлик учун йиғимлар ҳақидаги маълумотлар кўрсатилади;

4) «А» графа (фақатгина қоғоз шаклдаги БЮДнинг қушимча варақларида).

7-графада ёзилган БЮДнинг рўйхат рақами кўрсатилади;

5) «В» графа. «Ҳисоб-китоб тафсилотлари».

Графада мазкур Йўриқноманинг 22-бандида «В» графани тўлдириш бўйича белгиланган тартибда товарлар ва транспорт воситаларини белгиланган жойлардан ташқарида ва/ёки божхона органларининг белгиланган иш вақтидан ташқари вақтда божхона расмийлаштирувидан ўтказганлик учун йиғимлар ҳақидаги маълумотлар кўрсатилади;

6) «Д» графа.

Электрон БЮДда мазкур графада божхона органи мансабдор шахси томонидан ушбу БЮДда баён этилган товарларга нисбатан қабул қилинган қарори ҳақидаги божхона органи белгилари (ёзувлари) кўрсатилади. Божхона органи белгилари (ёзувлари) божхона органи мансабдор шахсининг ЭРИси билан тасдиқланади.

Қоғоз шаклдаги БЮДда мазкур графада божхона назорати натижалари ҳақида гувоҳлик берувчи божхона органининг штампи ва муҳри ҳамда зарур ҳолларда бошқа белгилар қўйилади. Божхона назорати натижалари ҳақидаги штамп товарни ўтказиш юзасидан қарор қабул қилган божхона органи мансабдор шахсининг шахсий рақамли муҳри билан тасдиқланади.

91. Товарларни вақтинчалик олиб кириш ёки вақтинчалик олиб чиқиш божхона режимларига декларациялашда божхона органи мансабдор шахси томонидан, шунингдек, БЮДнинг «С» графаси қуйида келтирилган тартибда тўлдирилади:

«С» графанинг 3-бандида — вақтинчалик олиб кириш муддатлари узайтирилганда «20__» «____» «____» даги ____-сон рухсатнома асосида «20__» «____» «____» гача узайтирилди» ёзуви қайд этилади. Товарларни қоғоз шаклда декларациялашда бундай ёзув фақатгина БЮДнинг 1 ва 3-нусахаларида қайд этилади.

92. Товарларни вақтинчалик олиб кириш божхона режимида декларациялашда қоғоз шаклдаги БЮДнинг орқа томонида, электрон шаклда декларациялашда эса Давлат божхона қўмитасининг Ягона автоматлаштирил-

ган ахборот тизимида алоҳида жадвал шаклида қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

1. Шартли ҳисобланган божхона тўловлари суммаси _____ АҚШ долл.

2. Даврий божхона тўлови миқдори _____ АҚШ долл.

3. Даврий божхона тўловини тўлаш муддати — 20__ йил «___» _____ гача.

4. Тўлов 20__ йил «___» _____ дан «___» _____ гача бўлган давр учун амалга оширилди.

20__ йил «___» _____ даги ___-сони т/т асосида _____ АҚШ долл. курси бўйича _____ сўм тўланди.

Мазкур маълумотлар қоғоз шаклдаги БЮДда божхона органи мансабдор шахсининг имзоси, шахсий рақамли муҳри, электрон БЮДда эса ЭРИси билан тасдиқланади.

Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага 1-ИЛОВА

БОЖХОНА ЮК ДЕКЛАРАЦИЯСИ АСОСИЙ БАРАҚ

БД 1

A

2 Экспортчи/юкни кўнатувчи №					1 Декларация тури									
					3 Юк-баридор	4 Юк. спец.								
8 Импортчи/юкни қабул қилувчи №					5 Тов. номларнинг умумий сони		6 Жой миқдори		7 БЮДнинг рўқбат рақами					
					9 Молиявий тартибга солиш учун жавобгар шахс №									
14 Декларант/божхона броуери №					10 Мулквал. 1-матлаб		11 Савдо шлт. мамл.		12 Умумий божхона қиймати		13			
					15 Жуфтуйи мамлакат					16 Келиб чиқиш мамлакати		17 Келиб тушадиган мамлакат		18 Кел. тушад. мамл. коди
16 Жуфтуйи/етказиб бериш вақтидаги транспорт воситаси					19 Кон.		20 Етказиб бериш шартлари							
21 Чегарадаги транспорт воситаси					22 Валюта ва товарларнинг умум. фант. қиймати					23 Валюта курси		24 Битим ҳусусияти		
25 Чегарадаги траноп. тури		26 Мамл. ичкарисидаги транспорт тури		27 Юнлаш/тушириш жойи		28 Молия ва банк маълумотлари								
29 Чегарадаги божхона					30 Товарларни кўридан ўтказиш жойи									
31 Юк жойлари ва товар тавасифи					32 Товар №		33 Товар коди							
44 Умумий маълумотлар/тақдим этилаётган ҳужжатлар					34 Кел. чег. мамл. коди		35 Брутто вазн (кг)		36 Преперенция					
					37 Процедура		38 Нетто вазн (кг)		39 Квота					
					40 Умумий декларация/тавапга ҳужжат									
					41 Қўшмача ўт-ов. бериши		42 Товарнинг фант. қиймати			43		45 Божхона қиймати		
					46 Статистик қиймат									
47 Божхона тўловларининг ҳисоби					Тўлов тури		Ҳисоблаш асоси		Става		Сумма		ТУ	
					48 Тўловларни кенитириш					49 Ойбор номи				
					B Ҳисоб-китоб тафсилотлари									
50 Ишонч билдирган шахс					51 Транзит мамлакати божхонаси									
52 Қароват: учун тўловий эмас					53 Келиб тушадиган божхона ва мамлакат									
D Божхона назорати					54 Жой ва сана									

Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага 2-ИЛОВА

БОЖХОНА ЮК ДЕКЛАРАЦИЯСИ ҚЎШИМЧА ВАРАҚ

БД 2

2 Экспортчиёқни ҳужжатини		8 Импортчиёқни қабул қилувчи №		1 Декларация тури		3 Қўш варақлар					
31 Юк ҳойлаши ва товар тавсифи				32 Товар №	33 Товар коди						
44 Қўшимча маълумотлар/ тақдим этилаётган ҳужжатлар				34 Кел чик мамлақати		35 Брутто вазн (кг)		36 Преференция			
				37 Процедура		38 Нетто вазн (кг)		39 Қисқа			
40 Умумий декларациялаватги ҳужжат				41 Қўшимча улмас берлиги		42 Товар факт. қиймати		43			
44 Қўшимча маълумотлар/ тақдим этилаётган ҳужжатлар				45 Божхона қиймати		46 Статистик қиймат					
31 Юк ҳойлаши ва товар тавсифи				32 Товар №	33 Товар коди						
44 Қўшимча маълумотлар/ тақдим этилаётган ҳужжатлар				34 Кел чик мамлақати		35 Брутто вазн (кг)		36 Преференция			
				37 Процедура		38 Нетто вазн (кг)		39 Қисқа			
40 Умумий декларациялаватги ҳужжат				41 Қўшимча улмас берлиги		42 Товар факт. қиймати		43			
44 Қўшимча маълумотлар/ тақдим этилаётган ҳужжатлар				45 Божхона қиймати		46 Статистик қиймат					
31 Юк ҳойлаши ва товар тавсифи				32 Товар №	33 Товар коди						
44 Қўшимча маълумотлар/ тақдим этилаётган ҳужжатлар				34 Кел чик мамлақати		35 Брутто вазн (кг)		36 Преференция			
				37 Процедура		38 Нетто вазн (кг)		39 Қисқа			
40 Умумий декларациялаватги ҳужжат				41 Қўшимча улмас берлиги		42 Товар факт. қиймати		43			
44 Қўшимча маълумотлар/ тақдим этилаётган ҳужжатлар				45 Божхона қиймати		46 Статистик қиймат					
47 Божхона тўловларининг ҳисоби		Тўлов тури	Ҳисоблаш асоси	Ставка	Сумма	ТУ	Тўлов тури	Ҳисоблаш асоси	Ставка	Сумма	ТУ
Биринчи товар бўйича битинди:						Иккинчи товар бўйича битинди:					
Тўлов тури		Ҳисоблаш асоси	Ставка	Сумма	ТУ	Тўлов тури		Сумма	← Умумий сумма		
Учинчи товар бўйича битинди:						Жами:					

Божхона юк декларациясини тўлдириш
тартиби тўғрисидаги йўриқномага
3-ИЛОВА

**Божхона режимлари
ТАСНИФЛАГИЧИ**

Т/р	Божхона режими номи	Коди
1.	Экспорт	10
2.	Резкспорт	11
3.	Вақтинчалик олиб чиқиш	12
4.	Эркин муомалага чиқариш (импорт)	40
5.	Реимпорт	41
6.	Вақтинчалик олиб кириш	42
7.	Божхона ҳудудида қайта ишлаш	51
8.	Божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш	61
9.	Вақтинча сақлаш	70
10.	Эркин бојхона зонаси	71
11.	Бож олинмайдиган савдо	72
12.	Эркин омбор	73
13.	Божхона омбори	74
14.	Давлат фойдасига воз кечиш	75
15.	Йўқ қилиш	76
16.	Божхона транзити	80

Божхона юк декларациясини тўлдириш
тартиби тўғрисидаги йўриқномага
4-ИЛОВА

**Божхона постлари
ТАСНИФЛАГИЧИ**

Т/р	Ўзбекистон Республикаси ДБҚ ҳудудий бошқармалари постларининг номи	Пост коди
	Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича бошқармаси	
1.	«Аэропорт Нукус» чегара пости	35001
2.	«Нукус» ТИФ божхона пости	35002
3.	«Ходжейли» чегара пости	35003
4.	«Даут-ата» чегара пости	35004
5.	«Турткуль» ТИФ божхона пости	35009
6.	«Каракалпакия» темир йўл чегара пости	35010
7.	«Найманкуль» темир йўл чегара пости	35011
8.	«Кунград» ТИФ божхона пости	35012

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й.

Т/р	Ўзбекистон Республикаси ДБҚ ҳудудий бошқармалари постларининг номи	Пост коди
	Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Андижон вилояти бўйича бошқармаси	
1.	«Дўстлик» чегара комплекси	03002
2.	«Аэропорт Андижан» чегара пости	03003
3.	«Бабур» ТИФ божхона пости	03004
4.	«Маданият» чегара пости	03009
5.	«Андижан» ТИФ божхона пости	03011
6.	«Савай» темир йўл чегара пости	03014
7.	«Асака» ТИФ божхона пости	03015
	Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Бухоро вилояти бўйича бошқармаси	
1.	«Аэропорт Бухара» чегара пости	06001
2.	«Когон» ТИФ божхона пости	06002
3.	«Бухоро пахта терминали» ТИФ божхона пости	06003
4.	«Бухара» ТИФ божхона пости	06006
5.	«Коровулбозор» ТИФ божхона пости	06007
6.	«Гиждуван» ТИФ божхона пости	06008
7.	«Коракуль» ТИФ божхона пости	06009
8.	«Алат» чегара комплекси	06010
9.	«Ходжедават» темир йўл чегара пости	06011
	Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Жиззах вилояти бўйича бошқармаси	
1.	«Джизак» ТИФ божхона пости	08004
	Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Қашқадарё вилояти бўйича бошқармаси	
1.	«Кашкадарья» ТИФ божхона пости	10001
2.	«Насаф» ТИФ божхона пости	10002
3.	«Карши» темир йўл чегара пости	10003
4.	«Муборак» ТИФ божхона пости	10005
5.	«Китаб» ТИФ божхона пости	10006
6.	«Камаша-Гузор» ТИФ божхона пости	10007
7.	«Карши-Керки» чегара пости	10008
8.	«Карши-тола» ТИФ божхона пости	10010
9.	«Талимаржон» ТИФ божхона пости	10011
10.	«Аэропорт Карши» чегара пости	10012
	Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Навоий вилояти бўйича бошқармаси	
1.	«Гинчлик» ТИФ божхона пости	12001
2.	«Аэропорт Навои» чегара пости	12002
3.	«Навои» ТИФ божхона пости	12003
4.	«Навои азот» ТИФ божхона пости	12004

Т/р	Ўзбекистон Республикаси ДБК ҳудудий бошқармалари постларининг номи	Пост коди
5.	«Зарафшон» ТИФ божхона пости	12008
6.	«Учкудук» ТИФ божхона пости	12009
7.	«Навои индустриальный» ТИФ божхона пости	12012
8.	«Навои логистика» ТИФ божхона пости	12013
	Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Наманган вилояти бўйича бошқармаси	
1.	«Аэропорт Наманган» чегара пости	14002
2.	«Учкурган» чегара пости	14003
3.	«Касансай» чегара пости	14004
4.	«Наманган» ТИФ божхона пости	14010
	Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Самарқанд вилояти бўйича бошқармаси	
1.	«Аэропорт Самарқанд» чегара пости	18001
2.	«Самарқанд» ТИФ божхона пости	18005
3.	«Каттакурған» ТИФ божхона пости	18006
4.	«Улугбек» ТИФ божхона пости	18007
	Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Сурхондарё вилояти бўйича бошқармаси	
1.	«Аэропорт Термез» чегара пости	22002
2.	«Сариасия» чегара комплекси	22003
3.	«Сариасия» темир йўл чегара пости	22004
4.	«Термез» ТИФ божхона пости	22005
5.	«Денов» ТИФ божхона пости	22006
6.	«Галаба» темир йўл чегара пости	22010
7.	«Дарё порти» ТИФ божхона пости	22011
8.	«Жарқурған» ТИФ божхона пости	22013
9.	«Болдир» темир йўл чегара пости	22015
10.	«Айритом» чегара комплекси	22017
	Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Сирдарё вилояти бўйича бошқармаси	
1.	«Хавас» ТИФ божхона пости	24003
2.	«Сырдарья» чегара пости	24004
3.	«Гулистан» ТИФ божхона пости	24009
4.	«Сайхун» ТИФ божхона пости	24010
	Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Тошкент вилояти бўйича бошқармаси	
1.	«Яллама» чегара пости	27001
2.	«Навои» чегара пости	27008
3.	«С. Наджимов» чегара пости	27009
4.	«Ойбек» чегара пости	27011
5.	«Чирчик» ТИФ божхона пости	27014

Т/р	Ўзбекистон Республикаси ДБК ҳудудий бошқармалари постларининг номи	Пост коди
6.	«Алмалык» ТИФ божхона пости	27015
7.	«Янгийул» ТИФ божхона пости	27016
8.	«Бекобод» ТИФ божхона пости	27018
9.	«Назарбек» ТИФ божхона пости	27019
10.	«Келес» ТИФ божхона пости	27020
11.	«Гишткуприк» чегара комплекси	27021
12.	«Фархад» чегара пости	27023
13.	«Бекабад» темир йўл чегара пости	27024
14.	«Ангрен» ТИФ божхона пости	27028
15.	«Ўзбекистан» темир йўл чегара пости	27029
	Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Фарғона вилояти бўйича бошқармаси	
1.	«Аэропорт Ферғана» чегара пости	30001
2.	«Коканд» ТИФ божхона пости	30002
3.	«Кувасой» ТИФ божхона пости	30003
4.	«Ферғана» чегара пости	30004
5.	«Андархан» чегара пости	30005
6.	«Риштон» чегара пости	30006
7.	«Укчи» чегара пости	30007
8.	«Водий» ТИФ божхона пости	30009
9.	«Ўзбекистан» чегара пости	30010
10.	«Сох» чегара пости	30012
11.	«Киргули» ТИФ божхона пости	30015
12.	«Маргилан» ТИФ божхона пости	30017
13.	«Бешарык» темир йўл чегара пости	30018
	Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Хоразм вилояти бўйича бошқармаси	
1.	«Шават» чегара пости	33001
2.	«Дустлик» чегара пости	33004
3.	«Хоразм тола» ТИФ божхона пости	33005
4.	«Ургенч» темир йўл чегара пости	33006
5.	«Ургенч» ТИФ божхона пости	33007
6.	«Аэропорт Ургенч» чегара пости	33011
	Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Тошкент шаҳри бўйича бошқармаси	
1.	«Ташкент-товарный» ТИФ божхона пости	26002
2.	«Арк булак» ТИФ божхона пости	26003
3.	«Чукурсай» ТИФ божхона пости	26004
4.	«Чет эл ваколатхоналари» ТИФ божхона пости	26005
5.	«Энергия» ТИФ божхона пости	26006
6.	«Бош почтампт» ТИФ божхона пости	26007
7.	«Келес» темир йўл чегара пости	26009

Т/р	Ўзбекистон Республикаси ДБҚ ҳудудий бошқармалари постларининг номи	Пост коди
8.	«Сергели» ТИФ божхона пости	26010
9.	«Файзабад» ТИФ божхона пости	26012
10.	«Техническая контора Чукурсай» темир йўл чегара пости	26013
	«Тошкент АЭРО» ихтисослашган божхона комплекси	
1.	«Международный аэропорт Ташкент» чегара пости	00101
2.	«Авиа юклар» ТИФ божхона пости	00102
3.	«Тузель» ТИФ божхона пости	00103
4.	«Учиш майдони» ТИФ божхона пости	00105

Божхона юк декларациясини тўлдириш
тартиби тўғрисидаги йўриқномага
5-ИЛОВА

Дунё мамлакатлари ТАСНИФЛАГИЧИ

Т/р	Мамлакатнинг қисқа номи	Мамлакатнинг тўлиқ номи	Ҳарfli коди	Рақамли коди
1.	АВСТРАЛИЯ	АВСТРАЛИЯ	AU	036
2.	АВСТРИЯ	АВСТРИЯ РЕСПУБЛИКАСИ	AT	040
3.	ОЗАРБАЙЖОН	ОЗАРБАЙЖОН РЕСПУБЛИКАСИ	AZ	031
4.	АЛАНД ОРОЛЛАРИ	АЛАНД ОРОЛЛАРИ	AX	248
5.	АЛБАНИЯ	АЛБАНИЯ РЕСПУБЛИКАСИ	AL	008
6.	ЖАЗОИР	ЖАЗОИР ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ	DZ	012
7.	АМЕРИКА САМОАСИ	АМЕРИКА (ШАРҚИЙ) САМОАСИ (АҚШ)	AS	016
8.	АНГИЛЬЯ	АНГИЛЬЯ	AI	660
9.	АНГОЛА	АНГОЛА РЕСПУБЛИКАСИ	AO	024
10.	АНДОРРА	АНДОРРА КНЯЗЛИГИ	AD	020
11.	АНТАРКТИДА	АНТАРКТИДА	AQ	010
12.	АНТИГУА ВА БАРБУДА	АНТИГУА ВА БАРБУДА	AG	028
13.	АРГЕНТИНА	АРГЕНТИНА РЕСПУБЛИКАСИ	AR	032
14.	АРМАНИСТОН	АРМАНИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ	AM	051
15.	АРУБА	АРУБА ОРОЛИ	AW	533
16.	АФФОНИСТОН	АФФОНИСТОН ЎТИШ ИСЛОМ ДАВЛАТИ	AF	004
17.	БАГАМ ОРОЛЛАРИ	БАГАМ ОРОЛЛАРИ	BS	044
18.	БАНГЛАДЕШ	БАНГЛАДЕШ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ	BD	050
19.	БАРБАДОС	БАРБАДОС	BB	052

Т/р	Мамлакатнинг қисқа номи	Мамлакатнинг тўлиқ номи	Харфли коди	Рақамли коди
20.	БАХРАЙН	БАХРАЙН ҚИРОЛЛИГИ	BH	048
21.	БЕЛАРУСЬ	БЕЛАРУСЬ РЕСПУБЛИКАСИ	BY	112
22.	БЕЛИЗ	БЕЛИЗ	BZ	084
23.	БЕЛЬГИЯ	БЕЛЬГИЯ ҚИРОЛЛИГИ	BE	056
24.	БЕНИН	БЕНИН РЕСПУБЛИКАСИ	BJ	204
25.	БЕРМУД ОРОЛЛАРИ	БЕРМУД ОРОЛЛАРИ	BM	060
26.	БОЛГАРИЯ	БОЛГАРИЯ РЕСПУБЛИКАСИ	BG	100
27.	БОЛИВИЯ	БОЛИВИЯ, КЎП МИЛЛАТЛИ ДАВЛАТ	BO	068
28.	БОНЭЙР, СИНТ-ЭСАТИУС И САБА	БОНЭЙР, СИНТ-ЭСАТИУС И САБА	BQ	535
29.	БОСНИЯ ВА ГЕРЦЕГОВИНА	БОСНИЯ ВА ГЕРЦЕГОВИНА	BA	070
30.	БОТСВАНА	БОТСВАНА РЕСПУБЛИКАСИ	BW	072
31.	БРАЗИЛИЯ	БРАЗИЛИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИ	BR	076
32.	БРИТАН ҲУДУДЛАРИ	ҲИНД ОКЕАНИДАГИ БРИТАН ҲУДУДЛАРИ (БРИТАНИЯ)	IO	086
33.	БРУНЕЙ-ДОРУССАЛОМ	БРУНЕЙ-ДОРУССАЛОМ	BN	096
34.	БУВЕ	БУВЕ ОРОЛИ	BV	074
35.	БУРКИНА-ФАСО	БУРКИНА-ФАСО	BF	854
36.	БУРУНДИ	БУРУНДИ РЕСПУБЛИКАСИ	BI	108
37.	БУТАН	БУТАН ҚИРОЛЛИГИ	BT	064
38.	ВАНУАТУ	ВАНУАТУ РЕСПУБЛИКАСИ	VU	548
39.	ВАТИКАН	ВАТИКАН ШАҲАР-ДАВЛАТИ	VA	336
40.	ВЕНГРИЯ	ВЕНГРИЯ РЕСПУБЛИКАСИ	HU	348
41.	ВЕНЕСУЭЛА	ВЕНЕСУЭЛА БОЛИВАР РЕСПУБЛИКАСИ	VE	862
42.	ВИРГИН ОРОЛЛАРИ (АҚШ)	ВИРГИНИЯ ОРОЛЛАРИ (АҚШ)	VI	850
43.	ВИРГИН ОРОЛЛАРИ (БРИТ.)	БРИТАН ВИРГИН ОРОЛЛАРИ	VG	092
44.	ВЬЕТНАМ	ВЬЕТНАМ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ	VN	704
45.	ГАБОН	ГАБОН РЕСПУБЛИКАСИ	GA	266
46.	ГАИТИ	ГАИТИ РЕСПУБЛИКАСИ	HT	332
47.	ГАЙАНА	ГАЙАНА РЕСПУБЛИКАСИ	GY	328
48.	ГАМБИЯ	ГАМБИЯ РЕСПУБЛИКАСИ	GM	270
49.	ГАНА	ГАНА РЕСПУБЛИКАСИ	GH	288
50.	ГВАДЕЛУПА	ГВАДЕЛУПА (ФР.)	GP	312
51.	ГВАТЕМАЛА	ГВАТЕМАЛА РЕСПУБЛИКАСИ	GT	320
52.	ГВИНЕЯ	ГВИНЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ	GN	324
53.	ГВИНЕЯ-БИСАУ	ГВИНЕЯ-БИСАУ РЕСПУБЛИКАСИ	GW	624
54.	ГЕРМАНИЯ	ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИ	DE	276

Т/р	Мамлакатнинг қисқа номи	Мамлакатнинг тўлиқ номи	Ҳарfli коди	Рақамли коди
55.	ГЕРНСИ	ГЕРНСИ	GG	831
56.	ГИБРАЛТАР	ГИБРАЛТАР (БРИТ.)	GI	292
57.	ГОНДУРАС	ГОНДУРАС РЕСПУБЛИКАСИ	HN	340
58.	ГОНКОНГ	ГОНКОНГ ХИТОЙНИНГ МАХСУС МАЪМУРИЙ ҲУДУДИ	HK	344
59.	ГРЕНАДА	ГРЕНАДА	GD	308
60.	ГРЕНЛАНДИЯ	ГРЕНЛАНДИЯ	GL	304
